

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ  
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўлёзма ҳуқуқида

УЎҚ: 811.512.133-3:821 (09) (584.4) Феруз

**МАҲАММАДИЕВА ЮЛДУЗ ЯШНАРОВНА**

**ФЕРУЗНИНГ БАДИЙ МАҲОРАТИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
илемий даражасини олиш учун тайёрланган

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илемий раҳбар:** Жабборов Нурбой Абдулҳакимович,  
филология фанлари доктори, профессор

**ТОШКЕНТ – 2021**

## **МУНДАРИЖА**

|  |                |
|--|----------------|
| <b>Кириш.....</b>  | <b>3-12</b>    |
| <b>I боб. Феруз лирикасида жанр поэтикаси</b>                                      |                |
| 1.1. Шоирнинг ғазал ва маснавий яратиш маҳорати.....                               | 13-32          |
| 1.2. Мусамматлар ва кичик шеърий жанрлар поэтикаси.....                            | 33-50          |
| <b>II боб. Феруз шеъриятида поэтик мазмун ва шакл мутаносиблиги</b>                |                |
| 2.1. Шоир шеъриятининг мавзуий таснифи: ишқий ва ижтимоий лирика.                  | 51-67          |
| 2.2. Ижодкорнинг диний-маърифий мавзудаги шеърларида мазмун ва шакл уйғунлиги..... | 68-81          |
| <b>III боб. Феруз лирикасида бадиий санъатлар, аruz ва қофия масалалари</b>        |                |
| 3.1. Шоирнинг бадиий санъатлардан фойдаланиш маҳорати.....                         | 82-99          |
| 3.2. Ижодкор шеъриятида аruz ва қофия.....   | 99-120         |
| <b>Холоса.....</b>   | <b>121-125</b> |
| <b>Фойдаланилган адабиётлар.....</b>   | <b>126-132</b> |

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигига поэтик тафаккур тадрижи, ижодкор бадиий маҳорати масалалари долзарб муаммолардан бири сифатида тадқиқ этиб келинмоқда. Муайян шоир ёки адиб ижод лабораторияси сирларини Шарқ мумтоз поэтикаси талаблари асосида ўрганиш ушбу йўналишдаги тадқиқотларнинг асосини ташкил этмоқда. Ушбу муаммони маълум бир худудда адабий муҳитга асос солган, бу орқали бадиий-эстетик тафаккур тараққиётига улкан ҳисса қўшган шоирлар лирик мероси, уларнинг бадиий маҳорати сирларини тадқиқ қилиш адабиётшунослик учун янги назарий ва амалий хулосаларга олиб келиши жиҳатидан долзарбdir.

Дунё адабиётшунослигига Шарқ мумтоз шеърияти поэтик жанр, образ, мазмун ва шакл уйғунлиги, ижодкор маҳорати билан боғлиқ адабий-эстетик қонуниятларнинг юзага келиш омиллари сингари муҳим масалалар кесимида илмий жиҳатдан тадқиқ этилмоқда. Муайян ижодкорлар асарлари мисолида бадиий санъатларни қўллаш ҳамда мумтоз қофиядан фойдаланишда индивидуал поэтик тафаккурнинг намоён бўлиши масаласи ҳануз адабиётшуносликда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбек адабиётшунослигига шеъриятимизнинг атоқли намояндалари мероси индивидуал поэтик маҳорат нуқтаи назаридан тадқиқ этилмоқда. Лекин бу борада янги замон талаблари даражасидаги илмий натижаларга эришиш ҳануз кун тартибида турибди. “...Ижтимоий соҳани, жумладан, адабиёт ва санъат соҳаларини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратиш зарурлиги”<sup>1</sup> алоҳида таъкидланиши замирида ҳам айни шу ҳақиқат мужассам. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Хоразмда адабий муҳит шаклланиши, тараққий этиши ва ўзбек адабиёти тарихида ўзига хос мавқега эга бўлишида алоҳида ўрин тутган Муҳаммад Раҳимхон Феруз адабий меросини жанр поэтикаси, бадиий мазмун ва шакл уйғунлиги, илми бадеъ,

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ти Фармони. //Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль.

аруз ва қофиядан фойдаланиш маҳорати жиҳатидан ўрганиш, шу жиҳатдан ҳам илмий заруриятдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарорлари, “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришининг мустаҳкам пойдевори” мавзусидаги маъruzасида ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот натижалари муайян даражада хизмат қиласи.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Муҳаммад Раҳимхон Соний Феруз ижодини ўрганиш унинг ҳаёт пайтидаёқ бошланган. Муҳаммад Ризо Огаҳий “Шоҳиду-л-иқбол” асарида Ферузнинг маҳоратини: “Ҳар қачон сўз деса фасоҳат ила, Жонни маҳзуз этиб малоҳат ила. Гарчи ҳар фан аро эрур моҳир, Лек қўб шеър илмида қодир<sup>2</sup>”, деб юқори баҳолагани бунинг исботидир. Ферузнинг шоирлик маҳорати ҳақида Баёнийнинг “Шажараи

---

<sup>2</sup>Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий. Шоҳиду-л-иқбол (Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изохлар муаллифи Н.Шодмонов). –Тошкент: Мухаррир, 2009. –Б. 33.

хоразмшоҳий”<sup>3</sup>, Ҳасанмурод Лаффасийнинг “Хива шоирлари ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари”<sup>4</sup>, Бобожон Тарроҳнинг “Хоразм шоир ва навозандалари”<sup>5</sup>, Комил Хоразмийнинг “Латойифу-з-заройиф”, Аҳмад Табибийнинг “Мажмуа-т уш-шуаро(йи Ферузшоҳий)”<sup>6</sup> ва “Мухаммасоти мажмаъ аш-шуаройи Ферузшоҳий”<sup>7</sup>, Пўлатжон Қайюмийнинг “Тазкираи Қайюмий”<sup>8</sup> асарларида ҳам қимматли маълумотлар берилган.

Шўролар замонида бошқа шоҳ шоирлар сингари Феруз адабий меросини ўрганиш имконияти ҳам чеклаб қўйилгани маълум. Шунга қарамай, машҳур адабимиз Абдулла Қаҳҳор ўтган асрнинг 60-йилларида “Қизил Ўзбекистон” газетасида: “Феруз – машҳур лирик шоир, мусиқашунос, композитор, яхши таржимон. Умархон сингари ўз замонасининг шоирларини ўрдасига йиққан. 1873 йилда босмахона сотиб олиб, Хоразмда биринчи китоб бостирган одам”, дея шоир ижодини ижобий баҳолаган эди.

Мустакиллик Ферузни шахс ва шоир сифатида ҳаққоний баҳолаш имконини берди. Давлатёр Раҳим ва Шихназар Матрасулнинг 1991 йили нашр этилган “Феруз: шоҳ ва шоир қисмати” китоби бунинг исботидир. Китобда Ферузнинг Хива адабий муҳитини ташкил этишдаги хизматлари, шоир сифатида ўлмас шеърий асарлар яратгани холис баҳоланди<sup>9</sup>. Муаллифлар илмий изланишларини давом эттириб, 2011 йили янги таҳлил ва талқинлар асосида “Феруз” китобини нашр эттириди<sup>10</sup>.

Адабиётшунос Г.Исмоилова 1991 йили Феруз шеърларини “Не бўлди ёrim келмади” номи билан кичик ҳажмда чоп эттириди. Китобга ёзилган сўнгсўзда шундай фикрларни ўқиймиз: “Муҳаммад Раҳимхон ўз даври ижодкорларини сарой атрофига йиғар экан, улар қаламининг янада ўткир,

<sup>3</sup>Баёний, Муҳаммад Юсуф. Шажараи хоразмшоҳий. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 9596.

<sup>4</sup>ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 12561.

<sup>5</sup>Ходим, Бобожон Тарроҳ. Хоразм шоир ва навозандалари (Табдил қилиб, нашрга тайёрловчилар А.Отамуродова, О.Абдураҳимов). –Тошкент: Tafakkur qanoti, 2011. – Б.191.

<sup>6</sup>ЎзР ФА ШИ фонди, инв. № 1152, 5018 (қўлёзма), 11238 (тошбосма).

<sup>7</sup>ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 1134.

<sup>8</sup>Қайюмов, Пўлотжон Домулло. Тазкираи Қайюмий. III жилдлик. III жилд. –Тошкент: ЎзР ФА Кўлёзмалар институти нашриёти, 1998. – Б.535-538.

<sup>9</sup>Қаранг: Давлатёр Раҳим, Шихназар Матрасул. Феруз: шоҳ ва шоир қисмати. – Тошкент: Fafur Fуломномидаги НМИУ, 1993.

<sup>10</sup>Давлатёр Раҳим, Шихназар Матрасул. Феруз. – Тошкент: EXPREMUM PRESS, 2011.

жозибали бўлиши устида қайғурди. Ҳар бир шоирнинг шеърларини жамъ қилиб, девон тузиш каби хайрли ишларни амалга ошириди. Ўша даврда деярли барча шоирлар битта, иккитадан ўз ғазалларининг мажмуасини туздилар. Бунинг натижасида юзга яқин девон ва баёзлар дунёга келди. Бу девон ва баёзларнинг яратилишига бевосита хоннинг ўзи бошчилик қилди, уларга кетадиган харажатларни ўз зиммасига олди”<sup>11</sup>.

Олиманинг хизматлари билан Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти фондидаги 12060, 3446 рақамили қўллўзма манбалар асосида шоир девони “Элга шоҳу ишққа қул” номи билан нашрдан чиқди<sup>12</sup>. Ана шу изланишлари самараси ўлароқ олима 1995 йили “Феруз даври Хоразм адабий муҳити” мавзусидаги номзодлик диссертациясини ёқлади<sup>13</sup>.

Адабиётшунос Нусратулло Жумахўжанинг 1995 йили нашр этилган “Феруз – маданият ва санъат ҳомийси” китобида Феруз фаолиятига доир янги факт ва маълумотлар таҳлилга тортилган<sup>14</sup>. Оғаҳий ва Феруз ўртасидаги устоз-шогирдлик муносабати, шоҳ шоирнинг Хоразм адабий муҳити ва таржимонлик мактабига асос солиши билан боғлиқ ижтимоий-маданий, адабий-эстетик омиллар тадқиқ этилган. Нусратулло Жумахўжа ва Иқболой Адизованинг “Сўздин бақолироқ ёдгор йўқдур” китобида “Шажараи хоразмшоҳий” асарига таянилиб, Ферузнинг ўз атрофига замонасининг кўплаб шоирларини йиққани, адабий-маданий муҳит яратгани, сийрати, ижодий меросининг бадиий қиммати таҳлил қилинган<sup>15</sup>.

Нусратулло Жумахўжанинг докторлик диссертациясида адабий муҳит ва адабий мактабни белгиловчи мезонлар ва хусусиятлар аниқланган. Ферузнинг адабиёт ва санъат ҳомийси, адабий муҳит асосчиси сифатидаги фаолияти чуқур тадқиқ қилинган. Феруз лирикасининг бадиий хусусиятлари,

<sup>11</sup>Исмоилова Г. Сўнгсўз ўрнида. / Муҳаммад Раҳимхон Феруз. Не бўлди, ёrim келмади. –Тошкент: Faafur Fулом номидаги НМИУ, 1991.

<sup>12</sup>Муҳаммад Раҳимхон Феруз. Элга шоҳу ишққа қул. –Тошкент: Faafur Fулом номидаги НМИУ, 1994.

<sup>13</sup>Исмоилова Г. Феруз даври Хоразм адабий муҳити. Филол. фан. номз. дисс. –Тошкент, 1995.

<sup>14</sup>Жумахўжа Н. Феруз – маданият ва санъат ҳомийси. Тошкент: Фан, 1995.

<sup>15</sup>Жумахўжа Н. Адизова И. Сўздин бақолироқ ёдгор йўқдур. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995.

Феруз ва Огаҳийнинг ижодий ҳамкорлик жараёнлари илмий ўрганилган<sup>16</sup>. Ушбу докторлик диссертацияси шу пайтга қадар Феруз асарларининг бадиияти нисбатан чукурроқ ўрганилган ягона тадқиқот бўлиб турибди.

Бундан ташқари, Комёб ва Мухаммад Расул Мирзо адабий меросига бағишлиланган тадқиқотларда ҳам Феруз ижодига маълум даражада муносабат билдирилган<sup>17</sup>. Саломат Маткаримованинг “Табибий – тазкиранавис (“Мажмуаи си шуаройи пайрави Ферузшохий” асосида)” мавзуидаги номзодлик диссертациясида мазкур тазкирадаги маълумотлар таҳлилидан келиб чиқиб, Ферузнинг адабий давраси, шоир лирик шеърларига пайравчилик анъанаси хусусида фикр юритилган<sup>18</sup>.

Феруз адабий меросининг олий ўқув юртлари дастурлари ва дарслекларидан ўрин олиши ҳам истиқлол натижасидир. Университетлар филология факультетлари учун “Миллий уйғониш ўзбек адабиётидан дастур”да Феруз ижодига алоҳида ўрин ажратилгани<sup>19</sup>, шу асосда яратилган “Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти” дарслигида шоир адабий меросини алоҳида ўрганиш кўзда тутилгани<sup>20</sup> бунинг исботидир.

Н.Шодмоновнинг “Шоҳиду-л-иқбол” – адабий манба” монографиясида Огаҳийнинг “Шоҳиду-л-иқбол” асари Феруз илмий биографиясини яратиш ва адабий меросини ўрганишда алоҳида ўрин тутиши илмий асосланган. Огаҳий ва Феруз муносабатларига доир янги маълумотлар илмий муомалага олиб кирилган<sup>21</sup>. “Шоҳиду-л-иқбол”нинг нашр этилиши натижасида Феруз

<sup>16</sup>Жумахўжа Н. Миллий мустакиллик мафкураси ва адабий мерос (XVII-XIX асрлар ўзбек шеърияти асосида): Филол. фан. д-ри... дисс. - Тошкент, 1999. – Б. 10-14.

<sup>17</sup>Жўраев Ж. Комёб ҳаёти ва ижодий мероси манбалари тадқики: фил. фан. номз... дис. –Тошкент, 2011. -200 б.; Файзуллаева Р. Мухаммад Расул Мирзо ва унинг адабий мероси. Фил. фан. номз... дис. –Қарши, 2020. - 139 б.

<sup>18</sup>Маткаримова С. Табибий – тазкиранавис (“Мажмуаи си шуаройи пайрави Ферузшохий” асосида). Фил. фан. номз... дис. –Тошкент, 2007. -136 б.

<sup>19</sup>Қаранг: Миллий уйғониш ўзбек адабиётидан дастур (Тузувчилар Б.Қосимов ва б.). – Тошкент: Университет, 1996.

<sup>20</sup>Қаранг: Қосимов Б., Юсупов Ш., Долимов У. ва б. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Университетлар ва педагогика олий ўқув юртларининг филология факультетлари учун дарслик. –Тошкент: Маънавият, 2004. –Б. 71-84.

<sup>21</sup>Шодмонов Н. “Шоҳиду-л-иқбол” – адабий манба. Тошкент: Фан, 2009.

биографияси ва шеърияти, замондош шоири адиблар билан ижодий ҳамкорлик масалаларига доир янги факт ва маълумотлар аён бўлди<sup>22</sup>.

А.Эркинов, Н.Полвонов ва Ҳ.Аминов нашр эттирган “Муҳаммад Раҳимхон II – Феруз кутубхонаси фехристи”да шоҳ шоир кутубхонасида сақланган турли фан соҳалари, жумладан, адабиётга доир китоблар ҳақида қимматли маълумотлар берилган<sup>23</sup>. Улар Ферузнинг маърифатпарвар хукмдор ва маҳоратли шоир сифатидаги камолоти манбалари билан таништириши жиҳатадан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Аксари Ферузнинг амри билан кўчирилгани бу китобларнинг қимматини оширади.

Ушбу тадқиқотлар Феруз ижодини ўрганиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилганини кўрсатади. Лекин шу пайтга қадар шоирнинг бадиий маҳорати алоҳида илмий муаммо сифатида тадқиқ этилган эмас.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбек мумтоз адабиёти ва фольклорини ўрганишнинг долзарб муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг бадиий маҳоратини очиб бериш орқали ижодкорнинг ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрнини илмий-назарий асослашдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Феруз шеъриятининг жанрлар поэтикасини очиб бериш;  
шоир лирик асарларида поэтик мазмун ва шакл уйғунлиги масаласини текшириш;

ижодкор шеъриятида ошиқ маъшуқ ва рақиб образлари триадасининг поэтик ифодаси таҳлили асосида ижодий анъана ва поэтик янгиланиш

---

<sup>22</sup>Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий. Шоҳиду-л-иқбол (Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Н.Шодмонов). Тошкент: Мухаррир, 2009.

<sup>23</sup>Эркинов А., Полвонов Н. Ва Аминов Ҳ. Муҳаммад Раҳимхон II – Феруз кутубхонаси фехристи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010.

масалаларини илмий ёритиш;

шоирнинг диний-маърифий мавзудаги шеърлари бадииятини ўрганиш;

Ферузнинг бадиий санъатлардан фойдаланиш маҳоратини текшириш;

шоир лирикасида аruz ва қофия масаласини илмий таҳлил этиш.

**Тадқиқотнинг обьекти** сифатида Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг “Элга шоҳу ишққа қул” шеърий тўплами олинди.

**Тадқиқотнинг предметини** Феруз шеъриягининг жанрлар поэтикаси, мавзу кўлами, шоир лирикасида поэтик образ ва шакл мутаносиблиги, бадиий санъатлардан, вазн ва қофиядан фойдаланиш маҳорати масалалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тарихий-қиёсий, аналитик, герменевтический, биографик ҳамда социологик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

Ферузнинг ғазал, мусаммат, маснавий, рубоий каби жанрларда индивидуал ижодий маҳоратини намоён этиб, мумтоз жанрлар поэтикасини миллий рух, ирфоний мазмун ва бадиий-эстетик тафаккур уйғунлиги асосида такомиллаштиргани исботланган;

шоир бадиий маҳорати ишқий, ижтимоий ва диний-маърифий мавзулардаги лирик асарларида поэтик мазмун ва шакл уйғунлиги ҳамда лирикада индивидуал поэтик тафаккурнинг тадрижий такомили кесимида илмий далилланган;

ижодкор шеъриятида, талмех, тақрир, саволу жавоб, хусни таълил, ташхис, таносуб, ташбих, тажоҳулу-л-ориф, радду-л-матлаъ, тажнис, истиора, нидо каби бадиий санъатлар икки хил тарзда, яъни, биринчиликдан, ғазалнинг тўлиқ бир санъат асосига қурилиши, иккинчиликдан, бир вақтнинг ўзида бир қанча бадиий санъатлардан баравар фойдаланилиши тарзида қўллангани аниқланган;

Феруз лирик асарларида арузнинг рамал, ҳазаж, ражаз, мутақориб, музориъ, мунсарих, мужтасс, ҳафиғ сингари саккиз баҳрида ижод қилгани,

шоирнинг аксар шеърлари рамал ва ҳазаж баҳрларида ёзилгани аниқланиб, ўзбек мумтоз шеъриятида фаол қўлланган вазнлар қаторида кам учрайдиган вазнларда ҳам шеърлар битгани шоирнинг юксак маҳоратига далил бўла олиши асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси қўйидагилардан иборат:**

шоир шеърияти жанрлари орасида ғазал етакчи ўринда туриши далилланган;

ижодкор лирикасида поэтик мазмун ва поэтик шакл уйғуналиги масаласи аниқ мисоллар таҳлили орқали кўрсатилган;

Феруз назмий меросида бадиий санъатлар қўлланишида ўзига хос ижодий ёндашилгани исботланган;

шоирнинг аruz ва қофияни ўзига хос тарзда санъаткорона қўллагани ёритилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув усуллари ва назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилгани, таҳлилга тортилган материалларнинг илмий методлар воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хulosаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги, адабиётшуносликнинг замонавий илмий концепциялари асосида ўрганилгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Феруз лирикасига оид тадқиқотларда эришилган илмий ютуқлар ва назарий фикрларни тўлдиради, ижтимоий-адабий муҳит ва индивидуал ижодий тафаккурнинг поэтик мазмун янгиланишидаги ўрни ҳамда поэтик образ ва поэтик шакл янгиланишининг адабий-эстетик тамойиллари ҳақидаги назарий қарашларни бойитиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти XX аср бошлари ўзбек адабиёти тарихи бўйича тадқиқотлар учун материал бера олади, олий ўқув юртларининг “Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили)” таълим

йўналишида “Ўзбек мумтоз ва миллий уйғониш адабиёти”, “ХХ аср ўзбек адабиёти”, “Адабиётшунослик (ўзбек адабиёти)” магистратура мутахассислигига “Жадид адабиёти тарихи” фанларидан маъruzалар ўқишида ва амалий машғулотлар ўтказишида, дарсликлар ва ўкув қўлланмалар яратишида манба бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ферузнинг бадий маҳорати тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ферузнинг ғазал, мусаммат, маснавий, рубоий каби жанрлардаги асарларида индивидуал ижодий маҳоратини намоён этгани, мумтоз жанрлар поэтикасини миллий рух, ирфоний мазмун ва бадий-эстетик тафаккур уйғунлиги асосида такомиллаштиргани; шоирнинг ишқий, ижтимоий ва диний-маърифий йўналишдаги асарларида поэтик мазмун ва шакл мутаносиблиги; шоир лирикасида бадий санъатлар, аruz ва мумтоз қофиянинг ўрнига доир илмий-назарий хulosалардан OT-F1-030 рақамли “Ўзбек адабиёти тарихи” кўп жилдлик монографияни (7-жилд) чоп этиш” (2017-2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил 12 январдаги 89-03-152-сон маълумотномаси). Натижада, Феруз адабий меросига доир маълумотлар мумтоз жанрлар поэтикаси, бадий мазмун ва шакл, бадий санъатлар, аruz ва қофия қўлланишида ижодкор маҳоратига доир янги назарий қарашлар, янги факт ва маълумотлар, янгича илмий хulosалар билан бойитилган;

Феруз шеъриятида жанрлар поэтикаси, шоир лирикасида бадий мазмун ва шакл уйғунлиги, ижодкорнинг бадий образ яратиш маҳоратига доир янги маълумотлар ва илмий хulosалардан “O‘zbekiston” телеканалида “Ассалом, Ўзбекистон”, “Ижод маҳсули”, “Ибратга йўғрилган умр”, “Қалб гавҳари” ҳамда “Ўзбекистон тарихи” телеканалининг “Мавзу” ва “Тақдимот” номли кўрсатувлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 15 январдаги 01-13-75-сонли маълумотномаси). Натижада, телекўрсатувларнинг сифати ошиб, миллий

уйғониш даври шеъриятининг халқимиз адабий-эстетик тафаккурини ўстиришдаги ўрнини кўрсатишга эришилган;

Феруз шеъриятининг жанр хусусиятлари, шоир лирикасида бадиий санъатлар, аruz ва мумтоз қофиянинг ўрнига доир илмий-назарий хулосалардан Озарбайжон Миллий Илмлар академияси Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институтининг “Озарбайжон-Туркманистон-Ўзбекистон адабий алоқалари” бўлимида озарбайжонлик ўзбекшунос олимлар томонидан фойдаланилган (Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институтининг 2021 йил 21 январдаги маълумотномаси). Натижада, озарбайжонлик талабаларнинг аruz ва мумтоз поэтика ҳамда миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти бўйича билим, кўникма ва малакалари ўсишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 2 та республика илмий-назарий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш эълон қилинган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, жумладан, 4 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 132 сахифани ташкил этади.

# **І БОБ. ФЕРУЗ ЛИРИКАСИННИГ ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИ ВА МАВЗУ КҮЛАМИ**

## **1.1. Шоирнинг ғазал ва маснавий яратиш маҳорати**

Хоразм ўзбек мумтоз адабиётининг юксак даражада равнақ топган ва маънавиятимиз такомилида ўчмас из қолдирган марказларидан биридир. Узоқ тарихий ва адабий жараёнда шаклланган ҳамда такомиллашиб борган анъаналар, бадиий тафаккур тарзи, шеърият, маданиятга ихлосмандлик, бой адабий манбаларнинг мавжудлиги воҳада ҳар жиҳатдан мукаммал ва қизгин адабий муҳитни вужудга келтирди. Бу адабий муҳит такомилининг юқори чўққиси XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошидаги давр бўлди. Бунда, биринчи навбатда, Ферузнинг ташаббускорлиги кўзга яққол ташланади. Хоразм адабий ва мусиқий муҳитини янада юқори поғаналарга кўтаришда Муҳаммад Раҳимхон II нинг хизматлари бениҳоя каттадир.

Хоразм адабиёти ва санъатининг сайқал топиши, абадийликка юз тутиши, бугунги авлодларга бой ва туганмас хазина сифатида етиб келиши бевосита Муҳаммад Раҳимхон Феруз номи билан чамбарчас боғлиқ. Саройда ўнлаб шоирлар унинг ҳомийлигига бадиий ижод билан шуғулландилар. Муҳаммад Юсуф Баёний, Муҳаммад Расул Мирзо, Аҳмад Табибий, Аваз Ўтар ўғли, Чокар, Роғиб, Девоний, Ғозий, Шиносий, Оқил, Гуломий, Комёб<sup>24</sup> каби шоирлар шулар жумласидандир. Хива адабий муҳити ривожланишида, янада жонланишида, биринчи навбатда, ўзи шоир, бастакор, айни вақтда хон бўлган Ферузнинг бевосита бошчилиги сабаб бўлган. Баёнийнинг “Шажараи Хоразмшоҳий” асарида Ферузнинг шеъриятга бўлган эътибори қуидагича таъкидланган: “Хон ҳазратлари шеърга кўп завқ пайдо қилиб эрдилар. Ўзлари ҳам бурундин Феруз тахаллуси била мутахаллис бўлуб, шеър айтур эрдилар. Сўнгроқ шеърга қўпроқ ҳарис бўлдилар”<sup>25</sup>. Ҳасанмурод Лаффасийнинг “Тазкираи шуаро”сида Ферузнинг ғазалнависликда Огаҳийдан сабоқ олгани,

<sup>24</sup>Хоразм мусиқаси тарихчаси.-Тошкент: Mumtoz so‘z, 2014.

<sup>25</sup>Баёний. Шажараи Хоразмшоҳий. Мерос. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б.175-265.

унинг шоир сифатида маҳорат касб этишида устозининг хизматлари катта экани таъкидланади<sup>26</sup>. Табибий “Мажмуай си шуарои пайрави Ферузшоҳий” тазкирасида Ферузнинг шоирлик иқтидорига юксак баҳо беради. Тазкиранависнинг шоҳ ва шоирни “ҳасабда илму фан соҳиби”, “ғазал ичра гавҳарфишон”, “сўзда мўъжизбаён” сингари таърифлар билан васф этгани ҳам буни тасдиқлади. Тазкирада яна Ферузнинг шоирлик салоҳияти ҳақида қуйидаги шеърий парча ҳам берилган:

Гуҳар сочғуси назм деса агар,  
Сўзидин терур фазл аҳли дуар.  
Эрур барча назм аҳли чокар анго,  
Эмас ҳеч бир шоҳ баробар анго<sup>27</sup>.

“Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти” дарслигида қайд этилганидек, Феруз ижодий мероси бизгача анча пароканда ҳолда етиб келган. Феруз улуғ устозлари Огаҳий, Комил Хоразмий девонларини қайта-қайта кўчиртирган, нашр эттирган. Аҳмад Табибийни шеърларини тўплаб девон тузишга унданаган. Аммо ўз шеърларини тўплаб нашр этишга саъй-ҳаракат қилмаган. Шунинг учун бўлса керак, унинг бизгача етиб келган ижодий мероси у даражада катта эмас. Умумий ҳажми 2534 мисрадан – 98 ғазал, 7 мухаммас, 2 мусаддас, 4 маснавий, 7 рубоийдан иборат”<sup>28</sup>.

Лекин шоир адабий меросининг умумий қўлами ҳақида бу рақамлар нисбий эканини таъкидлаш керак. Огаҳийнинг Феруз даври тарихи ва адабиёти ҳақида нодир маълумотларни жамлаган “Шоҳиду-л-иқбол” асарини тадқиқ қилган профессор Нафас Шодмонов ушбу тарихий асар таркибида келган бир ғазал ҳақида мана бундай ёзади: “Шоҳиду-л-иқбол”да ғазаллар умумий миқдорда 9 та бўлса-да, уларнинг биттаси Муҳаммад Раҳимхон Феруз ижодидан намуна сифатида келтирилади. Бу ғазал 9 байтдан иборат бўлиб,

<sup>26</sup>Лаффасий, Ҳасанмурод. Тазкираи шуаро. – Урганч: Хоразм, 1992. – Б.120.

<sup>27</sup>Табибий Аҳмаджон. Мажмуай си шуарои пайрави Ферузшоҳий. ЎзРФА ШИ, қўлёзма, инв. № 1152. –Б.95<sup>a</sup>

<sup>28</sup>Қаранг: Қосимов Б., Юсупов Ш., Долимов У. ва б. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Университетлар ва педагогика олий ўкув юртларининг филология факультетлари учун дарслик. – Тошкент: Маънавият, 2004. –Б.78.

*Тараҳҳум айлагил, эй шўхким, ишиқ ичра зорингман,*

*Гирифтори каманди тори зулфи мушкборингман, –*

матлаъи билан бошланади. “Таъвизу-л-ошиқин”да Огаҳийнинг бу ғазалга боғлаган мухаммаси ҳам мавжуд<sup>29</sup>. Асарга айнан шу ғазал танлаб олиниши шоирнинг бу ғазалдан таъсиrlанганидан ташқари, унинг эстетик даражасини белгилашда ҳам аҳамият касб этади”<sup>30</sup>. Бу каби ғазалларнинг аниқланиши шоир адабий меросини бойитади.

Муҳаммад Ризо Огаҳий “Шоҳиду-л-иқбол” асарида Ферузнинг шоирлик салоҳиятига юксак баҳо беради. Жумладан, у шеъриятдаги шогирди ва давомчиси бўлган бу ижодкорни қуидагича таърифлайди:

Ҳар қачон сўз деса фасоҳат ила,

Жонни маҳзуз этиб малоҳат ила.

Гарчи ҳар фан аро эрур моҳир,

Лек кўб шеър илмида қодир.

Котиби сунъ қилди рўзи азал,

Табъига хос маснавийу ғазал.

Маснавийда қилиб дурафшонлиғ,

Шуароға етурди ҳайронлиғ.

Ҳар ғазалким, дебон маҳорат ила,

Лол этиб фазл элин иборат ила...<sup>31</sup>

Феруз ўз ижодий фаолияти давомида мумтоз шеъриятимизнинг ғазал, маснавий, мухаммас ва рубоий каби жанрларида самарали ижод қилди. Шоирнинг бизга маълум адабий меросининг салмоқли қисмини ғазал жанрига мансуб шеърлар ташкил этади.

Ғазал мумтоз шеъриятимизнинг энг асосий жанрларидан эканлиги маълум<sup>32</sup>. Носириддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий”га кирган

<sup>29</sup>Огаҳий, Асарлар. VI жилдлик. II ж. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1972. – Б. 186 – 187.

<sup>30</sup>Шодмонов Н. “Шоҳиду-л-иқбол”нинг ўзбек бадиий-тариҳий насли тараққиётидаги ўрни, манбалари ва матний тадқики. Филлол. фан. док-ри... дисс. – Тошкент: 2009. – Б.145.

<sup>31</sup>Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий. Шоҳиду-л-иқбол. –Тошкент: Мухаррир, 2009. –Б. 33.

<sup>32</sup>Қаранг: Орзивеков Р. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. –Тошкент: Фан, 1976; Носиров О., Жамолов С., Зиёвуддинов М. Ўзбек классик шеърияти жанрлари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1979.

ғазалларидан бошланиб, Хоразмий “Мұхаббатнома”сида давом эттирилган, Саккокий, Атоий, Лутфий сингари шоирлар томонидан ривожлантирилган, ҳазрат Алишер Навоий лирикасида юксак поэтик такомилга эришган ўзбек ғазалнавислиги анъаналари кейинги даврларда ҳам муносиб давом эттирилди.

Лирик жанрларнинг, жумладан ғазалнинг ҳажми масаласи алоҳида эътибор қаратиладиган мавзулардан. Шайх Аҳмад Худойдод Тарозийнинг “Фунуну-л-балога” асарида ёзилишича: “Ғазалнинг аксари” йигирма байт бўлур. Ва ақалли беш байт. Андин ўксук бўлмас. Магар қофия табилмаса, тўрт байт қилурлар. Ул ҳам зарурат ҳукмидин жоиздур”<sup>33</sup>.

Навоийшунос Абдуқодир Ҳайитметов улуғ шоир лирикасига бағишлиланган тадқиқотида бу хусусда мана бундай ёзади: “Навоий лирик асарларнинг ҳажми масаласида тамоман анъана таомилида ижодий мақомда, шеърни сунъий равишда қисқартирмаслик ёки чўзмаслик нуқтаи назарида турган ва маълум қоидалар билан ўзини қатъян чекламаган”<sup>34</sup>. Алишер Навоий лирикасидаги бундай ижодий ёндашув кейинги даврлар шеъриятига ҳам таъсир қилмай қолмади. Жумладан, Феруз ғазалиётида ҳам ҳажм нуқтаи назаридан Навоий анъанасига издошлик кузатилади.

“Албатта, лирик шеър жуда ҳам катта бўлиши унинг бадиий таъсирини камайтиради, китобхондаги эмоционал ҳисларни ўтмаслаштириб қўяди, – деб ёзган эди Мақсуд Шайхзода. – Навоий ғазалларининг ҳажми формаси 7 ёки 9 байтлик ғазаллардир. Аммо унда 8 ва 10 байтли ғазалларни ҳам учратиш мумкин. Бу факт шоирда бадиий завқнинг қатъий андозаларга эга бўлганини, таъсиротнинг ҳадду ҳудудини яхши тасаввур қилганини кўрсатади. Чунки лириканинг ихота доираси эпик ва драматик асарларга ўхшаб бепоён бўлмайди”<sup>35</sup>. Феруз лирикасида гарчи 10-11 байтли ғазаллар ҳам учраса-да, бу жанр намуналари асосан 7-8 байтдан таркиб топгани шоирнинг лирик асарлар

<sup>33</sup>Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балога. Тошкент: Хазина, 1996. –Б.38.

<sup>34</sup>Ҳайитметов А. Навоий лирикаси (Тўлдирилган ва тузатилган иккинчи нашр). – Тошкент: O‘zbekiston, 2015. – Б.54.

<sup>35</sup>Шайхзода М. Ғазал мулкининг султони. /Асарлар. Олти томлик. Тўртинчи том. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. – Б.197.

ҳажми борасида ҳам улут Навоий санъатхонасидан сабоқ олганини кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, ижодкорнинг лирик шеър бадиий таъсирини кучайтириш, китобхон туйғусини жалб этиш масалаларига алоҳида диққат қаратгани исботидир.

Феруз адабий меросида ғазал етакчи жанр ҳисобланади. Шоир ғазаллари ушбу лирик жанр талабларига тўлиқ мувофиқ келиши билан алоҳида аҳамиятга эга. Уларни ўрганиш шоирнинг бадиий маҳорати юксак эканини кўрсатади.

Мумтоз лирикада ғазал унда қўлланган қофиянинг хусусиятига кўра: 1) *ҳусни матлаъ* (а-а, а-а, б-а, в-а), 2) *қитъа ғазал* (б-а, в-а, г-а), *мусажжасъ ғазал* (барча байтлари ички қофия асосига қурилган); 3) *зебқофия* (а-а, а-а, а-а, а-а), *зулқофиятайн* (а-а, б-б, в-в) каби турларга бўлиниши маълум<sup>36</sup>. Бундан ташқари, ушбу лирик жанрнинг оддий ғазал, мувашшаҳ ғазал, тазмин ғазал сингари турлари ҳам хосланади<sup>37</sup>. Ғазалнинг Феруз лирикасида учрайдиган турлари шоирнинг буюк салафлари лирик меросини ва уларнинг маҳорати сирларини чуқур ўрганганидан ҳамда ушбу жанр такомилига муносиб ҳисса қўша олганидан далолат беради.

Шоирнинг “Экан” радифли ғазали *ҳусни матлаъ* усулида қофияланган. Ғазалнинг дастлабки икки байти таҳлили ижодкорнинг шеърият назариясини пухта билишдан ташқари, ижод жараёнига татбиқ эта олгани исботидир:

Оразинг даврида ҳар ён зулфи анбарму экан?!

Йўқса ганж устида ётғон икки аждарму экан?!

Юзларинг май тобидин қилғон арақларму аён?!

Моҳи анвар даврида бир неча ахтарму экан?

<sup>36</sup>Қаранг: Куронов Д. ва б. Адабиётшунослик лугати. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – Б.386.

<sup>37</sup>Қаранг: Орзивеков Р. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. –Т.: Фан, 1976; Носиров О., Жамолов С., Зиёвуддинов М. Ўзбек классик шеърияти жанрлари. –Т.: Ўқитувчи, 1979; Мусульманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика (Х-ХV вв.). – М.: “Наука”, 1989; Олтинбек О. Каримбек Камий – миллий уйғониш шоири. – Тошкент: Muharrir, 2018.

Маълумки, ораз – юз Шарқ шеъриятида ганж, яъни ҳусн ганжи, хазинаси рамзи. Икки зулф эса мумтоз шеъриятда аждар, илон тимсоли сифатида талқин этилади. Ривоятларга қўра хазина бор жойда унинг қўриқчиси – аждар ҳам бўлади. Шоир мазкур байтда ҳусни матлаъ билан бир қаторда ташбих санъатини ҳам маҳорат билан қўллаган.

Ғазал нафақат қофияланиш тартибига, балки бадиий санъат талабига қўра ҳам ҳусни матлаънинг бетакрор намунасиdir. Зеро, ғазал матлаъи “ҳам мазмун, ҳам услугуб жиҳатдан ниҳоятда мутаносиб... Чиройли сўз ва иборалар чуқур маънонинг ёрқин, таъсирли шаклда намоён бўлишини таъминлаган. Натижада матлаъ ўқувчи эътиборини қозониб, унда кейинги байтларни ўқишига иштиёқ уйғотади”<sup>38</sup>.

Феруз лирикасида ғазалнинг энг кўп учрайдиган тури – **оддий ғазал**. Бу турдаги ғазалларнинг шаклий белгилари, адабиётшунос Олим Олтинбек фикрича, “....қуйидагилардан иборат: 1) матлаъдан мақтаъгача бир хил вазнда ёзилган бўлиши; 2) матлаъ мисралари ўзаро қофияланган ва жуфт мисраларнинг барчаси унга қофиядош бўлиши; 3) белгиланган (3 байтдан 21 байтгача) ҳажмда бўлиши; 4) мақтаъда шоир тахаллуси қўлланиши лозим”<sup>39</sup>. Феруз лирикасида ғазалнинг ушбу тури етакчилик қилишини таъкидлаш керак. Бу турдаги ғазаллар шоирнинг лирикадаги маҳоратини кўрсатиши жиҳатидан қимматлидир.

Мана, шундай ғазаллардан бири:

Очилмиш гул, етурмиш боға зийнат, эй санам, келгил,  
Иcharга бир нафас аҳбоб бирла жоми Жам, келгил...

Тўшаб баргини гул ер узра, тортар интизорингни,  
Гулистон ичра гул барги уза қўйуб қадам, келгил.

---

<sup>38</sup>Исҳоков Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: O‘zbekiston, 2014. – Б.297.

<sup>39</sup>Олтинбек О. Каримбек Камий – миллий уйғониш шоири. – Тошкент: Muharrir, 2018. – Б.83.

Ҳаводур мўътадил, ҳам фасли гулдур, кеча ҳам маҳтоб,  
Тузуб мажлис, ичарга лолагун май дам-бадам келгил...

Олиб бурқаъ жамолингдин қилурға кўзларим равшан,  
Жафоу жавру зулмингни қилиб бир лаҳза кам, келгил.

Гаҳи айлаб баҳона гул терарга, бу ҳазинингни,  
Қилурға хайли ушшоқ ичра, жоно, муҳтарам, келгил.

Санга Феруз эрур бир қул, vale ҳажрингдадур ношод,  
Бу қулни шод этарга, эй, нигори муҳташам, келгил.

Ушбу ғазалда она юртнинг кўркам баҳори нафис бўёклар билан тасвиранган. Гўёки рассомдек ўқувчи кўз ўнгида ёрқин намоён бўладиган бадиий тасвирни яратса олгани шоирнинг улкан маҳоратидан дарак беради. Боқقا зийнат бериб очилган, нафис баргларини ерга тўшаган гул тасвири... Мўътадил ҳаво, фасли гул, маҳтоб кечак, маъшуқа йўлига интизор ошиқ кечинмалари, ёр ҳажрида ношод лирик қаҳрамон руҳиятининг инжа бадиий талқини – лирик кайфиятнинг бетимсол ифодаси бўлган бу ғазал Ферузнинг мумтоз поэтик ифода устаси экани тасдиғидир.

Ғазални таҳлил этар экан, “Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти дарслиги муаллифлари қуйидагиларни ёзадилар: “Фасли гул” – баҳорнинг келиши боғларга ўзгача бир зийнат бағишлиайди. Шоир бундай гўзал табиатни ганимат билиб, ундан баҳраманд бўлишга даъват этади. У моҳир мусаввир каби баҳор лавҳасини ва унга монанд маъшуқанинг бетакрор гўзал қиёфасини чизади. Баҳор келиши билан борлиқ бутун гўзаллигини намойиш этар экан, маъшуқанинг ҳам ўз жамолидан “бурқаъ” – пардани олиб, ошиқ кўзларини равшан қилишини илтижо қиласди”<sup>40</sup>.

<sup>40</sup>Б.Қосимов, Ш.Юсупов, У.Долимов ва б. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Университетлар ва педагогика олий ўкув юртларининг филология факультетлари учун дарслик. – Тошкент: Маънавият, 2004. – Б.79.

Умуман, ушбу ғазални табиат ва руҳият тасвирининг мутаносиблиги, нозик маъно ва гўзал бадиият уйғунлиги билан мумтоз ғазалчиликнинг нодир намуналаридан, дейиш мумкин.

“Муборак” радифли ғазал ҳам оддий ғазал турига мансуб. Етти байтли бу ғазал чуқур мазмуни, тутилмаган ташбеҳлари, фикрнинг мантиқий изчиллиги ва санъаткорона ифодаси билан Феруз ижодида алоҳида ўрин тутади. Ғазал матлаъи қуидагича:

Олдинг ниқоб юздин, эй дилрабо, муборак!

Хуршиддек жаҳонға бердинг зиё, муборак!

Ушбу ғазал оддий ғазалга қўйиладиган барча талабларга жавоб бериши жиҳатидан қимматлидир. Маъшуқа бениҳоя гўзал. Унинг юзи бамисоли хуршид – қуёшга менгзайди. У юзидан ниқобини олар экан, атрофга зиё таралади.

Фархунда оразингни айларда шамъи мажлис,

Келдинг тараҳҳум айлаб бу базм аро, муборак!

“Фархунда” сўзи “Навоий асарлари лугати”да: “қутлуғ, саодатли, баҳтли, қувончли”<sup>41</sup>, дея изоҳланади. Яъни шоир мана бундай демоқчи: “Сенинг қутлуғ, баҳтдан яшнаган юзинг шамъи мажлис бўлишга – мажлисни безашга лойиқдир. Ошиғингга раҳм айлаб, бу базмга ташриф буюрганинг муборак бўлсин!” Байтда ижодкор лирик кайфиятни санъаткорона ифодалагани эътиборга лойик.

Ошиқларингга васлинг кўб ваъда айлаб эрдинг,

Бу ваъдаларга охир қилдинг вафо, муборак!

Маъшуқанинг ваъдага вафо қилиши – камдан-кам қўриладиган ҳол. Мумтоз ғазалчиликда одатда маъшуқа ваъдага вафосиз, деб таърифланади. Феруз ғазалида эса, аксинча: ёр – ваъдасига вафодор. Кейинги мисралар бу фикрни мантиқан изчил давом эттиради, янада тўлдиради:

Гоҳи табассум айлаб, гоҳи такаллум айлаб,

---

<sup>41</sup> Навоий асарлари лугати (Тузувчилар: П.Шамсиев, С.Иброҳимов). Т.: Адабиёт ва санъат, 1972.– Б.635.

Пинҳону фош қилдинг нозу адо, муборак!

Мумтоз шеъриятда ёрга нисбат бериладиган сифатлардан бири нозу адо экани аён. Лирик қаҳрамоннинг ёри ҳам баъзан пинҳон (яширин), баъзан эса фош (ошкор) нозу адо қиласи. Гоҳо табассум қилса, гоҳо такаллум айлайди – ийманибина сўзлайди. “Табассум” ва “такаллум” сўzlари ҳосил қилган сажъ ҳам, “пинҳон” ва “фош”даги тазод ҳам байтдаги ифоданинг бадииятини юксалтирган ҳамда шоир айтмоқчи бўлган фикрнинг таъсир кучини оширган.

Гоҳи олиб қўлунгға танбур, ўлуб навосоз,

Ушшоқи бенавоға бердинг наво, муборак!

Ёр гоҳида қўлига танбур олиб, навосоз бўлади. Бенаво ошиқларни наво билан сарафroz этади. Булар барчаси лирик қаҳрамон маъшуқасининг вафодор эканидан дарак беради. Бу ўринда *танбур, навосоз, наво* сўзлари ҳосил қилган таносуб, “бенаво” билан “бердинг наво” сўз ва жумлалари орасидаги маъно зидлиги байтда ифодаланган мазмунга бадиий зийнат бергани шоир маҳоратининг исботидир.

Чиқмай усулдинки, раққослик қилиб фош,

Юз бўса бир дирамга қилдинг баҳо, муборак!

Феруз, кўнглунг этма қошу кўзига мафтун,

Эркан ҳаёсиз асрү ул шўхи номуборак!

Феруз маъшуқанинг баланд ғуурлисини, иболи, ҳаёлисини, ўз қадрини биладиганини севади. Бир дирамга юз бўса берувчи маҳбубадан безор! Бу ҳол ғазалда миллий қадриятлар ҳисобланган ибо ва ҳаёни васф этиш ижодкор шеъриятининг хос хусусиятларидан эканини кўрсатади.

Феруз ижодида **мувашшах-ғазалнинг** ҳам ўзига хос намуналари учрайди. Шоир ижод қилган давр адабиётида мувашшахчилик ўзига хос адабий таомилга айлангани маълум. Феруз ҳам ушбу анъанани четлаб ўтмаган. Аксинча, мувашшах-ғазалларнинг бетакрор намуналарини яратган. “Лирикада мувашшах ўзбек адабиётида, айниқса, XIX асрнинг II ярмида кўп авж олиб кетиб, адабиёт аҳли ўртасида расм бўлиб қолган эди. Ҳатто шу даражадаки,

шоирлик ва назмчилик ҳунари мувашшаҳчилиқдаги маҳорат билан ўлчанадиган бўлиб қолган эди”<sup>42</sup>, – деб ёзади Мақсуд Шайхзода.

Араб тилидан олинган “мувашшаҳ” сўзининг луғавий маъноси “боғламоқ, зийнатламоқ” бўлса, истилоҳий мазмуни ҳар бир байти бош мисраларидан киши исми келиб чиқадиган шеър, демакдир. Мувашшаҳ ғазалларда киши исми икки хил усул билан ҳосил бўлади: 1) ғазал байтларидағи тоқ мисраларнинг биринчи ҳарфлари орқали; 2) ғазалдаги қофиядош мисраларнинг ilk ҳарфлари воситасида. Мувашшаҳчилиқда асосан, биринчи турдаги шакл кенг тарқалган бўлиб, Феруз ижодидаги мувашшаҳлар ҳам айни шу шакл асосида қурилган. Жумладан, мана бу ғазал ана шундай мувашшаҳ-ғазаллардандир:

Юзунгдур, эй париваш, ҳусн буржининг тўлин моҳи,

Ики қошинг ҳилоли ийд янглиғ борча дилҳоҳи.

Ушбу ғазал байтларидағи тоқ мисраларнинг биринчи ҳарфлари қўшилишидан “Юсуфжон” исми келиб чиқади. Маълумки, мумтоз шеъриятдаги мувашшаҳлар, анъана бўйича, эр кишилар исмига битилган. Лекин мувашшаҳ кимнинг исмига боғланган бўлса унинг мазмуни айнан шу ном эгасига тегишли, деб ўйлаш тўғри эмас. Мувашшаҳда исми яширган кишилар, одатда, шоирнинг адабий давраси вакили, яқин дўсти, қариндоши бўлади. Шоир ва адабиётшунос Мақсуд Шайхзода мувашшаҳнинг айни хусусиятини қуйидагича таърифлаган: “...мувашшаҳ кимнинг номига боғланган бўлса, ўша ғазалда таърифланган образ ҳам айнан мазкур кишининг ўзидир, деб ўйлаш хатодир. Мувашшаҳдаги исм бу ғазалнинг кимга бағищланганига далолат қиласи, холос. Асарда тасвирланган ёр бус-бутун бошқа бир киши бўлиши мумкин”<sup>43</sup>. Масалан, Ферузнинг “Юнусжон” исмига боғланган мувашшаҳ ғазалида ёр тасвирида қуйидаги мазмун ифодаланган:

Сочи савдосида доим қоронгудур манга олам,

Менинг бу шоми ҳижронимға еткур, субҳидам, ё Раб.

<sup>42</sup>Шайхзода М. Асарлар. Олти томлик. Бешинчи том. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. –Б. 91-92.

<sup>43</sup>Шайхзода М. Асарлар. Олти томлик. Бешинчи том. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. –Б. 91-92.

“Шоми ҳижрон” истиораси, “шом” ва “субҳидам” сўзлари ҳосил қилган тазод орқали фикр бетакрор бадиий ифодаланган ушбу байтда ёрнинг сочи савдоси ҳақида гап боряпти. Демак, лирик қаҳрамон – маъшуқа.

Мувашшаҳнинг одатда эрлар исмига битилиши ҳақида сўз юритдик. Ферузнинг мувашшаҳ-ғазаллари орасида аёл исмига бағишлиланганлари ҳам учрайдики, бу ҳол шоирнинг мавжуд анъана негизида янгилик қилишга интилганини кўрсатади. Жумладан, ижодкорнинг

Фурқатинг солди дилу жон ичра ўт,

Куфри зулфинг дину иймон ичра ўт, –

матлаъи билан бошланувчи ғазали Фаножон исмига мувашшаҳ қилинган. Хоразмда аёллар исмига “жон” қўшимчаси қўшиб айтилиши ҳисобга олинса, ушбу мувашшаҳ-ғазал аёл номига ёзилган бўлиши ҳақиқатга яқиндир.

Шайхзода мувашшаҳнинг шоир илмий биографиясини яратишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, мана бундай ёзади: “Одатда мувашшаҳ фақат тирик дўстнинг номига боғланади. Шунинг учун исмларига мувашшаҳ боғланган кишиларни аниқлаш ва шу орқали шоирнинг ёру дўстлари, муҳити ва доираси ҳақида конкрет материал қўлга киритиш шоирнинг илмий биографиясини яратиш учун муҳимдир”<sup>44</sup>. Эътиборли жиҳати шундаки, Мақсад Шайхзоданинг Фурқат мувашшаҳлари хусусида айтилган бу фикрлари Феруз мувашшаҳчилигига ҳам ҳар жиҳатдан алоқадордир. Бу ҳол исмлари мувашшаҳ қилинган кишиларнинг Феруз ва унинг ижодий давраси учун яқин шахслар бўлгани ҳақидаги хуносага олиб келади. Уларнинг шахсиятини, Феруз ҳаёти ва ижодий биографиясида тутган ўрнини аниқлаш адабиётшунослик учун қимматли материаллар бериши мумкин.

Феруз лирик меросида **мусажжаъ ғазалнинг** ҳам нодир намуналари бор. Мусажжаъ – сажъли, қофияли деган маънони англатиб, мумтоз адабиётдаги қофия билан боғлиқ бадиий санъат. Ғазали мусажжаъ байтлари ички қофияли ғазал бўлиб, унда байтлардаги мисралар тўрт бўлакка teng бўлиниб, олдинги

---

<sup>44</sup>Шайхзода М. Асарлар. Олти томлик. Бешинчи том. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. –Б. 91-92.

уч бўлак мустақил ҳолда қофияланади, тўртинчи бўлак эса шеърдаги асосий қофияга оҳангдош сўз билан тугалланади. Феруз ғазалиётида бу шаклда ёзилган икки ғазал мавжуд бўлиб, уларнинг матлаълари мусажжаъ эмас, оддий усулда битилган. Бобур ўзининг “Мухтасар” асарида: “...мусажжаъ ғазалларнинг матлаъида сажъ камроқ риоят қилибтурлар. Агар риоят қилинса яхшироқ бўлғусидур”<sup>45</sup>, – деб ёzádi. Ферузнинг қуидаги ғазали мусажжаъ усулида битилган ва Бобур айтганидек, матлаъда сажъ риоя қилинмаган:

*Шод ўлғил, эй маҳзун кўнгул, бу кеча дилдоринг келур,*

*Ширин такаллум, гулбадан, лаъли шакарборинг келур.*

*Соз айла айи асбобини, очгил тараф абвобини,*

*Рұксори оламтобини очиб севар ёринг келур.*

*Лаълин қилиб мўъжизбаён, бермакка умри жовидон,*

*Юз навъ меҳр айлаб аён, жонбахши гуфторинг келур.*

*Ҳижрони ичра борҳо, тортар эдинг ранжу ано,*

*Бу дам тутуб расми вафо шўхи ситамкоринг келур.*

*Маҳзун қилиб ағёрни, шод этгали сен ёрни,*

*Тарқ айлабон озорни, ёри вафодоринг келур.*

*Кўнглига ноланг бир саҳар таъсир қилмииидур магар,*

*Ширин дудоқу сиймбар, фархунда дийдоринг келур.*

*Ферузбахт ўлғил мудом, эт нўши ишрат бирла жом,*

*Андоқки сарви хуширом, озода рафторинг келур.*

---

<sup>45</sup>Бобур. Мухтасар (Нашрга тайёровчи Сайдбек Ҳасан). – Тошкент: Фан, 1971. – Б.127.

Ушбу ғазалда қўлланган сажъ усули ғазал оҳангдорлигини ғоятда кучайтириб, унга айрича жозиба ва латофат бағишлаган. Чуқур мазмун ва гўзал бадиий шакл уйғунлигини таъминлашга хизмат қилган.

Маълумки, ғазалнинг асосини байт ташкил қиласди. Гарчи байт ғазалнинг бир қисми бўлса ҳам, юксак салоҳиятли ижодкорлар асарларида байт шоир лирик кечинмаси ва бадиий ғоя яхлитлигини таъминлашга хизмат қиласди. Чунки ғазалда “...семантик ва синтактик жиҳатдан мустақил байтлар ўртасида мантиқий алоқадорлик фикрий қўчув воситасида эмас, балки муайян поэтик мотивни кучайтириш, бошқа мотивлардаги сабабларни санаш, изоҳлаш, оқибатидан огоҳ этиш каби йўллар орқали амалга оширилиши зарур”<sup>46</sup>. Алишер Навоий ғазалиёти мисолида айтилган бу фикрларни Феруз лирикасига ҳам татбиқ этиш мумкин. Шоир матлаъ байтни ғазалнинг кейинги байтлари билан узвий боғлашга жиддий эътибор беради. Жумладан, қуйидаги матлаъ байтда икки мисра ўзаро сабаб-оқибат муносабати орқали бириккан бўлса, кейинги байтларда лирик кечинма мантиқан изчил ривожлантирилгани кузатилади:

Сайри боғ этсанг агар, эй сарв қадду гулбадан,  
Сарв аёқингга қўяр бош, чок этар гул пираҳан.

Матлаъ байтнинг кейинги байтлар билан фикр ва туйғу ифодаси жиҳатидан узвий боғлиқ бўлиши ўқувчи онги ва қалбига кучли таъсир этади. Газални ўқища шавқ ҳиссини пайдо қиласди. Лирик кечинманинг байтдан байтга ўтган сари даражама-даражада ривожлантириб борилиши Ферузнинг тахаллус санъатига алоҳида диққат қаратганини кўрсатади.

Айламассан раҳм олтундек рухи зардим кўруб,  
Дилраболик расми бу навъ ўлгаму, эй сиймтан?

Ёки кейинги байт мазмунига эътибор қаратилса, лирик кечинма тасвири яна бир янги погонада мантиқан изчил давом эттирилаётгани кузатилади:

Кўрса рафтордингни гар боғ ичра кабки хушхиром,

---

<sup>46</sup>Жўраева Н. Ўзбек мумтоз адабиётида байт ва унинг поэтикаси. Фил.фан. номз..... дисс. Тошкент, 2004. – Б.15.

Банда бўлғай жилвайи қаддингга ул, андоқки ман.

Газал байтлариаро маъновий-ҳиссий муносабатга доир ана шу муҳим хусусиятни ўрганган профессор Баҳодир Саримсоқов унинг тахаллус санъати натижаси эканини алоҳида таъкидлайди: “Ўрта асрлар Шарқ адабиётининг назарий масалаларида, хусусан, илми бадеъда “тахаллус” атамаси қасида ёки ғазалда байтдан байтга нозик ёки нуқсонли ўтишларни англатувчи санъат маъносида кўлланилган”<sup>47</sup>.

Байт назарияси бошқа мусулмон халқлари адабиётшунослигига қўра, араб шеършунослигига чуқур илмий асосда ишлаб чиқилган. А.Б.Куделин фикрича, Ибн Қутайба “Шеърият ва шоирлар китоби” асарида маъно ва унинг сўз орқали ифодаланишига қараб, байтларни тўрт гурухга ажратади: Биринчи гурух – яхши маъно ва яхши лафздан ташкил топган байтлар. Иккинчи гурух – яхши лафз ва ёмон маънодан ташкил топган байтлар. Учинчи гурух – яхши маъно ва ёмон лафздан ташкил топган байтлар. Тўртинчи гурух – ёмон маъно ва ёмон лафздан ташкил топган байтлар.

Ушбу таснифдан кўриниб турибдики, байт ва унинг таркиби – маъно ва унинг сўзлар воситасида ифодаланиши Шарқ тарихий поэтикасида етакчи назарий масалалар сифатида ўрганилган”<sup>48</sup>.

Бундан ташқари, араб шеършунослигига шеърда шакл ва мазмун муносабати анча мукаммал ва тизимли ўрганилган. Б.Я.Шидфарнинг ёзишича, араб олими Қудама шеърий асардаги шакл ва мазмунга хос тўртта бир-бирига боғлиқ таркибий унсурларнинг ўзаро муносабатини поэтик уйғунликнинг асоси деб қараган. Булар: сўз ва маъно; сўз ва вазн; маъно ва вазн; маъно ва қофия. Бу унсурларнинг ўзаро муносабатлари эса байтда сўз, вазн, маъно ва қофиянинг тўла уйғун бўлишини талаб этади<sup>49</sup>.

<sup>47</sup>Саримсоқов Б. Алишер Навоий ғазалиётида тахаллус санъати. /Навоийга армуғон. 2-китоб Тошкент, 2000. Б.44.

<sup>48</sup>Куделин А.Б. Средневековая арабская поэтика (вторая половина VIII-XI вв.) – Москва: Наука, 1983. -С.59.

<sup>49</sup>Қаранг: Шидфар Б.Я. Образная система арабской классической литературқ (VI-VIII вв.) – Москва: Наука, 1974. С.162.

Феруз ғазалларида байт поэтикаси алоҳида ўрганилиши зарур бўлган илмий муаммолардан саналади. Умуман, шоир ғазалларида байтлар поэтик фикр, туйғу ва шакл жиҳатдан ўзаро мутаносиб экани жиҳатидан мумтоз шеъриятнинг барча талабларига жавоб беради.

Шоир ғазалларининг таҳлили унинг ушбу мумтоз жанрда маҳорат билан ижод қилганидан дарак беради. Феруз ғазалнависликда мумтоз шеърият анъаналарини муносиб давом эттириди, бу жанрнинг поэтик ифода имкониятларини кенгайтириди, янгича талқинлар билан бойитди.

Феруз ўзбек мумтоз шеъриятининг энг фаол жанри ҳисобланган маснавийда ҳам маҳорат билан ижод қилди. Шоир девони нашридан бу жанрга оид тўрт шеър ўрин олган бўлиб, уларнинг умумий ҳажми 706 мисрани ташкил этади. Профессор Нусратулло Жумахўжанинг фикрича: “Улар кичик ҳажмли асарлар бўлиб, эпик кўлам касб этмаган. Лекин маснавийлар услубининг енгил ва равонлиги Феуз эпик кўламдаги йирик асарлар ҳам яратиш қобилиятига эга бўлганлигини кўрсатади”<sup>50</sup>.

Шоир маснавийларининг ҳар тўрталаси ҳам диний-тасаввуфий мазмунда битилган. Шунга кўра, улар шоирнинг дунёқарашини, эътиқодини аниқлашда яқиндан ёрдам бериши мумкинлигини таъкидлаш керак.

Феруз бошқа кўп илмлар қатори маснавийда бетакрор ижод қилиш сирларини ҳам улуғ устози Муҳаммад Ризо Огаҳийдан ўрганди. 1863 йили Ферузнинг отаси Сайийд Муҳаммадхон вафот этади, ўн тўққиз ёшли Муҳаммад Раҳим Хива хонлиги тахтига кўтарилади. Ферузнинг салтанат соҳиби бўлиши тож-тахт учун курашлар, хунрезликлар билан амалга ошмади. Балки сарой аҳлларининг, “шуаро ва фузало хайли”нинг хоҳиши-иродаси билан амалга ошди. Бу ҳолни Муҳаммад Юсуфбек Баёний “Шажараи Хоразмшоҳий” асарида катта мамнуният билан тасвирлайди. Ёш салтанат соҳибини қутлаш, бу воқеага багишлиб таърих ҳамда қасида битиш Муҳаммад Ризо Огаҳий

<sup>50</sup>Жумахўжа Н. Миллий мустакиллик мафкураси ва адабий мерос (XVII-XIX асрлар ўзбек шеърияти асосида): Филол. фан. д-ри... дисс. - Тошкент, 1999. – Б. 61-62.

зиммасига тушди. Чунки ўша даврда саройдаги энг мартабали инсон Огахий эди. Унинг маснавийда битилган 92 байтдан иборат “Мавъизатнома” асари матни Баёнийнинг мазкур асарида тўлиқ келтирилган. Унда шоир ёш хонга давлатниadolat билан бошқариш, “хукумат биносини устувор” этувчи амаллар ҳақида панд-насиҳатлар қиласи. Бунинг учун у тарихда ўтган хукмдорлар фаолиятини тахт вориси тасаввурида жонлантиради, элни шод, мамлакатни обод этиш йўлида улар олиб борган ишлардан тўғри хулоса чиқаришга даъват этади. Огахий давлатниadolat билан бошқаришда зарур бўлган фазилатларни васф этиш билан бирга салтанатни парокандаликка олиб борувчи иллатлардан ҳам огоҳлантиради. Улуг шоир ўз мавъизасида ёш хонни ушбу панд-насиҳатларга изчиллик билан амал қилишга чақиради:

Бу сўзларниким, мен баён айладим,  
Неча байт бирла аён айладим.

Буларга қаю шаҳки қилса амал,  
Онинг мулкига етмас асло халал.

Хукумат биноси бўлур устувор,  
Онинг хонадонида тутғай қарор.

Шаҳо, олам ичра бугун шоҳсен,  
Бурундин бу сўзларга огоҳсен.

Умидим будурким, амал қилғасен,  
Амал айламақда жадал қилғасен<sup>51</sup>.

Дарҳақиқат, Огахийнинг ушбу “Мавъизатнома”си Феруз учун бир умр дастуруламал вазифасини ўтади. Фақат бугина эмас. Ёш Феруз ифода имконияти кенг бўлган маснавийни мутолаа этар экан, шубҳасиз, бу жанрга

---

<sup>51</sup>Мухаммад Юсуф Баёний. Шажараи Хоразмшоҳий. – Тошкент: Камалак, 1991. –Б. 193-194.

муҳаббати ортади. Маснавийда ижод қилишга ўзида кучли рағбат ва интилиш сезади. Кейинчалик ёзган маснавийлари бунинг исботидир.

Ҳазрат Алишер Навоий маснавийга “сўзда келди васиъ майдони”, яъни бу жанрда сўз учун кенг майдон яратилади, дея таъриф бергани маълум:

Маснавийким, бурун дедим они,  
Сўзда келди васиъ майдони<sup>52</sup>.

Феруз маснавийда гарчи ҳазрат Навоий каби йирик достонлар яратмаган бўлса ҳам, бу жанр имкониятларидан маҳорат билан фойдаланган.

Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунуну-л-балоға” асарида қайд этилишича: “...маснавийнинг шароитидин бириси улдурким, агар ҳикоятни назм қилур бўлса, керакким, дебочасин хўб иборат ва яхши тариқа бирла таъриф қилса ва саъие кўргузсаким, фотиҳа бирла хотимаси писандида келгай. Ва бир шарт улдурким, муҳтасар алфоз бирла шарҳга келтургай”<sup>53</sup>.

Маълум бўладики, мумтоз шеърият назариётчиси маснавий ёзувчи уч шартга амал қилиши зарурлигини таъкидламоқда: 1) маснавийнинг дебочасини яхши сўз ва услубда баён этсин; 2) бошланиши ва хотимаси ўқувчиларга мақбул бўлишига ҳаракат қилсин; 3) оз сўзда кўп маъно ифодаласин. Феруз маснавийларига дебоча ёзмаган. Лекин “Фунуну-л-балоға” муаллифининг қолган икки шартига тўлиқ риоя этган.

Ушбу таърифдан ҳам маълум бўладики, маснавийда кенг қамровли мазмунни ифодалаш мумкин. Диний-тасаввуфий мазмундаги биринчи маснавийда шоир, жумладан, қуйидагича ёzádi:

Бирорга бериб ҳусни беинтиҳо,  
Бирорни қилиб ишқ ила мубтало.

Анга бермайин зарра янглиғ вафо,  
Мунинг пешасин қилди чекмак жафо.

<sup>52</sup>Алишер Навоий. Сабъаи сайёр. / Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Еттинчи жилд. –Тошкент: Ғафур Гулом номидаги НМИУ, 2011. –Б.301.

<sup>53</sup>Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. –Тошкент: Хазина, 1996. – Б.43.

Ул айлаб ситам ошиқиға шиор,  
Бу айлаб анга нақди жонин нисор.

Ҳамд мазмунидаги ушбу сатрларда Ҳақ таолонинг бирорга ниҳоясиз хусн ато этиб, бирорни унга ишқ ила мубтало қилгани васф этилади. Ҳуснда тенгсиз этилганга зарра вафо бермай, ошиқнинг ишини жафо чекмак қилганини, у ошиқка ситам кўрсатмоқни шиор этган бўлса, бунинг иши унга жонини нисор айламоқ бўлганини тазод воситасида таъсирчан ифодалайди. Ушбу мисралар шоирнинг ишқ синовларини нафақат ақл билан, кўнгил билан англай оладиган даражага кўтарилиганини тасдиқлайди.

Маснавийнинг кейинги сатрларида эса аввалги мисраларда ифодаланган мазмунга зид ҳолат тасвирига ўтилади. Икки қарама-қарши ҳолат тасвири Ферузнинг фикрни поэтик ифодалаш маҳорати нечоғлиқ баданд экани исботидир:

Бирорни қилиб ошиқи покбоз,  
Онга кўргузуб ёри ажзу ниёз.

Бўлуб бир-бирига басе меҳрибон,  
Қилиб дўстлиғ ошкору ниҳон.

Агар тушсалар бир-биридин йироқ,  
Чекиб кўкка афғон дебон ал-фироқ.

Яъни Ҳақ таоло бирорни ошиқи покбоз, ёрини эса унга ажзу ниёз кўргузувчи қилган. Натижада улар бир-бирига ниҳоятда меҳрибон, хоҳ ошкор, хоҳ яширин дўстона муносабатда бўладилар. Мабодо бир-биридан йироқ тушиб қолса, ал-фироқ дея фифонлари кўкка чиқади.

Юқоридаги бир-бирига зид ҳолат тасвиридан мурод – тақдирга ишора этмоқдир. Яъни тақдир инсон ақл билан англай олмайдиган шундай сирли, мавҳум ҳодисаки, унинг ҳақиқатини фақат Яратганинг ўзигина билади.

Банданинг иши тақдир битигига рози бўлмоқ ва уни битгувчига ҳамд айтмоқдир:

На ҳад бор демак анга лойиқ сано –

Ки, борман басе ожизу бенаво.

Маълумки, тасаввуфда мажозий ишқ илоҳий ишққа элтувчи восита саналади. Юқоридаги мисраларда изҳор этилган ишқ ана шундай хусусият касб этиши билан алоҳида аҳамиятга эга. Бизнингча, Муҳаммад Раҳимхон Феруз ҳам ана шу улуғлар йўлидан юрган ишқ соликларидандир. Шоирнинг мазкур тўрт маснавийси худди шундай холосага келиш учун тўлиқ асос бериши мумкин.

Ижодкор яна шундай мисраларни ёзади:

Сенсан ики кавн аро паноҳим,

Раҳм айлабон афв қил гуноҳим.

Кўнглум уйин айлагил саросар,

Тавҳид чароғидан муナаввар.

Муножотнинг “Тенгри ҳазратинда тазарру”<sup>54</sup> экани эътиборга олинса, ушбу мисралар моҳиятини тушуниш осонлашади. Шоир Яратганга илтижо қилиб, икки олам аро ёлғиз паноҳи У эканини, Раҳм этиб, гуноҳини афв этишини сўрайди. Кўнгил уйини бошдан-оёқ тавҳид чироғи билан мунааввар қилишини ўтинади. Ушбу сатрлар Муҳаммад Раҳимхоннинг, ҳақиқатан, ўзи ёзганидек, элга шоҳу ишққа қул эканини тасдиқлаши жиҳатидан ҳам қимматлидир.

Тоатда қадимни айлагил ҳам,

Лутфунг манга ҳаргиз этмагил кам.

Ман зорга тавба ато қил,

Файзингға замирим ошно қил.

---

<sup>54</sup>Шайх Аҳмад ибн Худойдор Тарозий. Фунуну-л-балоға. – Тошкент: Хазина, 1996. – Б.32.

Шоир қаддининг тоатга эгилмоғини, лутфини ҳаргиз кам этмаслигини сўраб, Ҳақ таолога илтижо қиласди. Ўзининг ул Зот томонидан тавба ато этилишига зор эканини изҳор этади. Замири Яратганинг файзига ошно қилинишини ўтинади.

Феруз маснавийлари таҳлили шоир мумтоз шеъриятнинг бу жанрида ҳам муваффақият билан қалам тебратганини кўрсатади. Уларни ўрганиш, шеъриятнинг қайси жанрида ижод қилмасин, шоир мумтоз лирика анъаналарини муносиб давом эттирганини, ана шу анъана негизида ўзига хос янгича ёндашувларни амалга оширганини кўрсатади. Шунинг ўзиёқ Ферузнинг ижодкор сифатида истеъдоди, салоҳияти нақадар катта бўлганлиги исботидир.

Маълумки, шўролар замонида «феодал-сарой адабиёти» ва унга мансуб бўлган шоирлар, айниқса салтанат соҳиблари номи қораланган эди. Фақат мустақиллик туфайли улар ижодини ўрганишга кенг йўл очилди. Мухаммад Раҳимхон Сонийнинг бадиий ижоди, унинг Ватан ободонлиги, халқ фаровонлиги, илм-фан, маориф ва маданият равнақига қўшган улкан ҳиссаси бугунги кунда тадқиқотчилар томонидан изчил ва мукаммал ўрганилмоқда. Ижодкор маснавийларидан бирида Яратганга илтижо қилиб, мана бундай ёзган эди:

Даҳр элига гарчи подшоман,  
Эҳсониға мустаҳиқ гадоман.  
  
Кўбтур манга раҳматингдин умид,  
Қилма мани – нотавонни навмид.  
  
Қил баҳт ила толеъимни Феруз,  
Ҳар бир куним айла ийди Наврӯз.

Феруз қалбига-ю шуурига Ҳақ таоло маърифатини жо қилган, инсон ва унинг моҳиятини теран англаган ижодкор бўлган. Шу боис гарчи ҳукмдор бўлса-да, Аллоҳ таоло олдидаги бурчини кўнглининг туб-тубидан ҳис этади. Замона аҳлига подшоҳ бўлса ҳам, ўзини Унинг эҳсонига мустаҳиқ гадо ҳисоблади, “нотавон” деб атайди. Бутун оламлар Тарбиячисининг

раҳматидан умиди кўп эканини айтиб, Ундан ноумид этмаслигини ўтинади. Бахту толеини Феруз, ҳар бир кунини ийди Наврўз айламоғини илтижо қиласди.

Умуман, Феруз маснавийлари унинг ижодкор сифатида олам ва одамнинг моҳиятини теран англаған ориф сиймолардан бўлгани ҳақидаги хулосаға олиб келади. Яна бир муҳим жиҳати, ана шу ҳаётий ҳақиқатни у шоир сифатида теран бадиий-фалсафий умумлашмага айлантира олгандир.

## 2.2. Мусамматлар ва кичик шеърий жанрлар поэтикаси

Мумтоз шеърий жанрлар орасида мусаммат алоҳида ўрин тутади. Маълумки, “мусаммат” арабча ܛ݌ܺس “симт” сўзидан олинган бўлиб, луғавий маъноси “шода”, “тизилган маржон”<sup>55</sup> демакдир. Истилоҳий маънода эса ҳар банди тўрт мисрадан ўн мисрагача бўлган шеърий шаклни англатади. Ўзбек мумтоз шеъриятида мусамматнинг мураббаъ, муҳаммас, мусаддас, мусаббаъ, мусамман, мутассаъ, муашшар каби турлари мавжуд. Қофияланиши тартиби, масалан, муҳаммасда: а-а-а-а-а, б-б-б-а. Айрим халқлар шеъриятида мусамматнинг “мусаллас” – учлик шакли ҳам учрайди<sup>56</sup>.

Мусаммат жанр сифатида илк бор Кайковуснинг “Қобуснома” асарида шоирларнинг зарур усусларидан бири сифатида зикр этилган<sup>57</sup>. Атоуллоҳ Ҳусайнининг “Бадойиу-с-санойиъ” асарида ушбу жанрга қуйидагича таъриф берилган: “**Тасмит** андин ибораттурким, бир шеърда бир неча мисрани бир қофияда келтуруб, андин сўнг бошқа мисрани ўзга шеър ўзагин ташкил қилған қофияда келтирурлар”<sup>58</sup>. Муаллиф шундан кейин мусамматнинг тўрт навъи – мураббаъ, муҳаммас, мусаддас ва мусаббаъ тўғрисда тўхталиб, уларга мисоллар келтиради.

Фитрат таърифича: “Узун бир тизмани тўртлик, бешлик, олтилик парчаларига ажратадилар. Биринчи парчасининг ҳамма мисралари қофиядош

<sup>55</sup> Ал-Қомус. Арабча-ўзбекча қомусий луғат. II жилд. – Тошкент. Faafur ғулом номидаги НМИУ, 2017. –Б. 558.

<sup>56</sup> Қаранг: Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Faafur Ғулом номидаги НМИУ, 2014. – Б.115.

<sup>57</sup> Қаранг: Кайковус. Қобуснома (Форсчадан Муҳаммад Ризо Оғаҳий таржимаси). – Тошкент: Истиқлол, 1994. – Б.175.

<sup>58</sup> Ҳусайн А. Бадойиъу-с-санойиъ (Форсчадан А.Рустамов таржимаси). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981.

бўладир. Қолған парчаларининг сўнг мисралари айрича қофиядош бўлиб, сўнг мисралар эса биринчи парчанинг қофиясиға бойланадир”<sup>59</sup>.

Мусамматларни илмий тасниф этишда турлича ёндашувлар кузатилади. Адабиётшунос О. Носиров ушбу жанр намуналарини икки турга бўлиб ўрганган: 1) Мустақил (табъи худ) мусамматлар; 2) ғазал асосида яратиладиган (тазмин) мусамматлар. Муаллиф мумтоз шеъриятдаги ўз ғазалига мухаммас боғлаш ҳодисасини ҳар икки турга киритиш мумкин, деб ҳисоблайди<sup>60</sup>.

Хоразм адабий муҳитида мактаб яратган, Муҳаммад Раҳимхон Феруз устоз деб билган улуғ шоир ва мутафаккир Огаҳий мусамматларини алоҳида тадқиқ қилган Гулноз Халлиева ижодкорнинг туркий ва форсий тилларда битилган 2 мураббаъси, 90 мухаммаси, 6 мусаддаси ва 4 мусаммани борлиги ҳақида маълумот беради. Огаҳий мусамматларида мазмун ва шакл, уларнинг мавзуй таснифи, шоир мухаммаслари поэтикаси масалаларини тадқиқ қиласиди<sup>61</sup>. Табиийки, Огаҳий мусамматлари ушбу жанрнинг нодир намуналари ҳисобланади. Шоирнинг ушбу жанрдаги шеърлари Хоразм адабий муҳити ижодкорлари, жумладан, Феруз лирик асарлари такомилига катта таъсир кўрсатган.

Мусаммат жанридаги шеърларда шоир тахаллуси, одатда, шеърнинг якунловчи бандида қўлланади. Феруз ушбу шеърий жанрнинг мухаммас ва мусаддас шаклларида ижод қилган. Шулардан мухаммаслар 6 та бўлиб, 4 таси Ферузнинг ўз ижодига мансуб. Улардан бири шоирнинг ўз ғазалига мухаммаси, қолган 2 таси Огаҳий ғазалларига боғланган тахмислардир. Мусаддаслар – 2 та.

Феруз мухаммасларининг ҳар 6 таси ишқий мавзуда. “Оҳиста-оҳиста” радифли мухаммас ўн бир банддан таркиб топган бўлиб, шоирнинг ўз ғазалига

<sup>59</sup>Фитрат А. Адабиёт қоидалари. – Танланган асарлар. Тўртинчи жилд. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б.41.

<sup>60</sup>Носиров О., Жамолов С., Зиёвуддинов М. Ўзбек классик шеърияти жанрлари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б. 114-116.

<sup>61</sup>Халлиева Г. Огаҳий мусамматлари. – Тошкент: Mumtoz so‘z, 2019. – Б.158.

боғланган. Шоирнинг “Не бўлди ёrim келмади” номи билан чоп этилган шеърлар тўпламида ушбу мухаммасга асос бўлган ғазалнинг

Агар истарсан ўлмакликни, энди жонфизо лаълим,

Куч белим, энгу миён оҳиста-оҳиста –

байти тушириб қолдирилган. “Элга шоҳу ишқقا қул” сарлавҳали шеърлар тўпламидан ўрин олган мухаммасида ғазал матни тўлиқ келтирилган. Адабиёт тарихида ижодкорларнинг ўз ғазалларига мухаммас боғлаши ҳодисасига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бу ҳол, биринчидан, тахмис боғланган ғазалнинг муаллиф учун қадрли эканини англатса, иккинчидан, шоирнинг нисбатан кичикроқ жанр ҳисобланган ғазалга сифмаган фикрларини мухаммасда тўлиқроқ ифодалаш истаги билан изоҳланиши мумкин. Ушбу жанрнинг юксак намуналаридан ҳисобланган мухаммаснинг дастлабки банди қуидагича:

Чекиб ҳижронда ранжи бегарон оҳиста-оҳиста,

Ютар эрдим лаби фикрида қон оҳиста-оҳиста,

Бу ҳолимдин топиб бу кун нишон оҳиста-оҳиста,

Манга раҳм айлаб ул ширин забон оҳиста-оҳиста,

Етушти бошим узра ногаҳон оҳиста-оҳиста.

Мухаммас матни воқеабандлик асосига қурилгани билан ушбу жанрга доир бошқа асарлардан фарқ қиласди. Мумтоз шеъриятимизда ғазалларнинг воқеабанд бўлиши қузатилган. Лекин мухаммас жанри мисолида бу ҳол жуда кам учрайди. Лирик қаҳрамоннинг ҳижронда чексиз қийинчилик (ранжи бегарон) чекиши, ёр лаби фикрида қон ютиши билан боғлик руҳий кечинмалари, бу ҳолдан нишон топган маъшуқанинг боши узра етишмоғи, бошқача айтганда, висолга эришмоғи хабари талқини – дастлабки бандда ана шу ҳолатлар бадиий талқин этилган.

Шаби ҳижронда айлаб дарду меҳнат кулбасин маскан,

Сочар эрдим сиришким донасин ҳар сори юз хирман,

Бу ҳол ичра тараҳҳум кўргузуб ул дилбари пурфан,

Фироқида қорорғон кўзларимни айлади равшан,

Очиб рухсораи хуршидсон оҳиста-оҳиста.

Мухаммаснинг ушбу бандида “шаби ҳижрон”, “дарду меҳнат кулбаси” сингари истиоралар, “Сочар эрдим сиришким донасин ҳар сори юз хирман” сатрида муболага, кейинги мисраларида эса “дилбари пурфан”, “рухсораи хуршидсон” каби сифатлашлардан маҳорат билан фойдаланилгани ифоданинг таъсир кучи баланд, шеърнинг бадиий қуввати юксак бўлишини таъминлаган. Булар Ферузнинг сўз танлашда нечоғлиқ нозиктабъ эканини кўрсатиши жиҳатидан ҳам аҳамиятлидир.

Кудуми интизорида бўлуб тонг отгуча бедор,  
Чекиб ҳар дамда гардун сори юз минг оҳи оташбор,  
Бўлуб ғам тифи бирла сарбасар жону таним афгор,  
Эдим ҳижрони дарди шиддатидин ўлгудек бемор,  
Етушти васлидин суҳбат равон оҳиста-оҳиста.

Эътибор берилса, мухаммаснинг ҳар бир бандида дастлабки сатрлар ошиқнинг ҳижронда чеккан изтироблари, дарду аламлари ифодасига бағишлиланади. Сўнгги бир ёки икки сатрда эса ана шу ранжу мاشаққатлар эвазига висол неъматига сазовор бўлганидан қувонч ҳисси изҳор этилади. Бундай ифода усули, биринчидан, ошиқ руҳиятининг таъсирчан талқин этилишини таъминлаган бўлса, иккинчидан, ижодкорнинг меҳнату мешаққат охир-оқибатда хурсандчиликка сабаб бўлиши ҳақидаги ҳикматни мухаммас моҳиятига сингдирганидан далолат беради. Ушбу бандда ёр қадамига интизор бўлиб тунни бедор ўтказган, шу боис чеккан юз минг ўтли оҳи кўкка етган, ғам тифидан жону тани мажруҳ ҳолга келган, ҳижрон дарди шиддатидан беморликда ўлар ҳолга келган ва булар эвазига висол суҳбатига эришган ошиқ кечинмалари юракка титроқ соладиган даражада таъсирчан сувратланган.

Миниб рахшига буқун ман сори атфи ион айлаб,  
Шитоб ичра арақни гул уза шабнам фишон айлаб,  
Келиб базмим қудуми бирла гулзори жинон айлаб,  
Масиҳо мўъжизин жонбахши лаълидин аён айлаб,  
Ўлук жисмимга берди тоза жон оҳиста-оҳиста.

Ушбу банддан эътиборан тасвир ва талқин йўналиши ўзгаргани кузатилади. Энди ёрнинг келиш ҳолати ифодасига ўтилади. Маъшуқанинг отга миниб, жиловни ошиқ сари буриши, тезлигидан (шитоб ичра) гулларга шабнам янглиғ тер сочиши, қадами билан ошиқ базмини жаннат гулзорига айлантириши, жон бағищловчи лабидан Масих мўъжизасини айн айлаши, бунинг натижасида ошиқнинг ўлик жисмига жон бағищлаши – булар барчаси Ферузнинг бадиий тасвир бобида чинакам сўз санъаткори мақомида эканига далил бўла олади. Негаки, ўзи тасвирлаган ҳолатларни ўқувчи кўз ўнгидага яққол намоён эта олиш шоирдан юксак маҳоратни талаб этади.

Мухаммаснинг сўнгги банди ижодкорнинг шеърдаги тасвир юзасидан чиқарган бадиий умумлашмаларини ифодалагани жиҳатидан ҳам қимматлидир:

Кўзумдин оқизиб ашкимни ҳижрон ичра сув янглиғ,  
Бўлуб оби равон ондин аён ҳар сори жў янглиғ,  
Риёзат тортибон айлаб танин заъф ичра мў янглиғ,  
Киши гар содик эрса ишқ аро васл ичра бу янглиғ,  
Бўлур Ферузбахту комрон оҳиста-оҳиста.

Дикқат қаратилса, шоир мухаммас якунида яна дастлабки бандлардаги ифода услубига қайта мурожаат этгани кузатилади. Поэтик холосада шоирнинг Ферузбахту комронликка эришмоқ осон эмаслиги, бунинг учун ҳижрон ичра кўз ёшини сув янглиғ оқизмоқ ва уни ариқдаги оби равон каби ҳар тарафга таратмоқ, чеккан машаққатлари натижасида вужудини қилдек заиф этмоқ, висол умидида ишқ аро содик бўлмоқ талаб этилиши ҳақидаги ҳаётий тўхтамлари бадиий умумлаштирилган.

“Оҳиста-оҳиста” радифли ғазал ва унга боғланган мухаммас Феруз ижодида алоҳида ўрин тутади. Бу яна шунда кўринадики, ушбу ғазалга шоирнинг улуғ устози Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий ҳам мухаммас боғлаган. Мумтоз шеъриятимизда устознинг шогирд ғазалига тахмис боғлашига мисоллар у қадар кўп эмас. Огаҳийнинг Феруз ғазалига мухаммаси адабиёт тарихидаги ана шундай ноёб поэтик ҳодисалар сирасига кириши

билин ҳам аҳамиятлидир. Мухаммаснинг айрим характерли бандларини таҳлил этишга ҳаракат қиласиз:

Неча муддат эдиким, ҳажр дардига бўлуб дучор,  
Таним эрди заифу, кўнглум афгору, кўзум нокор,  
Топо олмай даво олам аро, юз саъй этиб изхор,  
Эдим ҳижрони дарди шиддатидин ўлгудек bemor,  
Етурди васлидин сухбат равон оҳиста-оҳиста<sup>62</sup>.

Мухаммаснинг ушбу бандида тахмис боғлаган шоирнинг бадиий маҳорати даражаси нечоғлиқ баланд экани яққол намоён бўлган. Шоир ўзи ифодалаётган фикрни тартиб санъати (*Таним эрди заифу, кўнглум афгору, кўзум нокор*) билан зийнатлаган. “Тартиб санъатининг маънавий-фикрий ҳалқалар узвийлигини таъминлашдан ташқари, шеърий ифодани кучайтиришда, хушжаранглилик ва ўқишида овоз ранг-баранглигини вужудга келтиришда ҳам хизматлари бор”<sup>63</sup>лиги назарда тутилса, Огаҳийнинг сўз санъаткори сифатидаги камолоти мазкур сатрларда теран мазмун ва гўзал бадиий шакл уйғунлигини таъминлагани аён бўлади.

Огаҳий мухаммаснинг якуний бандида образли тасвир яратиш борасидаги тенгсиз маҳоратини яна бир карра кўрсатган.

Тўкуб ҳижронда йиллар Огаҳий ашкини су янглиф,  
Висол иқлими сори гом уруб чобук буғу янглиф,  
Етушти маснади ком узра шоҳи комжў янглиф,  
Киши гар содик эрса ишқ аро васл ичра бу янглиф,  
Бўлур Ферузбахту комрон оҳиста-оҳиста.

Висол иқлимига қадам босган илдам буғу – ўқувчининг кўз ўнгига яққол сувратланадиган таъсирчан образ! Ёки эзгу мақсадга интилган шоҳнинг ўзи ният қилган мурод таҳтига етишмоғи – яна бир ҳаётий ва қўнгилларга қучли таъсир кўрсатувчи тасвир! Бу шоҳ сатрлар уларни ёзган ижодкорнинг салоҳияти нечоғлиқ юксак эканига далил бўла олгулиkdir.

<sup>62</sup>Огаҳий Муҳаммад Ризо. Асарлар. VI жилдлик. II жилд. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. – Б.207-208

<sup>63</sup>Рахмонов В. Шеър санъатлари. – Тошкент: Ёзувчи, 2001. – Б.16.

Ушбу мухаммасни таҳлил этар экан, адабиётшунос Нусратулла Жумахўжа қуидагиларни ёзади: “Ушбу уйғун сатрларни мутолаа этар эканмиз, гўё улкан адабий мактаб яратган устоз Огаҳий шогирди Ферузга ишқий кечинмаларнинг бадиий тасвиридан ҳам сабоқ берәётгандек, ўз полопонини қанотлари остида асраб-авайлаб машқ қилдириб, ижод осмонининг баланд сарҳадларига парвоз қилаётгандек таассурот уйғонади. Дарвоҷе, маслакнинг бирлиги, адабий муҳитдаги маснаднинг яқинлиги, дардошлиқ, табъи назмнинг ҳамоҳанглиги, якқаламлик ҳаммуаллифларнинг ҳар бир асаридан уфуриб туради. Бу ўринда якқаламлик шундай моҳиятга эгаки, гўё мухаммаснинг ҳар банди икки эмас, бир қалб ва бир қаламдан қуилиб чиққандек”<sup>64</sup>.

Дарҳақиқат, Устоз – Огаҳий ва шогирд – Феруз сатрлари мазмуннинг теранлиги ва бадииятнинг юксаклиги билан шу қадар уйғун ва ҳамоҳангки, мухаммасни мутолаа қилган ўқувчи хайратланмаслиги мумкин эмас.

Феруз мухаммасларига тегишли яна бир жиҳат **таржеъ** билан боғлик. «Таржеъ» арабчада қайтариш, такрорлаш дегани. Мухаммасда таржеъ икки хил: агар икки мисра такрорланиб келса, байт таржеъи; бир мисра такрорланса, мисра таржеъи бўлади. Феруз мухаммаслари орасида мисра таржеъини кузатиш мумкин. Таржеъ мисра мухаммаснинг биринчи бандига қофиядош бўлган бешинчи мисра бўлиб, ҳар банднинг шу мисраси сифатида такрорланиб келади. Масалан, Ферузнинг бир мухаммасида “Оромижон нигорим, сарвиравон нигорим” мисраси таржеъ бўлиб келган:

Кўрмак тилаб юзунгни, эй шўх гульузорим,  
Қонлар тўкар дамодам бу чашми ашкборим,  
Қучмоқ тилаб белингни ҳеч қолмади қарорим,  
Йўлунгда туфроқ ўлди бу жисми хоксорим,  
Оромижон нигорим, сарвиравон нигорим.

---

<sup>64</sup>Жумахўжа Н. Феруз – маданият ва санъат ҳомийси. Т.: Фан, 1995. – Б.70-71.

Ушбу таржеъ мисра шеърда шоирнинг ифодаламоқчи бўлган фикрини алоҳида таъкидлаш ва бандлараро мазмунан боғлиқликни ҳамда композицион яхлитликни таъминлаш учун хизмат қилган. Мухаммаснинг қуидаги банди дастлабки банддаги фикрнинг ана шундай мантиқий давоми сифатида ижод этилган:

Гулгун узоринг узра чиқмиш хати зумуррад,  
Бу хат ила бўлуб сен ҳусн ахлига саромад,  
Гўё санга бўлубдур шамсу қамар обо жадд,  
Мундин зиёд этарга васфингни йўқ манга ҳад,  
Оромижон нигорим, сарвиравон нигорим.

Саккиз банддан иборат салмоқли мухаммас шоирнинг бадиий маҳорати юксак эканидан дарак беради. Шоир бадиий санъатлардан усталик билан фойдаланади. Бу орқали ифодаланаётган фикрнинг таъсирчан бўлишига эришади. Сўзлар ўкувчи қалбига гўё оқиб киради, унинг туйғуларига таъсир қиласди. Мухаммаснинг шоир тахаллуси қўлланган охирги банди худди шундай хулоса чиқаришга асос бўлади:

Бўстонда базм этарга жамъ ўлсалар санамлар,  
Ул базм ичида Феруз бўлсун десанг суханвар.  
Ўз илкинг ила тутғил бир лоларанг соғар,  
Юз нозу ишва бирла кирганда боға дилбар,  
Оромижон нигорим, сарвиравон нигорим.

Феруз мухаммасларидан яна бирининг композицион тузилиши ўзига хос шакллантирилгани кузатилади. Ушбу мухаммаснинг дастлабки уч мисрасида фикрнинг бадиий ифодаси монолог тарзида битилган бўлиб, қолган икки мисраси диалог асосига қурилган. Мухаммаснинг бундай тузилишга эга бўлиши қўп асрлик мумтоз адабиётимиз тарихида камдан-кам ижодкор меросида кузатиладиган ноёб бадиий ҳодисадир. Бу ҳол Ферузнинг анъанавий мумтоз шеърий жанрларда ижод қилганда ҳам ўзига хосликка, янгиликка интилганидан дарак беради. Мана, ўша мухаммаснинг бошланма банди:

Зебо нигоримким, бу кун зар бирла зеварға ботиб,

Ёнимға келди ноз ила қошу кўзини ўйнотиб,  
Кўнглум паришон айлади юз узра зулфин тарқотиб,  
Дедим: – Кўзумни равшан эт меҳри жамолинг кўрсотиб!  
Деди: – Узорим ўтига жонинг нетарсан ўртотиб?

Ушбу мухаммасдаги диалог тўртинчи мисрада “Дедим”, бешинчи мисрада “Деди” тарзида давом этади.Faқат битта бандида учинчи мисрада “Деди”, тўртинчи сатрда “Дедим” ва яна бешинчи мисрада “Деди” шаклида келганки, бу ҳол мухаммаснинг бадиий жиҳатдан пишиқ бўлишини таъминлаш баробарида унда қўлланган сўзларнинг таъсир кучини оширган, фикр ривожидаги драматизмни кучайтирган. Ўз навбатида, бу ҳол шоирнинг сўзни бамисоли сеҳргар каби ўз бадиий ниятига бўйсундурганидан, шеърий маҳорати чиндан ҳам юксак эканидан далолат беради. Мана, мухаммаснинг ўша оригинал банди:

Ҳусн аҳлининг шохи менинг шўхи дилдорим эрур,  
Юз бирла зулфи ҳажрида teng субҳ ила шомим эрур.  
Деди: – Санга мақсад на, эй бесабру оромим, эрур?  
Дедим: – Висол ичра лабинг шаҳди менинг комим эрур,  
Деди: – Санга бергум они захри фироқ ичра қотиб.

Таҳлиллар ушбу мухаммаснинг мумтоз шеъриятимиздаги ўзига хос янгилик эканидан дарак бермоқда. Умуман, XX аср бошлари Хива адабий муҳити ижодкорларида янгиликка интилиш, шеъриятдаги мавжуд поэтик анъаналарни бадиий жиҳатдан такомилга етказиш йўлида муттасил ижодий изланиш тенденцияси кузатилади. Бу ҳол ушбу мухаммаснинг охирги бандида ҳам яққол кўзга ташланади:

Ёrim лабининг ёнида жон шарбатидур бемаза,  
Йўқ партави рухсорича ҳусн авжи узра меҳру маҳ,  
Васлиға бир кун йўл топиб бир неча ожизлиқ била,  
Дедим: – Кўзунгдин ўргулай, бир бўса бер Ферузға!  
Деди: – Юзумни оғритур ҳар ён хатинг ниши ботиб.

Юқорида айтганимиздек, Феруз мухаммасларининг иккитаси **тахмис**. Мухаммас «бешлик» бўлса, тахмис «бешлантириш» демакдир. Унда шоир ўзига маъқул ғазалнинг ҳар байти олдидан уч мисрадан қўшиб, уни мухаммасга (бешликка) айлантиради. Бунинг шарти шуки, тахмисчи шоир ғазалнинг вазни ва қофиясига тўла «бўйсуниши» керак. Айни пайтда, унга ҳам тахмис сўнгида ўз тахаллусини қўллаш «хуқуқи» берилган. Феруз ўзига устоз деб билган Муҳаммад Ризо Оғаҳий ғазалларига тахмислар боғлаган. Тахмис боғлашда шоир ғазалнинг нафақат вазну қофиясига, балки унинг тили ва услубига ҳам эътибор беради. Оғаҳийнинг “қошу кўзунг” радифли ғазалига ёзилган тахмис шу жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга:

Бир жилвагар бўлғоч кўзум олдида то қошу кўзунг,  
Фаҳму хирадни айлади мандин жудо қошу кўзунг,  
Жонимни олди айлабон нозу адo қошу кўзунг,  
Ваҳ, не балодур билмадим, эй дилрабо, қошу кўзунг –  
Ким, бир назарда солди ўт жоним аро қошу кўзунг.

Эътибор берилса, Феруз мисраларида ҳам ғазал сатрларидаги сингари оғаҳиёна завқни, теранлик ва оҳангни ҳис этиш мумкин. Улуғ устоз шоирлар ғазалларига тахмис боғлашнинг яна бир шарти – ғазалга боғланган уч мисра моҳияттан унга шунчалик сингиб кетиши керакки, бешлик банд яхлит ўқилганда бамисоли бир ижодкор томонидан битилгандек таассурот уйғотиши зарур. Феруз тахмис боғлаш борасида устози Оғаҳийга муносиб издош эканини кўрсата олганини таъкидлаш керак. Мухаммаснинг кейинги бандларида ҳам худди шу ҳолни кузатиш мумкин:

Хусн аҳли шоҳисан, эрур мулкунг малоҳат кишвари,  
Икки кўзунг жоду эрур, қошинг – аларнинг ханжари,  
Мажнундек ўлди қўргач – ўқ хуснунг жаҳон донолари,  
Ман зори ҳайронинг нечук девона бўлмай, эй пари –  
Ким, ақлу ҳушум айлади мандин жудо қошу кўзунг.

Ферузнинг Оғаҳий ғазалига боғланган ушбу тахмисини бу жанрнинг мукаммал намунаси, дейиш мумкин. Жанр талабига кўра, мухаммаснинг

охирги бандида ҳар икки шоир тахаллуси қўлланган. Бир-бирига санъаткорона боғланган назмий сатрлар устоз-шогирд ижодкорларнинг шеъриятда эришган юксак даражасидан далолат беради:

Иstab висолинг базмини, эй хўбларнинг аҳсани,  
Иқболи Ферузинг киби қўб жустужў айлаб сани,  
Кўргач юзунг ишқ ўтиға куйди вужуди хирмани,  
Ширин лабингдин Огаҳий жисмиға жон берким, ани,  
Ўлтурди бир имо қилиб боқғоч қиё қошу кўзунг.

Феруз мусамматларига мансуб яна бир шеърий шакл, бу – **мусаддас**. Шоирнинг “Элга шоҳу ишққа қул” деб номланган шеърлар девони таркибидан мусаддас жанрига мансуб 2 шеър ўрин олган. Мусаддас – олтилик демакдир, яъни шеърдаги ҳар бир банд олти мисрадан иборат бўлиши керак. “Мусаддас мустақил ёки ғазал асосида яратилиши мумкин. Кузатишлар, Огаҳий, шунингдек, шоир учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қилган Навоий, Бобур, Машраб назмий меросида мустақил мусаддаслар нисбатан кўплигини кўрсатади. Бу эса мазкур мусаммат шаклининг ўзига хослигидан дарак беради”<sup>65</sup>. Феруз мусаддаслари мустақил яратилгани билан характерланади.

Шоир мусаддасларининг умумий бир хусусияти уларнинг биттасида таржеъ мисра, иккинчисида таржеъ байт мавжудлиги билан белгиланади. Жумладан, шоирнинг “Субҳким, ул сарви гулрух сайри гулзор айлади” деб бошланувчи мусаддасида таржеъ мисра қўлланган:

Субҳким, ул сарви гулрух сайри гулзор айлади,  
Сарву гулга қадду рухсорин намудор айлади,  
Сарв қаддиға эгиб бош қуллуқ изҳор айлади,  
Рашқ тифи жон ила кўнгулни афгор айлади,  
Дўстлар, ул дилрабо ишқи мани зор айлади.

Банддаги олтинчи “Дўстлар, ул дилрабо ишқи мани зор айлади” мисраси ҳар банд охирида айнан шу ўрин ва шу шаклда такрорланиб келади. Ушбу

---

<sup>65</sup>Халлиева Г. Огаҳий мусамматлари. – Тошкент: Mumtoz so‘z, 2019. – Б.46.

таржеъ мисра, биринчидан, бандлараро мазмунни бир-бирига боғлашга хизмат қилаётган бўлса, иккинчидан, фикрни кучайтириб, сўзнинг таъсир қувватини ошироқда. Демак, бу мисра мусаддаснинг ўзига хос композицион қурилишга эга бўлишини таъминламоқда. Охирги банддан мисол келтирамиз:

Ишқ мулкида Ферузбахту комкор,  
Амрима маъмур эрди неча шўхи гульузор,  
Лекин они кўргач ўлдум бандаси беихтиёр,  
Қолмайин қўнглум аро бир заррача сабру қарор,  
Ақл ила ҳушу хирадни қилди мандин бекарор,  
Дўстлар, ул дилрабо ишқи мани зор айлади.

Ферузнинг қуидаги мусаддасида таржеъ байт учрайди. Бу ҳол, ўз навбатида, шоирнинг мунтазам ижодий изланишда бўлганини, анъаналар доирасида қолиб кетмай, янгича шеърий усуллардан фойдаланишга ҳаракат қилганини кўрсатади.

Ул пари эгнида гул ранг либосини кўрунг,  
Мехрдек оразининг нурӯ зиёсини кўрунг,  
Нутқи жонбахшу лаъли руҳафзосини кўрунг,  
Отғоли ғамза ўқин қошлари ёсини кўрунг,  
Ваҳки, ул меҳрлиқо нозу адосини кўрунг,  
Жонима ҳар нафас озору жафосини кўрунг.

Мусаддаснинг бешинчи ва олтинчи мисралари ҳар бир бандда такрорланиб келади. “Кўрунг” радифининг ва таржеъ байтнинг бундай такори мусаддаснинг композицион жиҳатдан пишиқ, бадиий жиҳатдан баркамол бўлишини таъминлаган. Шоир ижодий ниятини ифодалаган сатрлар мазмунининг таъсир қучини оширган. Умуман, ушбу мусаддас образнинг ёрқинлиги, қўлланилган ташбеҳларнинг оҳорли эқанлиги, бадииятининг мукаммаллиги билан алоҳида ажралиб туради.

Мусаддаснинг сўнгти банди муаллиф ифодалаётган фикрнинг тугаллиги ва мантиқий изчиллиги, унинг ифодасидаги нафислик ва фасоҳат, шоирнинг

оз сўз замирига кўп маъно юклай олиш салоҳиятининг намоён бўлиши каби фазилатларни ўзи мужассам этганлиги билан алоҳида ажралиб туради:

Токи ул шўх ғами ишқиға дучор ўлдум,  
Дам-бадам дарди бало хайли била ёр ўлдум,  
Кокили домиға побаста гирифтор ўлдум,  
Талаб васлида Феруз киби зор ўлдум,  
Ваҳки, ул меҳриқо нозу адосини кўрунг,  
Жонима ҳар нафас озору жафосини кўрунг.

Ижодкорнинг ушбу жанрдаги шеърларида ҳам асосан ишқ мавзуси бадиий талқин этилган. “Шоир мусаддаслари ҳам, – деб ёзади профессор нусратулло Жумахўжа. – Муҳаббатнинг маҳзун кечинмаларини, лирик қаҳрамоннинг руҳий аҳволини шарҳлашга қаратилган. Уларнинг бадиий тасир хусусиятлари анъанавийдир”<sup>66</sup>.

Умуман, мусамматлар таҳлили Ферузнинг бу жанрда маҳорат билан қалам тебратганини, мумтоз шеъриятимиздаги мавжуд анъаналарга янгилик киритишга, назмий тафаккурни ривожлантиришга ҳаракат қилганини кўрсатади.

Феруз ижодида кичик шеърий жанрлардан фақат рубоий намуналарини учратиши мумкин. “Рубоий жанрининг бош хусусияти шундаки, – деб ёзади профессор Абдуқодир Ҳайитметов. – у кўп вақт инсон ҳаётида, ички кечинмаларида юз берган энг таранг ва кескин лаҳзалардаги мулоҳаза ҳамда фикрларни қўйма сатрларда гавдалантиради ва бу ҳолатда мундарижанинг етакчилиги яққол сезилиб, кўриниб туради. Бундан шоирнинг асосий мақсади бир фикрни ҳам тасвирий образлар воситаси билан, ҳам мантиқий далиллар билан очиқ-равшан тасдиқлаш ёки рад этиш, бирон муҳим масалани жамоатчилик онгига етказиш ёки ўртага қўйиш, бирон воқеа ёки ҳодисанинг охирига етган нуқтасини кўрсатиш ва унга ўз муносабатини, фикрини

---

<sup>66</sup>Жумахўжа Н. Миллий мустакиллик мафкураси ва адабий мерос (XVII-XIX асрлар ўзбек шеърияти асосида): Филол. фан. д-ри... дисс. - Тошкент, 1999. – Б. 61.

билдиришдир... Рубоийнинг худди шу хусусиятларига қараб, баъзи адабиётшунослярнинг бу жанрни фалсафий жанр деб аташлари бежиз эмас”<sup>67</sup>. Феруз рубоийлари ҳам шоирнинг ана шундай қуйма фалсафий қарашларини ифодалагани билан характерланади.

Шоирнинг “Элга шоҳу ишққа қул” деб номланган шеърлар девони таркибидан бор-йўғи 7 та рубоий ўрин олган бўлиб, уларнинг деярли барчаси ишқий мавзуда битилган.

Маълумки, рубоийлар икки турга бўлинади: 1. Рубоийи хоса. 2. Таронаи рубоий. Рубоийи хосанинг қофияланиши: **а - а - а - б** тарзида бўлса, рубоийи таронанинг қофияланиши **а - а - а - а** шаклида келади. Феруз қаламига мансуб 7 рубоийдан 2 таси таронаи рубоийдир. “Ё Раб” радифи билан келган бу рубоий рубоийи таронанинг бетакрор намунаси эканлиги билан алоҳида ажралиб туради:

Рўзи санга барча ком бўлсун, ё Раб!

Иқболу май мудом бўлсун, ё Раб!

Ҳам давлати мустадом бўлсун, ё Раб!

Ҳам ишрати бардавом бўлсун, ё Раб!

Ушбу таронаи рубоийда “ком – мудом – мустадом – бардавом” сўзлари қофияланиб келган ва сатрларнинг ўзига хос оҳангдорлигини таъминлаган. Феруз ижодидаги мазкур таронаи рубоийнинг яна бир ўзига хослиги унинг муножот-рубоий эканлигига кўринади. Яъни бу шеър Яратганга муножот руҳида ёзилган.

Бошқа жанрлардаги шеърлари қатори рубоийларда ҳам Феруз ишқни куйлади. Шоир ишқни инсон камолотининг муҳим шартларидан, деб билди. Ишқ-муҳаббатни самимий васф этар экан, ушбу мўътабар мавзуга ана шу юксаклиқдан туриб ёндашди. Натижада ўқувчи қалбига тез ва кучли таъсир қилувчи, унинг кўнглида ёруг бир нур пайдо этувчи шеърлар ижод қилди. Ижодкор рубоийларини таҳлил этган профессор Нусратулло Жумахўжанинг

---

<sup>67</sup>Хайитметов А. Навоий лирикаси. – Тошкент: О‘zbekiston, 2015. – Б.69.

ёзишича: “Ферузнинг рубоий жанрида яратган асарлари ҳам, асосан, ишқ мавзуининг бадиий талқинига бағишиланган. Рубоийларда маҳбуба ишқи билан ўртаниш, унга фидойилик, садоқат, висолга интиқлик туйғулари тараннум этилади”<sup>68</sup>. Ҳақиқатан, шоир рубоийларида буюк салафларининг ушбу жанрдаги асарларида бўлгани сингари ишқ мавзуи етакчилик қиласи. Шоирнинг мана бу таронаи рубоийси таҳлили ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди:

Жонбахш каломинг эрур ул навъ фасиҳ,  
Исо киби жон бергусидур элга сариҳ.  
Ҳар шўҳки, хусн ичра тутар ўзни сабиҳ,  
Сан барчасидин сабиҳ ҳам асру малиҳ.

Ушбу рубоийнинг ҳар тўртала мисрасидаги “фасиҳ – сариҳ – сабиҳ – малиҳ” сўзлари ўзаро қофияланиб келган. Ёрнинг каломи фасиҳ – сўз айтишда фасоҳатли эканини таъкидлаган муаллифнинг ўзи ҳам самимиятга йўғрилган фикрларини юксак фасоҳат билан бадиий талқин этади. “Сариҳ” – очик, равshan каби маъноларни англатса, “сабиҳ” – гўзал, хуснли, латиф мазмунида келади. “Малиҳ” эса – малоҳатли демақдир. Ўзаро қофияланган ҳар тўртала сўз ёрнинг муайян сифатини ўзида ифодалаб келган. Барчаси биргаликда ҳусну малоҳатда тенгсиз ёр суратини, бадиий тасвирини ўқувчи кўз ўнгидага яққол намоён қиласи. Тасвирни бу қадар ёрқин бўёқларда, аниқ бера олиш шоирнинг бадиий маҳорати натижасидир.

Рубоий тўрт мисрадан таркиб топиб, шаклан кичик бўлишига қарамай, ўзида катта мазмунни мужассам этиши зарур. Бундан ташқари, фикр бадиий жиҳатдан юксак даражада ифодаланиши керак. Феруз рубоийлари ана шу талабларга тўлиқ жавоб бера олади. Мана, шоирнинг чуқур мазмунни гўзал бадиий шаклда ифодалаган рубоийларидан бири:

Кам этмади қаҳрни анга дилбар ҳануз,  
Тарк айламади жавр ила озор ҳануз.

---

<sup>68</sup>Жумахўжа Н. Миллий мустақиллик мафкураси ва адабий мерос (XVII-XIX асрлар ўзбек шеърияти асосида): Филол. фан. д-ри... дисс. - Тошкент, 1999. – Б. 60-61.

Ман ҳажрида субҳу шом йиғларман қон,  
Хушнуд эрур базмида ағёр ҳануз.

Шоир фикрни таъсирчан ифодалаш учун маънодош сўзлардан (қаҳр, жавр, озор), антонимлардан (ҳажрида – базмида, йиғларман қон – хушнуд) маҳорат билан фойдаланади. Натижада рубоийда ошиқнинг ёр ҳажрида тортган изтироблари, дарду аламлари ишонарли, ҳаётий, таъсирчан ифодаланишига эришилган.

Қилмиш мани бир дилбари зебо ошиқ,  
Бошдин оёқи латифу раъно ошиқ,  
Йўқ мумкин ўзи холи ҳамсуҳбати ман,  
Бўлғайму манингдек яна пайдо ошиқ.

Феруз рубоийлари ижодкорнинг кичик назмий жанрларда ҳам маҳорат билан асарлар яратса олганини кўрсатади. Бу борада у буюк шоиру адиллар анъянасини муносиб давом эттириш баробарида, уларни ривожлантирди. Оҳорли мазмунни гўзал бадиий шаклда ифодалашга интилди. Бу борада Хоразм адабий муҳитида ўзига хос мактаб яратди.

*Диссертациянинг ушбу бобидаги фикрларни қўйидагича умумлаштириши мумкин:*

Феруз шеъриятининг умумий ҳажми 2534 мисрани ташкил этиб, улардан ғазаллар – 98 та, шунингдек, 7 таси мухаммас, 2 таси мусаддас, 4 таси маснавий ва 7 таси рубоий жанрига мансуб. Шоир мероси ҳажман катта эмас. Лекин бадиий қиммати жиҳатидан адабиётимиз тарихида муносиб ўрин тутади.

Шоир мумтоз шеъриятнинг беш жанрида ижод қилган бўлса, улар ичида ғазаллар етакчи ўринда туради. Шоир ижодий меросидан ўрин олган ғазалларни қўйидагича тасниф этиш мумкин: 1. Оддий ғазал. 2. Мувашшах ғазал. 3. Мусажжаъ ғазал. Ижодкор лирикасидаги оддий ғазаллар қўйидаги талаблар асосида яратилган: 1) матлаъдан мақтаъгача бир хил вазнда ёзилган; 2) матлаъ мисралари ўзаро қофияланган ва жуфт мисраларнинг барчаси унга қофиядош бўлиб келган; 3) ҳажм нуқтаи назаридан ғазалга қўйиладиган

талабларга мос; 4) мақтаъда ҳар доим шоир тахаллуси қўлланилган. Улардан энг кичик ҳажмдагиси 5 байтдан иборат бўлса, энг каттаси 11 байтдан таркиб топган.

Мувашшаҳ-ғазал битиш – Феруз ижод қилган давр шеърияти учун хос ва умумий хусусият. Маълумки, мувашшаҳ ғазалларда киши исми икки хил усул билан ҳосил бўлади: 1) ғазал байтларида тоқ мисраларнинг биринчи ҳарфлари асосида; 2) ғазалдаги қофиядош мисраларнинг биринчи ҳарфлари орқали. Мувашшаҳчиликда асосан, биринчи турдаги шакл кенг тарқалган бўлиб, Феруз ижодидаги мувашшаҳлар ҳам айни шу шакл асосида қурилган. Шоир мувашшаҳларида номлари келтирилган кишилар унинг биографиясига оид маълумотларни тўлдиришда, у мансуб адабий давра вакиллари ҳақидаги маълумотларни аниқлашда алоҳида аҳамиятга эга.

Мусажжаъ ғазал байтлари ички қофияга асосланган бўлиб, унда байтлардаги мисралар тўрт бўлакка teng бўлиниб, олдинги уч бўлак мустақил ҳолда қофияланади, тўртинчи бўлак эса шеърдаги асосий қофияга оҳангдош сўз билан тугалланади. Феруз ғазалиётида бу шаклда ёзилган икки ғазал мавжуд бўлиб, уларнинг матлаълари мусажжаъ эмас, оддий усулда битилган.

Ферузнинг маснавий жанрига доир шеърлари ҳам юксак маҳорат билан яратилган ва ушбу жанр талабларига тўлиқ жавоб беради.

Феруз ижодида мусамматнинг мухаммас ва мусаддас шаклларини учратиши мумкин. Шулардан мухаммаслар 6 та бўлиб, 4 таси Ферузнинг ўз ижодига мансуб. Колган 2 таси Огаҳий ғазалларига боғланган тахмислардир. Мусаддаслар – 2 та.

Шоир мухаммасларининг ҳар 6 таси ишқий мавзуда. Шоир мухаммасларининг биринчи банди **а-а-а-а-а** шаклида, яъни барча мисралар ўзаро қофияланган. Ижодкор мухаммасларининг деярли барчасида радифдан ўринли ва маҳорат билан фойдаланилган. “Оҳиста-оҳиста”, “лабинг”, “қошу кўзунг”, “оразинг” сингари радифлар шоир мухаммасларининг оҳангдорлигини, бадииятини таъминлаган, таъсир кучини оширган, бандлараро мазмуний боғланишни кучайтирган.

Ижодкорнинг “Элга шоҳу ишққа қул” деб номланган шеърлар девони таркибидан мусаддас жанрига мансуб 2 шеър ўрин олган. Феруз мусаддасларининг умумий бир хусусияти уларнинг биттасида таржеъ мисра, иккинчисида таржеъ байт мавжудлиги билан белгиланади.

Феруз ижодида кичик шеърий жанрлардан фақат рубоий намуналарини учратиш мумкин. Шоирнинг “Элга шоҳу ишққа қул” деб номланган шеърлар девони таркибидан 7 та рубоий ўрин олган бўлиб, уларнинг барчаси ишқий мавзуда битилган. Ижодкор қаламига мансуб 7 рубоийдан 2 таси таронаи рубоий, қолган 5 таси рубоийи хоса.

## II БОБ. ФЕРУЗ ШЕЪРИЯТИДА ПОЭТИК МАЗМУН ВА ШАКЛ МУТАНОСИБЛИГИ

### 2.1. Шоир шеъриятининг мавзуий таснифи: ишқий ва ижтимоий лирикаси

Феруз шеърияти мавзуу жиҳатдан ранг-баранг. Мумтоз назмий анъаналарни муносиб давом эттиришга интилган шоир шеърий меросининг мавзуу кўламини қуидагича гурухлаштириш мумкин:

- 1) ишқий;
- 2) ижтимоий;
- 3) диний-маърифий.

Ишқ мавзуси умумшарқ шеърияти, жумладан, ўзбек адабиётининг бош мавзуларидин биридир. Адабиёт тарихига назар соладиган бўлсак, ҳар бир ижодкор бу кўхна мавзууни янги-янги ташбеҳлар билан бойитиб келганини кузатиш мумкин. Адабиётшунос Раҳим Воҳидов фикрича, “Ишқни куйламаган шоирни ва ишқ дарди аралашмаган шеърни топиш мутлақо мумкин эмас”<sup>69</sup>.

Феруз адабий меросининг ҳам салмоқли қисмини ишқий лирика ташкил этган бўлиб, деярли барча жанрдаги шеърларида айни жанр имкониятига қараб ишқни тараннум этган. Буни шоир ижоди билан бевосита шуғулланган адабиётшунос Гулсара Исмоилова ҳам алоҳида таъкидлайди: “Феруз ижодининг асос кўпчилигини ишқ-муҳаббат мавзуси, инсоний кечинмалар тафсилоти, дилбар ёрнинг гўзаллигини таъриф-тавсиф қилувчи шеърлар ташкил қиласди”<sup>70</sup>.

Шоирнинг ишқ мавзусидаги шеърларида висол орзуси, ҳижрон изтироблари, жон ва жонон можаросига кўп бора мурожаат қилинган. Шоир бу мавзуда шеър ёзишни ижодининг ilk босқичида бошлаган. Феруз шарқ

---

<sup>69</sup>Воҳидов Р. Алишер Навоий ва илоҳиёт. – Бухоро, 1996. –Б. 142.

<sup>70</sup>Исмоилова Г. Хоразмнинг фозил фарзанди. / Муҳаммад Раҳимхон Феруз. Элга шоҳу ишққа қул. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1994. – Б.5.

мумтоз шеъриятининг дарғалари Навоий, Лутфий, Фузулий, буюк замондоши Огаҳий, сафдошлари Комил, Баёний каби шоирлар ижодини мукаммал ўрганди. Муҳаммад Ризо Огаҳийни ўзига устоз деб билди. Устози анъаналарини муносиб давом эттиришга ҳаракат қилди:

Комил эрсам назм аро Феруздек, эрмас ажаб,

Огаҳийдек шеър машқ айларда устодим менинг.

Муҳаммад Раҳимхон Феруз мусиқашунос ва бастакор, мусиқа илмини мукаммал эгаллаган санъатшунос ҳам эди. У Хоразм мақомларини асрраб-авайлаш, келгуси авлодларга тўлалигича етказишда буюк мутафаккир Комил Хоразмий ва унинг ўғли бастакор, мусиқашунос Муҳаммад Расул билан катта ишларни амалга оширди. Феруз ишқий шеърларининг мазмунан теранлиги, бадиий мукаммаллигига катта эътибор бергани айни шу мусиқа илмини мукаммал билиши билан ҳам изоҳданиши мумкин.

Муҳаббат мавзуининг бадиий талқини ҳар қандай шоир ижодининг асосини ташкил этади. Дарҳақиқат, Феруз лирик шоир сифатида ишқ-муҳаббат мавзусининг бадиий талқинига алоҳида эътибор қаратди. Профессор Нусратулло Жумахўжанинг ёзишича: “Бадиий ижодда ҳам Феруз ўз замонаси шоирларининг пешволаридан эди. Қаламкашлиқда у нозик табъи, ўткир диди, равон услуби билан адабий муҳитдаги кўпгина шоирлардан устун турарди. Айниқса, ишқ-муҳаббатнинг мумтоз тасвирини яратишида Феруз комил ижодкор даражасига етганлигини ишонч билан эътироф этиш мумкин. Феруз назми билан ошно бўлган адабиёт муҳиби шоирнинг қуидаги фахрияси ҳеч муболагасиз айтилганлигига имон келтиради:

Сенга Феруз ўлуб баҳт, этдинг ул қадди, зулфини васф,

Бу янглиғ табъи нозик бирла ашъорингга саламно”<sup>71</sup>.

Дарҳақиқат, Феруз ишқни ўзига хос образлар орқали, оҳорли услубда васф этди, соф туйғулари ва кечинмаларини бетакрор ифодалади. Феруз буюк ижодкор салафлари асарларидаги образ ва тасвирларни такрорламади. Кўхна

<sup>71</sup>Жумахўжа Н. Миллий мустакиллик мафкураси ва адабий мерос (XVII-XIX асрлар ўзбек шеърияти асосида): Филол. фан. д-ри... дисс. - Тошкент, 1999. – Б. 48.

туйғу ҳисобланган ишқни янги оханларда, янгича поэтик талқинлар орқали тараннум этди. Шу ўринда бу каби изланишларнинг энг аҳамиятлилари хусусида тўхталиш зарурати сезилади.

Азми гулистон айла зулфунга бериб зийнат,

Рашк ўтига сунбулнинг пайкарини сўзон қил.

“Қил” радифли ғазал ўзбек адабиётида ўзига хос анъанага эга бўлиб, Амирий, Увайсий, Фазлий, Адо (Султонхонтўра Ахорий), Хотиф, Нола, Хижлат, Феруз, Фурқат, Муқимий, Ҳазиний, Камий, Ҳамза, Сидқий Хондайлиқий каби шоирлар ижодида учрайди. Ўз ғазалида ифодаламоқчи бўлган ғоя ва кечинмаларининг тасвири учун шоир бу радифни танлар экан, бу радифда ғазал битган шоирлар билан ижодий мусобақага киришади. Шу билан бирга, қалб тубида сақланаётган туйғуларини, муҳаббат изтиробларини ўзига хос тарзда ифода этишга муваффақ бўлади:

Кўзунга чекиб сурма, юзунга уруб ғоза,

Лола бирла наргисни ул иковга ҳайрон қил.

Ушбу байт бадиий жиҳатдан мукаммал бўлишдан ташқари, фикр ифодасининг тиник, ўқувчининг туйғуларига таъсир этадиган даражада мантиқий тутгал экани жиҳатидан ҳам аҳамиятлидир. Ферузнинг нафақат Хоразм адабий муҳити ижодкорлари асарларидан, Қўқон адабий мактаби шоиру адиблари анъаналаридан ҳам чуқур хабардор бўлганини кўрсатади. У Фазлийнинг “Мажмуай шоирон” тазкираси орқали амир Умархон даври Қўқон адабий муҳити намояндалари ижодини ҳам мукаммал ўрганган эди.

Феруз воқеабанд ғазаллар ёзишда ҳам юксак салоҳиятга эга ижодкор эканини кўрсата олди. Шоирнинг “Букун” радифли ғазали ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди. Ғазал матлаъи қуидагичадир:

Базмимга келди ул пари рухсорин айлаб гул букун,

Чексам, нетонг, ўтлуг наво ул навъким булбул букун.

Шоирнинг ушбу ғазалини таҳлил этган филология фанлари доктори Нусратулло Жумахўжанинг ёзишича: “Маълумки, Феруз маҳоратли ғазалнавис шоир эди. У ғазалнинг мавзу ва шакл жиҳатдан ҳар қандай турида

эркин, равон қалам сурарди. Ушбу жанрнинг катта маҳорат талаб этувчи нодир навларидан бири воқеабанд ғазалдир. Мана шу мураккаб навда ҳам Феруз бир неча ажойиб намуналар яратган”<sup>72</sup>.

Ҳақиқатан, ғазал воқеабандлик асосига қурилган. Кейинги байтда ёр ташрифи боис ошиқ димоғи мушк иси бирла муаттар бўлгани, сабаби, букун дилрабо кокилини юз узра ёзгани гўзал бадиий лавҳа орқали сувратланади. Ғазал бошдан-охиригача ошиқ ва маъшуқа висолининг завқли тасвири берилгани, байтдан байтга ўтган сайин лирик қаҳрамон кечинмаларининг ифодаси тиниқлаша боргани кузатилади.

Ғазал мақтаъси воқеабанд талқиннинг бадиий хулосаси экани жиҳатидан қимматлидир:

Гарчи эруман толеъи Феруз ила оламға шох,  
Лек ул парилар сарвари олдидаурман қул букун.

Ушбу ғазал “Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти” дарслигига қуйидагича таҳлил этилган: “Ишқий ғазаллар пири” деб эътироф этилган Феруз лирикасининг асосий мавзуи ишқ-муҳаббатdir. Шоир ушбу мавзуда ўзига хос жозибали шеърлар битди. Унинг лирикасида шоҳнинг эмас, оддий инсоннинг – ошиқнинг руҳий кечинмалари, изтироблари ўз ифодасини топган. Феруз ғазалларида юксак инсоний фазилатлар эгаси – ошиқ ҳамда гўзалликда ягона, баъзан меҳрибон, баъзан зулмкор маъшуқа тимсоли туради. Лирик қаҳрамоннинг эътирофича, ишқ борасида шоҳу қул баробар”<sup>73</sup>.

Ушбу ғазал ва унинг мақтаъ байтининг бадиий юксаклиги, мумтоз шеъриятимизнинг сара намуналаридан экани яна шунда кўринадики, улар ҳар доим мутахассислар эътиборини тортган. Филология фанлари доктори Нусратулла Жумахўжа ушбу байтни таҳлил қиласи экан, қуйидаги фикрларни билдиради: “Ушбу байт бадиий ижодда шундай бир қонуният мавжудлигидан далолат берадики, тождор шоирлар аро мартаба жиҳатдан яқинлик тафаккур

<sup>72</sup>Жумахўжа Н. Феруз – маданият ва санъат ҳомийси. – Тошкент: Фан, 1995. – Б. 63.

<sup>73</sup>Қосимов Б., Юсупов Ш., Долимов У. ва б. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. – Тошкент: Маънавият, 2004. – Б.78.

ва түйгулар яқинлигига олиб келар экан. Ферузнинг мазкур байтини ўқир эканмиз, беихтиёр Бобурнинг машхур рубоийси эсга келади:

Сен гулсену мен ҳақир булбулдурмен,  
Сен шуъласену ул шуълаға мен кулдурмен.  
Нисбат йўқдур деб ижтиnob айламаким,  
Шоҳмен элга, vale сенга қулдурмен”<sup>74</sup>.

Шуни таъкидлаш керакки, анъанавий ишқий шеъриятда бўлгани каби Феруз лирикасида ҳам асосий образлар ошиқ, маъшуқа ва рақибдир.

Нафақат Феруз ижодидаги, умуман, мумтоз адабиётимиздаги ишқ талқини масаласи алоҳида ва чуқур ўрганишни тақозо этади. Ҳазрат Навоийнинг ишқни уч турга бўлгани маълум:

1. “Авом ишқидурким, авому-н-нос орасида бу машхур ва шоєйдурким, дерлар: “Фалон фалонға ошиқ бўлубтур”. Ва бу навъ киши ҳар навъ кишиға бўлса бўлур, шағаб ва изтиробларича лаззати жисмоний ва шаҳвати нафсоний эмас ва бу қисмнинг бийикрак мартабаси шаръий никоҳдурким, бари халойикқа суннатдур ва мубоҳ”<sup>75</sup>. Яъни биринчи тур ишқ авом ишқи бўлиб, икки жинс орасидаги муҳаббатга асосланади. Энг юқори даражаси шаръий никоҳ бўлган бу ишқ барчага бирдай суннат ва мубоҳдир. Маълумки, суннат – пайғамбаримиз хуш кўрган ва бажаришга алоҳида диққат қилган иш. Бу ишни бажарган одам пайғамбар суннатига амал қилгани учун ажр олади, бажармаган одам эса маломатга қолиши мумкин. Шу боис шаръий никоҳ суннат амал саналади. Мубоҳ эса – бажарса савоб оладиган, бажармаса ҳам гуноҳ бўлмайдиган амал. Саломатлиги, руҳий ҳолати ва бошқа сабабларга кўра никоҳ айрим одамлар учун мубоҳ амал ҳисобланади.

2. “Хавос ишқидурким, хавос ул ишққа мансубдурлар. Ул пок кўзни пок назар била пок юзга солмоқдур ва пок қўнгул ул пок юз ошубидин қўзғолмоқ ва бу пок мазҳар воситаси била ошиқи покбоз маҳбуби ҳақиқий жамолидин

<sup>74</sup>Жумахўжа Н. Феруз – маданият ва санъат ҳомийси. – Тошкент: Фан, 1995. – Б. 63.

<sup>75</sup>Алишер Навоий. Маҳбубу-л-кулуб. – Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Тўққизинчи жилд. –Тошкент:Faafur Fu'lom nomidagi NMIU, 2011. –Б.498.

баҳра олмоқ”<sup>76</sup>. Ҳазрат Навоий таъбирича, бу ишқ соҳиблари пок кўзни пок ният билан пок юзга солади ва пок кўнгил у пок юз шавқи-завқи билан бекарор бўлади. Пок ошиқ бу пок юз воситасида ҳақиқий маҳбуб жамолидан баҳра олади.

3. Сиддиқлар ишқидурким, алар Ҳақнинг тажаллиёти жамолига мазоҳир воситасидин айру вола ва марғубдурлар. Ва ул мушоҳада бехудлиғида алардин шуур, алардин маслуб. Шухудлари истиғроққа етган ва ул истиғроқдин истихлоқ мақомин ҳосил этган. Агар ҳаводис ели сипеҳр гулшани авроқин учурса, аларға андин хабар йўқ ва анжум гулбаргларин ҳар сори совурса аларға андин асар йўқ. Ҳавослари нокор тажаллиёт жамоли садамотидин ва шавқлари номиқдор ишқ хужуми ғалаботидин”<sup>77</sup>.

Яъни ишқнинг бу тури сиддиқлар ишқи бўлиб, улар Ҳақ таоло жамолини ҳеч бир воситасиз очик кўриш умиди билан яшайди. Сиддиқларнинг Ҳақни мушоҳада қилиш умидлари ҳатто ўзни унутиш даражасига етади. Агар ҳодисалар бўрони осмон гулшанининг бир қаватини учириб кетса – улар бехабар ва агар юлдузлар гул баргини ҳар томонга совурса, буларга асар қилмайди.

Алишер Навоий иккинчи тур ишқни баён қилганда Амир Хусрав Дехлавий, Шайх Ироқий, Хожа Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий каби улуғлар номларини санаб, уларни “ишқ аҳлининг покбозлари ва шавқу ниёз аҳлининг назмтиroz ва афсонапардозлари”, деб атайди. Абдураҳмон Жомий номини тилга олиб, “Яна ул ҳазрат жоми муҳаббатидин дурдкашлар ва иршоди сулукидин фонийвашларким, дарду ишқ таври адосида гуфторлари турк улусида ҳароратомез ва сорт хайлида оғатангиздур”, дея ўзини ҳам шу сафга қўшади.

Муҳаммад Раҳимхон Феруз асарларида ишқ мавзусининг талқини масаласини ўрганиш унинг асарларида ҳам айнан ҳавос ишқи бадиий

<sup>76</sup>Ўша манба. – Б.498.

<sup>77</sup>Алишер Навоий. Маҳбубу-л-қулуб. – Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Тўққизинчи жилд. –Тошкент:Faafur Гулом номидаги НМИУ, 2011. –Б.500.

ифодалангани ҳақидаги тўхтамга олиб келади. Шоир асарларидағи ошиқ, маъшуқа ва рақиб триадаси ҳам ҳазрат Навоий илгари сурган ана шу концепциядан келиб чиқиб ўрганилиши зарур. Ана шунда Феруз асарларидағи ишқ талқини илмий жиҳатдан тўғри баҳоланган бўлади. Профессор Нусратулло Жумахўжанинг мана бу фикрлари ҳам буни тасдиқлайди: “Ихлосманд шоирни Тангрининг кашфу кароматлари, у ижод этган мўъжизакор олам сирлари, ўзининг хусну жамолини ойнадагидек кўриш иштиёқида вужудга келтирган табиат ва инсон гўзалликлари мафтун этади. Унинг рухиятида Ҳақ муҳаббати туғён уради. Ферузнинг илҳоми ва ижоди Ҳақнинг ишқи жунунидан завқу шавққа тўлиш тўлғоғида таваллуд топади”<sup>78</sup>.

Айни хусусият ҳазрат Алишер Навоий ишқий лирикасида ҳам кузатиладики, буюк мутафаккирнинг ишқ ҳақидаги қарашлари, принциплари нафақат мумтоз шеъриятимизнинг Бобур, Машраб, Огаҳий, Фурқат каби шоирлар, балки Муҳаммад Раҳимхон Феруз учун ҳам ўзига хос мезон вазифасини ўтагани маълум бўлади. Адабиётшунос олим Ёқубжон Исҳоқов ҳазрат Алишер Навоий ижоди мисолида мумтоз шеъриятимиздаги ишқ талқини асосларини қўйидагича таърифлайди: “Навоийнинг ишқ масаласидаги концепциясининг асосий моҳияти шундан иборатки, мажозий ишқ ҳақиқий ишқдан алоҳида олиниб, унга қарама-қарши қўйилмайди. Балки, мажозий ишқ ишқи ҳақиқийнинг бир кўриниши ёки ҳақиқий ишқ йўлидаги ўзига хос босқич сифатида баҳоланади. Руҳан пок, маънавий комил инсон учун мажознинг ўзи айни ҳақиқатдир”<sup>79</sup>. Таъкидлаш керакки, ишқ концепцияси борасида Ферузнинг тутуми Алишер Навоий қарашларига ҳар жиҳатдан мувофиқ келади. Феруз ҳам мажозий ишқни ҳақиқий ишққа элтувчи восита деб билади ва шеърларида айни шу мазмунда бадиий талқин этади.

Адабиётимиз тарихида XV аср ва ундан кейинги юзийилликларда истисносиз барча ижодкорлар асарларида мумтоз шоирлар ижодий

<sup>78</sup>Жумахўжа Н. Миллий мустакиллик мафкураси ва адабий мерос (XVII-XIX асрлар ўзбек шеърияти асосида): Филол. фан. д-ри... дисс. - Тошкент, 1999. – Б. 50-51.

<sup>79</sup>Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. –Тошкент: Фан, 1983. – Б. 25.

анъаналарининг таъсири сезилади. Бу ижодий таъсир поэтик мазмун ва шаклда ҳам, поэтик образ ва услубда ҳам яққол кўзга ташланади. XIX аср охири – XX аср бошлари Хива адабий муҳити асосчиси Муҳаммад Раҳимхон Феруз адабий мероси ҳам бундан мустасно эмас. Феруз замондоши ва устози, “...ижодий меросининг серқирралиги ва адабий-эстетик кўлами кенглиги жиҳатидан мумтоз адабиётимизда Алишер Навоийга энг яқин мавқеда турувчи ижодкор – Муҳаммад Ризо Оғаҳий шогирди”<sup>80</sup> эканини эътироф этган. Лекин, шунга қарамай, у шеъриятда устозининг устози Алишер Навоий поэтик анъаналарини ҳам муносиб давом эттиради.

“Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти” дарслигига ёзилишича: “Феруз – ўзбек шеърияти анъаналарини чуқур ўрганган шоир. У ўзининг буюк салафлари шеърларига назиралар ёзди, мухаммаслар боғлади”<sup>81</sup>. Шоҳ ва шоир Феруз лирикасида Навоийга издошлик икки йўналишда кечгани кузатилади: 1) улуғ шоир шеърларига татаббуъ қилиш; 2) лирик асарни поэтик такомилга етказиш.

Ижодкорнинг ишқий мавзудаги айрим ғазаллари буюк салафи ҳазрат Алишер Навоийга татаббуъ сифатида битилган. Татаббуъ “бирор шеърнинг услуги (вазни, радифи, қофиялари ва баъзи характерли санъатлари)ни сақлаган ҳолда унга жавоб қилмоқ”<sup>82</sup> экани назарда тутилса, шоир бу борада ўз маҳоратини кўрсата олганини таъкидлаш керак. Ферузнинг “Менинг” радифли ғазали бунга яққол мисол бўла олади. Жумладан, ушбу ғазалнинг матлаъида шоир мана бундай ёзади:

Келди очиб гул юзин базмимга жононим менинг,

Кўзу қошига фидо бўлсун дилу жоним менинг.

Татаббуга асос бўлган Алишер Навоий ғазалининг бошланмаси эса куйидагича:

<sup>80</sup>Жабборов Н. Оғаҳийнинг адабий-эстетик ва маънавий-ахлоқий мезони. / Оғаҳий шоир, муаррих, таржимон. – Урганч, 2019. – Б. 28.

<sup>81</sup>Қосимов Б., Юсупов Ш., Долимов У. ва б. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. – Тошкент: Маънавият, 2004. – Б.82.

<sup>82</sup>Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: O‘zbekiston, 2014. – Б.224.

Хастадур жоним менинг, то борди жононим менинг,

Бўлмасун гар борса жононим менинг, жоним менинг.

Кўриниб турибдики, Феруз буюк салафи ғазалининг вазни (*рамали мусаммани маҳзуф*) ва радифини (*менинг*), матлаъда ҳатто қофияни (*жононим, жоним*) ҳам сақлаган. Икки ғазалнинг бошқа байтларида қофиялар муайян даражада фарқ қиласиди. Навоий ғазалида: *хиромоним, қоним, урёним, ҳайроним, пинҳоним, имконим*. Феруз ғазалида: *хиромоним, хандоним, тобоним, сухандоним, гирёним, афғоним*. Аён бўлганидек, иккинчи байтнинг илк мисрасида ҳам қофия айнан такрорланади. Кейинги байтларда Феруз янги қофиялар танлайдики, шоир ғазалининг ўзига хос поэтик мазмуни ҳам шуни тақозо этган, дейиш мумкин.

Ҳар икки шоир ғазали ҳажм жиҳатдан бир хил – етти байтдан таркиб топган. Табиийки, икки ғазал мазмунан бир-бирини такрорламайди. Бу ҳол Ферузнинг бадиий ижодда ўзига хосликка интилганидан ва бунга эриша олганидан далолат беради.

Алишер Навоий ғазалига татаббуъ шеърлар ижод қиласар экан, Феруз ўз назмининг бадииятда ҳам навоиёна даражада бўлишига ҳаракат қилгани кузатилади. Икки шоир ғазалларининг кейинги байтлари таҳлили ҳам ушбу фикрни тасдиқлади:

Мана, ҳазрат Навоий ғазалининг иккинчи байти:

*Гул тўкулмиши суга, бормиши сарв ўзидин гўйиё,*

*Чехра очмиши боғ аро сарви хиромоним менинг.*

Улуг шоир ўз ижодий тажрибасига содик қолган ҳолда ана шу бир байтнинг ўзида теран мазмунни бир неча бадиий санъатлардан фойдаланган ҳолда гўзал поэтик шаклда ифодалаган. Жумладан, байтни яхлит ҳолда ҳусни таълил санъатининг нодир намунаси, дейиш мумкин. Яъни, шоир талқинича, гулнинг сувга тўкилиши, сарв ўзидан кетиши бежиз эмас. Улар боғ аро сарви хиромон (ёр) чехра очганини кўриб, ҳуснда бу даражада эмаслигини ҳис этгани сабаби шу аҳволга тушди. Шунингдек, ушбу байтда таносиб (*гул, сарв*,

боғ каби маъно жиҳатдан яқин сўзлар қўлланиши) санъати имкониятидан ҳам моҳирона фойдаланилган.

Эътиборга лойик жиҳати шундаки, буюк салафи газалига татаббуть ижод қиласр экан, Феруз бадиий санъатларни қўллашда ҳам Навоий анъаналарини муносиб давом эттиради. Феруз газалининг иккинчи байти таҳлили ҳам ушбу фикрни қувватлайди:

*Гул юзин юз пора айлар лола, гарқи хун ўлур,  
Келса гар гул сайрига сарви хиромоним менинг.*

Ҳар иккала ғазалда ёр “сарви хиромон”, дея таъриф этилади. Ҳазрат Навоий *гул* ва *сарв* образларидан истифода этган бўлса, Феруз шеърида фақат *лола* образи танланган. Издош шоир ғазалида ҳам асосий бадиий санъат – ҳусни таълил. Гул сайрига сарви хиромон (ёр) келганини кўрган лола ҳуснда унга баробар бўла олмаслигини ҳис этгани сабабли гул(дай) юзини пора айлаб, қонга ғарқ бўлади. Навоийдан фарқли ва мукаммалликда устозидан қолишмайдиган даражадаги гўзал поэтик тасвир яратадиган Ферузнинг ижодий камолоти ҳақида яққол тасаввур беради.

Феруз ҳусни таълилдан ташқари таносиб (*гул, лола, сарв*) ва сифатлаш (*гул юз*) санъатларидан ҳам маҳорат билан фойдаланиб, бу борада Навоий анъаналарини нафақат давом эттириш, баъзан ҳатто такомиллаштириш салоҳиятига эга эканини кўрсата олган. Бу эса, ўз навбатида, шоир ижодини тадқиқ қилган олимларнинг “Феруз мавжуд анъаналарни мукаммал ўзлаштирган, бадиий санъатга ташналигини устозлар маҳорат булоғидан қондирган моҳир шоир эди”<sup>83</sup>, деган фикрлари нечоғлиқ асосли экани исботидир.

Навоий ғазалининг мақтаъи:

*Эй Навоий, бўлмаса бир пири комил ҳиммати,  
Ул йигит бедодидин йўқ маҳлас имконим менинг.*

Феруз ғазалининг мақтаъи:

---

<sup>83</sup>Давлатёр Р., Матназар Ш. Феруз. – Тошкент: О‘zbekiston, 2011. –Б.198.

*Келди базмим ичра, эй Феруз, ул дилбар букун,  
Кўнглига таъсир қилмиши оҳу афғоним менинг.*

Ферузнинг Алишер Навоийга татаббӯй тарзида битилган бошқа ғазаллари ҳам бор. Бу ғазалларда шоир Навоий ғазалларининг вазни, қофияси ва радифини сақлаш баробарида бадиий санъатлар сонини оширгани, тасвирни ҳар жиҳатдан мукаммал даражага кўтартгани кузатилади.

Умуман, Феруз ғазалнавислик борасида салоҳиятли ижодкор сифатида намоён бўлади. Унинг ғазаллари адабиётимиз тарихида алоҳида ўрин тутадиган ижод намуналариридир.

Ошиқ—маъшуқа—ракиб учлигининг Алишер Навоий “Хамса”сида тутган ўрнини илмий тадқиқ қилган адабиётшунос Узок Жўракуловнинг ёзишича: ““Хамса” образлар тизимидағи ошиқ – маъшуқа – ракиб учлигини “Маҳбуб ул-қулуб” таснифига кўра ўрганиш, аввало, Шарқ-ислом адабиётининг поэтик ўзига хослигини кўрсатса, иккинчидан, “Хамса” образлар тизими моҳиятини тўғри белгилашга олиб келади, деган тезисни илгари суриш мумкин”<sup>84</sup>.

Шоир ўзининг ишқий лирикасида ҳис-туйғуларини, ишққа муносабатини ошиқ ва маъшуқа образлари орқали ифодалайди. Шоир лирикасида маъшуқа тенгсиз гўзал сифатида талқин қилинади. Шунинг учун унга нисбатан “ёр”, “маҳлиқ”, “маҳваш”, “хур”, “пари”, “париваш”, “нозанин”, “тул”, “жонон” каби кўплаб анъанавий сифатлар қўлланади. Ошиқнинг ночор ҳоли, доимо висолдан умидворлиги шоир қўллаган “парвона”, “гадо”, “девона”, “булбул” образлари воситасида ёрқин акс эттирилади.

Ишқдан мақсад – висол. Ошиқ учун маҳбубасидан гўзалроқ хилқат йўқ оламда. Бошқа ҳеч нарса уни қизиқтиrmайди. Шу боис маъшуқанинг ошиқ базмига келиши, шоир наздида, чинақам қувончdir. Унинг қадамига жонни қурбон қилмоқ зарур:

Лутф этиб агар ёринг келса базмингта, Феруз,

---

<sup>84</sup>Жўракулов У. Алишер Навоий “Хамса”сида хронотоп поэтикаси. – Тошкент: Турон-Иқбол, 2017. –Б.216.

Бу азиз жонингни мақдамига қурбон қил.

Рақиб – ишқий лирикада ошиқ ва маъшуқа билан ёнма-ён юрувчи образ. “Ағёр”, “ўзга раҳбон”, “бегона” каби сифатлар билан тасвирланувчи бу образ шоир шеърларида етакчи ўрин тутади. Феруз лирикасида бу “учинчи одам” қўпинча ошиқ ғаму андухининг асосий сабабчиси. Маъшуқанинг эътибори кўпроқ унда. Бу эса, табиийки, ошиқнинг бағрини ўртайди:

Ул санамга ўзга раҳбон бор экандур, билмадим,

Кўнгли онинг мойили ағёр экандур, билмадим.

Маъшуқанинг “ўзга раҳбон”и – йўл кўрсатувчиси борлиги, “кўнгли мойили ағёр” эканлиги ошиқнинг юрак-бағрини ўртайди. Лекин ошиқ ўз севгилисининг барча жабру ситамларига сабрли. Ёрнинг қуёш янглиғ юзи кўзини равshan этмагини истайди. Буни интизорлик дардига ягона чора деб билади:

Кўзумни айла равshan меҳр янглиғ оразингдинким,

Бўлубтур тийра, асру торта-торта интизорингман.

Байтда лирик ошиқона кайфиятни тасвирлашда ташбех (*меҳр янглиғ ораз*), тазод (тийра – равshan) санъатларидан усталик билан фойдаланилган. Натижада фикрнинг таъсирчан, тасвирнинг жозибали ва санъаткорона бўлишига эришилган.

Ферузнинг ишқий шеърлари асосан анъанавий йўналишда, бадиий тасвир воситалари хам ошиқнинг ҳижрон кечинмаларини, маъшуқанинг гўзал хусну жамолини, нозу карашмаларини тасвирлашга қаратилади. Шоир тасвирида маъшуқа ниҳоятда илтифотли, раҳмдил, унинг ҳар сўзи Масих каби ўлик жисмига жон ато этади, унинг жамолидан ошиқнинг шоми субҳга, ағёрнинг субҳи шомга айланади. Ошиқ – шоир дилбарининг бундай илтифотидан шу даражада мамнунки, унга Оллоҳдан олий мақому шодлик тилайди:

Бу оқшом келди ул дилбар адаб бирла салом айлаб,

Ўлук жисмимга жон берди Масихосо калом айлаб.

Шабистонимни қилди оразининг меҳридин равшан,  
Очиб рухсоридин парда қуёш янглиғ хиром айлаб.

Аён айлаб жамолин қилди шомим субҳга табдил,  
Юзи ҳижронида ағёрнинг субҳини шом айлаб.

Келиб юз навъ нозу ишва бирла меҳр этиб оғоз,  
Қошимда ўлтуруб деди тили мұжиз калом айлаб

Ки: «Эй, ҳажримда күнгли лоладек дөғ узра дөғ ўлғон,  
Юурсан бўйла токи айшу роҳатни ҳаром айлаб?

Висолимға чу еттинг шоду масрур айлабон ўзни,  
Баён айла менга сен арзи ҳолингни тамом айлаб...»

Шеър матнига чуқурроқ эътибор берилса, шоир тазод (шабистон – равшан, шом – субҳ, ҳажр – висол), ташбех (Масиҳосо, қуёш янглиғ, лоладек дөғ узра дөғ), саволу жавоб (ошиқ ва маъшуқа диалоги), талмех (Масиҳосо) каби шеърий санъатларни моҳирона қўллагани аён бўлади. Бу орқали ижодкор фикрнинг таъсирчан, ифоданинг санъаткорона бўлишига эришгани кузатилади.

Шоирнинг қуидаги «Ё, Раб» радифли ғазалида тасвиrlанишича, маъшуқа ниҳоятда гўзал, унинг «жаҳоноро жамолидан» ошиқ – шоир ҳам ўз базми учун равшанлик истайди. Аммо жафокор ёр ошиққа фақат ранжу алам келтиради. Шеърда маъшуқа портрети мукаммал тасвиrlанган. Бу ҳол Ферузнинг портрет тасвири борасида ҳам юксак маҳорат соҳиби эканлигидан далолат беради. Шоир ёрининг ташқи қиёфасидаги ҳар бир аъзонинг гўзаллигини тасвиrlаш орқали унинг ошиққа келтираётган жабр-зулмини кўрсатишга ҳаракат қиласи. Бу билан шоир лирик қаҳрамон руҳиятини теранроқ тасвиrlашга эришади. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам ошиқ ёр лутфу карамига умид боғлайди, сабр қиласи:

Етүшти ҳажридин жонимға юз ранжу алам, ё, Раб,  
Кўруб ҳолимни, кам қилмас манга бир дам ситам, ё, Раб.

Сочи савдосида доим қоронғудур манга олам,  
Менинг бу шоми ҳижронимға еткур субҳидам, ё, Раб.

Жаҳоноро жамолидин менинг базмимға ҳам бир тун  
Етурғайму экан равшанлиғ ул маҳваш санам, ё, Раб.

Ушбу муножот-ғазалда ҳам ишқ мавзуси юксак бадиият билан қаламга олинган. Ошиққа олам қоронғу эканининг сабаби ёрнинг “сочи савдоси” – унинг сочига етишмоқ орзусининг маҳол эканидин. Шу боис ошиқ Яратгандан “шоми ҳижрон”ига субҳидам еткирмоқни илтижо қиласди. Ҳижронда қолган ошиқ базмига фақат маҳвашнинг жамолигина равшанлик етказмоғи мумкин.

Агар лутф айлабон ўз илки бирла берса бир соғар,  
Кўнгулда қолмас эрди орзуйи жоми Жам, ё, Раб.

На янглиғ сабр қилсун ул қуёш ҳижронида Феруз,  
Зиёд айлар жафосин, айламас бир зарра кам, ё, Раб.

Лирик қаҳрамон Раббига илтижо қилишда давом этиб, агар ёр лутф кўргузиб, ўз қўли билан соғар тутса, Жамшид жомини орзу этмаслигини айтади. Ғазал мақтаъи – сўнгти байтида жафосини бир зарра камайтирмасдан кундан-кунга зиёда айлаётган ёрнинг ҳижронига сабр тилайди.

Шоир лирикасида ишқ мавзуи баланд пардаларда куйланади. Феруз гўзал шеърий санъатлар, оҳорли тимсолу ташбеҳлар, тазоду истиоралар воситасида бу қўхна мавзуда ўз сўзини айтишга муваффақ бўлади. “Мухаббат эски дард, лекин ҳар бир қўнгил уни янгилайди” дейилгани каби шеъриятда ишқ мавзунини қаламга олмаган шоир қолмаган. Лекин ҳар бир ижодкор унинг янги қиррасини кашф этади, бошқача айтганда, анъана замирида янгилик яратади. Феруз ишқни тараннум қилас, мана бундай ёзади:

Ишқ бир ўтдуур, нечукким барқ,

Айламас шоҳ била гадони фарқ.

Тушса ондин кўнгулга бир учқун,  
Куйдуруб бошига солур қаро кун.

Таносиб (*ўт – барқ*), тазод (*шоҳ – гадо*), ташбеҳ (*нечукким барқ*) сингари бадиий санъатлар имкониятидан маҳорат билан фойдаланган шоир ишқа оҳорли, янгича таъриф беришга ҳаракат қиласи ва бунга эришади.

Умуман, Муҳаммад Раҳимхон Феруз шеъриятида етакчи ўринда турувчи ишқ мавзуси шоир томонидан юксак бадиий маҳорат билан васф этилган. Шоир анъанавий ошиқ, маъшуқа ва рақиб образларини ўзига хос тасвирлашга ҳаракат қиласи, улар воситасида катта аҳамиятга эга фикрларни ифодалашга муваффақ бўлади. Анъанавий ҳисобланган ишқ мавзуси талқинига янгича рух беришга эришади.

Феруз шеъриятида ижтимоий мавзу ҳам етакчи ўринни эгаллайди. Шоир бутун Туркистон, жумладан, Хоразм Чор Россияси мустамлакаси исканжасида қолган бир замонда яшаб ижод қиласи. Бинобарин, шоир ижодда ижтимоий мавзуни четлаб ўтиши мумкин эмас эди. Тўғри, Феруз шеъриятида мустамлакага очиқдан очиқ қарши ёзилган шеърлар учрамайди. У вассал даражасига туширилган бўлса ҳам, алоҳида хонликнинг ҳукмдори эди. Шу боис мустамлакачилар билан қайсиdir даражада муросага боришга мажбур эди. Шоир лирикасида бу мавзу баъзан ишқий шеърлари таркибида тагмантда ифодалангани кузатилади. Масалан, ижодкорнинг қўйидаги матлаъ билан бошланган ишқий ғазали бор:

Айб айламанг бўлсам ул ой ишқида нолон, эй рафиқ,  
Қилди ҳазин жонимни ҳажр ўтига сўзон, эй рафиқ.

Матлаъ байт мазмунидан қўриниб турибдики, ғазал ишқий мавзуда битилган. Лекин шоир кейинги байтда ўзининг дарду ғам, зулм ҳақидаги қарашларини, бу орқали адолат тўғрисидаги орзуларини мана бу тарзда ифода этади:

Дарду ғам ҳижронида ҳолим кўруб раҳм айламас,

Зулм фузун айлар манга ул номусулмон, эй рафиқ.

Ушбу байтни ва шу мазмундаги шеърларни таҳлил этган ферузшунос Гулсара Исмоилованинг ёзишича: “Ферузнинг шу руҳдаги шеърларида замон ва ёр образлари ўзаро бир-бири билан уйғунликда келади. “Золим ёр” – “золим фалак” сўз-образлари орқали шоирнинг ички руҳий изтироби акс этади. Ферузнинг лирик шеърларидағи маъшуқа, ёр образлари кўпинча ўз ўрнини “чарх”, “замон”, “гардун” образларига бўшатиб беради, яъни ёрдан нолиш, унинг бевафолигидан шикоят мотивлари кенг маънодаги замонадан зорланиш ва норозилик туйғусига алмашади”<sup>85</sup>. Жумладан, қуидаги сатрларда “чархи гардон”дан етаётган ситамлар деганда шоир мустамлака зулмини назарда тутган бўлиши ҳақиқатга яқиндир:

Етар ҳар дам ситамлар жонима ул чархи гардондин,  
Кўнгулни асрой олмасман туну кун оҳу афғондин.

Ёғиб жавру жафо тоши бошимға кўҳи андуҳдин,  
Бағир қонини тинмай оқизур бу чашми гирёндин.

Бу мисраларда лирик кечинма эмас, ижтимоий дард ифода этилгани яққол сезилиб турибди. Шоир кўнглининг туну кун оҳу афғон чекиши, андуҳ тоғидан бошига жавру жафо тоши ёғилиши, чашми гирёнидан бағир қонининг тинмай оқиши – бу тасвирлар замерида қалб амрига қарши она юртнинг истибодод зулми, зулмати остида қолганидан изтироб оҳанглари акс этгани аён. “Жавру жафо тоши”, “кўҳи андуҳ” истиоралари, “чархи гардон”, “чашми гирён” жумлаларидағи сифатловчи-сифатланмиш муносабатлари шоирнинг кўнгил дардларини ифода қилгани исбот талаб этмайди.

Ёки мана бу сатрлар тагматнида ифодаланган мазмунга диққат қилинса, шоирнинг аслида нимага ишора қилаётгани ойдинлашади:

Ёр саркашу чарх золим айлади бағримни хун,  
Бири бўлсун ром, ё Раб, бири бўлсун сарнигун.

---

<sup>85</sup>Исмоилова Г. Феруз даври Хоразм адабий мухити. Филол. фан. номз. дисс. –Тошкент, 1995. –Б. 48-49.  
66

Солди бир ой ҳажрида жони ҳазиним ичра ўт,  
Ё Раб, ўлғай ерга яксон гунбази гардуни дун.

Маълумки, миллий уйғониш даври адабиётида “ёр” образи ижтимоий маънода ҳам фаол қўлланган. Ушбу сатрларда айни шу хусусият кўзга ташланади. Ёр саркаш, чарх золим эканини тасвирлар экан, шоир ижтимоий мазмунни назарда тутгани ҳақиқатга яқиндир. Умуман, ҳазин жони ичра ўт тушган, гардуни дуннинг ерга яксон бўлишини истаган ижодкорнинг ушбу сатрларида изтироб оҳанги етакчилик қиласи. Шеърда ёрнинг саркашлиги, яъни ўжарлиги билан чархнинг золимлиги ўртасида тенглик аломати кўйиляпти, – деб ёзади Гулсара Исмоилова. – Бундай бадиий қиёсда мантиқий асос, табиийлик бор”<sup>86</sup>. Аслида, чархнинг золимлиги мавзусининг бадиий талқини мумтоз шеъриятда ўзига хос анъана бўлгани маълум. Феруз ғазалида эса ана шу анъанавий истиора замирида шоирнинг истибодод исканжасида қолган мамлакат, мустамлака зулми остида яшашга маҳкум этилган она халқи қисматига қайғуриш маъноларини англатгани айни ҳақиқатдир.

Хулоса қилиб айтганда, бу каби ғазаллар шоир шеъриятида ижтимоий мазмун ҳам бетакрор бадиият билан ифодалангани исботидир. Шоир ижтимоий мазмунни баъзан ишқ мавзуидаги лирик шеърлари тагматнига сингдириб юборса, айрим ғазаларида рамзлар, истиоралар замирида ифодалайди. Бу ҳол шоир яшаган давр ва уни ўраб турган муҳит тақозоси сифатида тушунилмоғи зарур.

## **2.2. Ижодкорнинг диний-маърифий мавзудаги шеърларида мазмун ва шакл уйғунлиги**

---

<sup>86</sup>Исмоилова Г. Феруз даври Хоразм адабий муҳити. Филол. фан. номз. дисс. –Тошкент, 1995. –Б. 49.

Муҳаммад Раҳимхон II нинг хонлик даври жуда зиддиятли вақтга тўғри келди. У мустақил 9 йил (1864 – 1873) хонлик қилди. Россия империяси 1873 йилда Хива хонлигини босиб олгандан кейин, 12 августда Россия ва Хива ўртасида сулҳ шарномаси имзоланди. “Гандимён шартномаси”<sup>87</sup> номи билан тарихда из қолдирган ва 18 моддадан иборат мазкур ҳужжат Хива хонлигини ярим мустамлака ва қарам (вассал) давлатга айлантирди. Шартноманинг 1-моддасида хон мустақил ташқи сиёsat ва савдо-сотиқни амалга ошириш, ҳарбий юришлар қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Истило даврида хон хазинаси Россияга олиб кетилди. Хон саройини эгаллаган генерал Н.И.Головачевга хон хазинасига кириб, у ердаги нарсаларни назоратдан ўтказган. У билан бирга хазинага кирган шарқшунос А.Л.Кун бор нарсаларни рўйхатга олган.

“Хон саройини мусодара қилишида 300 жилдан иборат Шарқ қўлёзма намуналарини йигиштириб олганман, – деб ёзганди А.Л.Кун. Уларнинг каттагина қисмини тарихий асарлар ташкил қиласди. Кўпчилиги ҳозирги хон, яъни қўнгиротлар сулоласи даврида форс тилидан Хива, Турк лаҳжасига таржима қилинган. Бу асарларнинг форс тилидаги асл нусхаси билан бирга сакланаётганлиги, уларнинг қадр-қимматини янада оширади”. Хазинадан олинган ва Рус императори кутубхонасига жўнатилган тарихий ёдгорликлар орасида 129 та ноёб китоб ва 140 та боғлам тарихий қўлёзмалар, 30 жилдан иборат шарқ шоирларининг девонлари, 50 томлик 40 та ҳуқуқ ва динга оид асарлар, 18 та “Қуръон” ва 50 та дарслик китоблари бор эди. Улар орасида Алишер Навоий, Мирхонд, Мунис, Оғаҳий, Комил Хоразмий, Абулғозий Баҳодирхон каби алломаларнинг “Ҳамса”, “Равзат ус-сафо”, “Қиссаи-ул анбиё”, “Тавсири Қуръон”, “Шарҳи даламлюл ҳайрат”, “Миратти каннот”, “Китоби-рамль”, “Фирдавс ул-иқбол”, “Шоҳиди иқбол”, “Достони Қосим ва Гўрўғли”, “Китоби Сайид”, “Тавсири Кабир”, “Шажараи турк” каби китоблар бор эди. Ушбу халқимизнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланган ёдгорликлар

---

<sup>87</sup>Хоразм давлатчилиги тарихи. – Урганч, 2009.

ҳозирда Санкт Петербургдаги Эрмитаж музейи, Салтиков-Шчедрин номидаги Давлат кутубхонаси ва Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

Шундан кейинги Мұхаммад Раҳимхон II нинг 37 йиллик ҳукмдорлик даври Россияга қарамлиқда ўтди. Бу даврда Россия бутун Марказий Осиё хонликларини босиб олган эди. Хонликлар ўртасидаги ўзаро урушлар тўхтади, қуллик тизими тутатилди. Россиянинг мудҳиш истилоси Феруз саройидаги маданий муҳитни пароканда этолмади ва шоҳ шоирнинг сиёсий – адабий фаолиятига жиддий футур етказолмади. Тинчлик билан давлат ишларини бошқариш ва бунёдкорлик ишлари бошланди. Хон саройидан ва Хива шаҳридан талаб олиб кетилган китобларнинг ўрнини тўлдириш мақсадида 1874 йилда Хива шаҳрида Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб тош босмани ишга туширди, Эрондан Иброҳим Султон исмли устани чақиртириди ва Хива тошбосмахонасини ишга туширди, натижада жуда кўплаб нодир китоблар чоп қилинди, устанинг ишини кейинчалик хивалик шогирди Отажон Обдал ўғли давом қилдириб, уни санъат даражасиги олиб чиқди.<sup>88</sup> Кейинчалик Худойберган Девонов сураткашликни машқ қилиб, Хивада Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб фото-кино санъатига асос солди, уни Мұхаммад Раҳимхон ўз ҳимоясига олиб ҳомийлик қилди.

Мұхаммад Раҳимхон ўз даврининг ниҳоятда пешқадам зиёлиси эди. У мусиқашунос, бастакор, мусиқа сирларидан хабардор санъаткордир. Феруз хоразм мақомларини асраб-авайлаш, келгуси авлодларга тўлалигича етказишда буюк мутафаккир Комил Хоразмий ва унинг ўғли бастакор, мусиқашунос Мұхаммад Расул билан катта ишларни амалга оширди. Мирзобоши Комилни Хоразм шашмақомини танбурга мослабnota ёзишга ундинди. Комил “Хоразм танбур нотаси” деб юритиладиган “Танбур чизифи”ни яратди. Комилдан кейин эса бу ишни унинг ўғли Мұхаммад Расул Мирзо давом эттириди. У Феруз талаби асосида Хоразм шашмақомини етти мақомда танбурга мослаб nota ёзган. Ферузнинг ўзи ҳам бир қанча шеърларга мусиқа

---

<sup>88</sup>Д.Рахим, Ш.Матрасул. Феруз шоҳ ва шоир қисмати.-Тошкент, 1991. – Б.103.

басталаган. Шоир Комилнинг ташвиқи билан бутун шашмақом куйларини мукаммал ўрганган, “Наво”, Сегоҳ” ва “Дугоҳ” мақомларига боғлаб куйлар яратган эди.<sup>89</sup> Бу куйлар Хоразм мусиқачилари орасида ҳозирга қадар машҳур ва маълумдир. Маълумотларга қараганда, Феруз санъаткорларга созандалик, гўяндалик шаҳодатномасини шахсан ўзи топширган. Муҳаммад Раҳимхоннинг доимий ҳомийлиги туфайли саройда ўнлаб созанда, гўяндалар етишиб чиққан. Матёкуб Позачи, Дўнмас (Қаландар), Машариф Қамбар, Худойберган Муҳркан, Бобожон дўст, Абу Шариф Махсум, Бобо Буломончи, Қурёз ота, Мадраҳим Шерозий, Мутриб, Сафо Муғаний каби истеъдодли санъаткорлар шулар жумласидандир. 1882 йилда Муҳаммад Раҳимхон Соний “Хоразм мақомлари халқнинг дахлсиз мулки деб эълон қилинсин”<sup>90</sup> дея маҳсус фармон чиқарган. “Ушбу фармони олийга шак келтирган ва мақомларни камситган ёйинки уни бузиб ижро эткан кимсалар қаттиқ жазолансин!” деб алоҳида таъкидлаган. Ферузнинг ўзи ушбу фармоннинг бажарилишини ўта талабчанлик ва қаттиққўллик билан назорат қилиб боргани тарихда маълум. Бир базмда олти ярим мақомнинг муҳим бир шўъбасини ташлаб кетгани учун Муҳаммад Ёқуб позачига 50 қамчи урдиргани ёки Бухорои шарифдан келган меҳмонлар олдида “Рост” мақоми ижро қилинаётганида Бобожон буломончи оҳангни бузгани учун унинг уйи томини очтиргани, хатосини англағанидан кейин қайта ёптириб бергани Ферузнинг санъат дахлсизлигини сақлаб қолиш учун нақадар куюнчак, жонкуяр, фидойи бўлғанлигидан далолат беради.

Муҳаммад Раҳимхоннинг 1898 йил 12 апрелдаги фармони билан хонлик ҳудудларида қадимдан қолган музейбоп буюмлар тўпланила бошланди. Хоннинг вилоят ҳокимликларига юборган буйруғи шундай эди: - “Қадимдан қолғон ёдгор нима нарсаларни йўқ қилдурмасунлар, ҳар бир тариқа қўҳна жой ва қалъя ва иморат бўлса не тариқа бино бўлғонларни ва қўҳна тилла ва танга ва пуллар бўлса борлаб топиб мунда юборсинлар”. Хоразм асори-атиқалари

<sup>89</sup>Хоразм мусиқаси тарихчаси.-Тошкент: Mumtoz so‘z, 2014.

<sup>90</sup>/Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -Тошкент: 1994 йил, 30 сентябрь.

1890 йилда Тошкентда, 1895 йилда Нижний Новгородда, Бутунрессия кўрказмасида, 1900 йилда Парижда, 1904 йилда АҚШнинг Миссурий штатида ўтган халқаро кўргазмаларда намойиш қилинди. Муҳаммад Раҳимхон даврида бошланган бу хайрли ишлар ҳозирги кунларимизда ҳам амалга оширилмоқда.

Муҳаммад Раҳимхон ўзининг узоқ йиллар давомидаги хонлик даврида жуда кўп воқеаларнинг гувоҳи бўлди. Кўплаб хайрли ишларни амалга ошириди. Мактаб ва мадрасалар қурдириб, ёшларни ўз ҳисобидан ўқитган. Бир сўз билан айтганда, халқининг маърифатли, илмли, зиёли бўлишини истаган ва бунинг учун барча шароитларни яратишга ҳаракат қилган. Машхур шарқшунос олим В. В. Бартольд томонидан “Буюк маърифатпарвар”<sup>91</sup> деб баҳоланганди. Муҳаммад Раҳимхон – Ферузнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти нечоғлиқ аҳамиятли бўлса, шеърияти ҳам шунчалик қимматлидир. Феруз кўплаб ижодкорлар сингари ўз ижодини дастлаб ишқий шеърлар ёзиш билан бошлади. Кейинчалик мумтоз шеъриятимизда кўп асрлик анъана бўлган диний-маърифий мавзуда ҳам асарлар яратди. Бу ҳақда адабиётшунос Г.Исмоилова қуйидагича ёзади: “Феруз динга кучли эътиқод қўйган, теран хурмат билан қараган. Шоирнинг ижодий меросида бу фикримизни тасдиқловчи шеърлар мавжуд. Аксарият ғазаллар орасида шундай мисралар учрайдики, буларда шоирнинг дунёқараши, чин эътиқоди очиқ сезилиб туради”<sup>92</sup>.

Шоирнинг “пайдо” радифли ғазали ҳамд-ғазал ҳисобланади. Ижодкор девони ана шу ғазал билан очилиши сабаби шунда. Бу ғазалда шоир Аллоҳ таолонинг зотини тафаккур билан англаш мумкин эмаслигини қуйидагича тасвиirlайди:

Зихи бордур зухурингга азал бирла абад пайдо,

---

<sup>92</sup>Исмоилова Г. Хоразмнинг фозил фарзанди. / Муҳаммад Раҳимхон Феруз. Элга шоху ишққа кул. Т.: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – Б.5.

Тафаккур айлабон зотинг, қила олмас хирад пайдо.

Аллоҳ таолонинг қудрат соҳиби эканини васф этиб, унга ҳамд-мақтov айтган шоир тўққиз қават осмонни беамад – устунсиз кўтариб қўйганини унинг қудратига далил сифатида келтиради. Бу фикрлар Қуръони карим оятлари асосида яратилгани билан алоҳида аҳамиятга эга:

Бу ҳам бор қудрату сунъунг тасдиқиға бир бурҳон–

Ки, килдинг бу тўқуз қат осмонни беамад пайдо.

Диний-маърифий мавзуда қалам тебратар экан, Феруз тақдир мавзуини – барча яхшию ёмон ишлар Яратганинг иродасига қазои қадарга боғлиқ экани мавзусини ҳам четлаб ўтмайди. Мана бу мисралар шоирнинг эътиқодини, дунёқарашини ифодалагани билан алоҳида ажralиб туради:

Бориси хоҳиши тақдиринг ила бўлғуси мавжуд,

Неким гар бандадин оламда бўлса неку бад пайдо.

Феруз шеърлари ичида ҳамд-ғазаллардан ташқари наът-ғазаллар ҳам юксак бадиият билан ижод қилинган. Маълумки, наът ғазалларда пайғамбаримиз Мұхаммад алайхиссалом васф этилади. Шоирнинг “Элга шоху ишққа қул” девонидан ўрин олган қуйидаги наът-ғазал ушбу фикрни тасдиқлайди:

Бўлсун салом беҳад анга субҳ ила масо–

Ким, деди васфини они Фурқон аро Худо.

Субҳ ила масо – куну тун маъносини ифодалайди. Фурқон – Қуръони каримнинг яна бир номланиши. Бу номда ушбу муқаддас илоҳий китобнинг ҳақ билан ботилни ажратиши ўз аксини топган. Демак, пайғамбаримизнинг васфи Қуръонда зикр этилганини таъкидлаган шоир унга куну тун салом йўллаш зарурлигини айтади.

Ул шомиким, Ҳақ амри била айлади уруж,

Топти ҳама мурод ила мақсадини раво.

Бу байтда эса шоир Меъроҷ тунини – пайғамбаримизнинг меъроҷга кўтарилганлари воқеасини тасвирлаган. Ижодкор бу мўъжизанинг Ҳақ таоло

амри билан амалга ошгани, меърож кечасида пайғамбаримизнинг барча мақсуди раво бўлгани хусусида сўз юритади.

Ҳар ким салому саловат этса одатин,

Шаҳд шафоатин ичадур тонгла ҳашр аро.

Шоир пайғамбаримизга кимки салом ва саловат айтишни доимий одатига айлантиrsa, Маҳшар кунида – қиёматда ул зотнинг шафоатига мұяссар бўлишини чукур мазмун ва гўзал бадиий шакл уйғулигига ифода этади.

Феруздек шафоатинг умидин этгамен,

Хосил қил они лутфунг ила бобини манго.

Шоир ғазал мақтаъида пайғамбар алайҳиссаломнинг шафоатидан умидвор эканлигини баён этади. Аллоҳ таолодан лутф кўрсатишини, ана шу ёруғ ниятига етказишини сўраб, илтижо қиласди.

Маълумки, мумтоз адабиётимизни тасаввуфдан ажратиб олиб ўрганиб бўлмайди. Диний мотивлар хусусида ҳам шундай дейиш мумкин. Ҳолбуки, шўро даврида қўхна адабиёт намуналари дину тасаввуфдан ажратиб ўрганилди. Улардан коммунистик ғояга мос келадиган мазмун қидирилди. Ферузнинг ушбу мавзудаги шеърлари эса умуман ўрганилган эмас.

Диний-маърифий мавзудаги туркум шеърларида шоирнинг олам ва одам, ҳаётнинг мазмуни, иймон моҳияти, инсоннинг маънавий олами ҳақидаги теран қарашлари намоён бўлган. Маълумки, ислом дини қарор топган мамлакатларда яратилган ҳар бир йирик асар Оллоҳга ҳамд билан бошланган. Жумладан, девонлар ҳам ана шу мазмундаги ғазаллар билан очилади. “Ҳамдлар – Яратганинг мадҳи, мақтови. Унинг тенгсиз қудратига айтилган сано, Ҳақ таолонинг ибтидо ва интиҳодан, яралмишларга хос гуноҳу исёнлардан пок экани таърифи. Инсонни дунёнинг моҳиятини англашга даъват этувчи, теран мазмунни гўзал бадиий шаклда ифодалаган бетакрор фикрлар мажмуи. Ҳайратланарлиси шундаки, ҳамдлар мумтоз шоирларимизнинг деярли барчасининг ижодида мавжуд. Лекин бири иккинчисини такрорламаслиги жиҳатидан ижодкор шахс тафаккури ва

истеъдодининг чексиз имкониятларини кўз-кўз қилади гўё”<sup>93</sup>. Бу жиҳатдан шоир маснавийлари алоҳида ўрин тутади. Жумладан, маснавийлардан бири қуидаги ҳамд билан бошланади:

Эй Қодиру Фаррухи доно,  
Халлоқи жаҳон Басийру бино.  
Не аввалингда эрур бидоят,  
Не бордур охирингга ниҳоят.  
Бордурсан анингдек Изиди пок,  
Зотинг эта олмас ақл идрок.  
Мавжудсан, ўзга борса нобуд,  
Борсан ики кавн элига маъбуд.  
Мухтожинг эрур гадою султон,  
Лутфу карамингга йўқ ҳадду сон.

Ҳамд мазмунидаги шеърларда, одатда, лирик қаҳрамон шоирнинг ўзи бўлади. Шоир маснавийларида ҳам худди шундай. Шоир ўзининг пургуноҳлигини, гуноҳлар қўлида асири нотавонлигини ўйлар экан, ҳар бир иймонли банда каби Оллоҳнинг раҳматидан умидвор бўлади, маҳшар куни Яратган ҳидоят қилмаса, оғир аҳволда қолишидан қўркувда эканини изҳор қилади. Негаки, гуноҳ кўп, Ўзидан ўзга мададкор йўқ:

Ким, асру заифу зордурман,  
Осию гуноҳкор этурман.  
Дашти ҳавас ичра қолмишам зор,  
Ҳирс илкига бўлмишам гирифтор.  
Ёдингдин ўлуб мудом ғофил,  
Кўнглумда туман хаёли ботил.  
Бошдин-оёғим эрур залолат,  
Тоатда ишимдурур касолат.

---

<sup>93</sup>Жабборов Н. Оғаҳийнинг огоҳлик сири. // Tafakkur. – Тошкент, 2009, 2-сон. – Б.58.

Лирик қаҳрамон ўзини осию гуноҳкор ҳис этади. Шоир буюк Холик олдида тазарру қилар экан, истиоралардан маҳорат билан фойдаланади. “Дашти ҳавас”, “хирс илки” – бу истиоралар ифода этилаётган фикрнинг таъсиричанлигини янада оширади. Феруз бошдин-оёғи залолат, тоатда иши касолат эканини ёзар экан, буни айни ҳақиқат деб қабул қилмаслик керак, назаримизда. Профессор Н.Жабборовнинг Фурқат шеърлари таҳлили мисолида айтилган қуйидаги фикрлари бу каби сатрлар замирида ифодаланган ҳақиқатни чуқурроқ тушунишга ёрдам беради: “Маълумки, ҳақиқат аҳли ҳеч қачон “Мен камолот тимсолиман, гуноҳлардан покман”, демайди. “Гуноҳорман, осийман, бадкирдорман”, дейди. Ўзини маломат қилади. Шу орқали нафсни енгади, покланади. Нафс кутқусидан халос бўлиш – камолотнинг бош шарти”<sup>94</sup>.

Ўзини гуноҳкор билиш ва бундан тавба қилиш мўминга хос хусусият. Шоирнинг бу мавзудаги шеърларини ўқиганда ана шу жиҳатни ҳар доим назарда тутиш зарур, деб ўйлаймиз. Маснавийнинг давомида яна шундай мисралар бор:

Бўлмишман асири нафси шайтон,  
Журму ганоҳимга йўқ ҳадду сон.  
Тоатда гарчи нотавонман,  
Айларда гуноҳ паҳлавонман.  
Мен худ бу сифатман асрү гумроҳ,  
Ҳолимдин ўзунг эрурсан огоҳ.  
Раҳм айла бу навъ ҳолатимға,  
Чоҳи ғам аро малолатимға.

Шоир фикрни таъсиричан ифодалашда таносиб (асир нафс, журм, гуноҳ), тазод (журм-тоат, нотавон-паҳлавон), истиора (чоҳи ғам) сингари бадиий санъатлардан маҳорат билан фойдаланади. Ўқувчини фикр юритишга, мушоҳадага ундейди. Шоирнинг ушбу маснавийсини мутолаа қилар экан,

<sup>94</sup>Жабборов Н. Фурқатнинг хориждаги ҳаёти ва ижодий мероси: манбалари, матний тадқиқи, поэтикаси. Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 2004. –Б.73.

шеърият муҳибларининг юксак ақл ва истеъдод эгаси бўлган Муҳаммад Раҳимхон Феруз тазаррусидан, мисралар замиридаги самимий ифодадан таъсирланмаслигининг иложи йўқ.

Феруз – мутафаккир шоир. Унинг диний-тасаввуфий илмларни чуқур эгаллаганига шубҳа йўқ. Шоир сифатида у шеъриятнинг назарий асосларини ҳам теран билади. Бадиий санъатларни қўллашдаги маҳорати, шеърий шакл ва мазмундаги мукаммал уйғунлик, фикрнинг мантикий изчиллиги каби хусусиятлар шундан дарак беради:

Кўб манда агарчи журму исён,  
Жўшон санга лек баҳри ғуфрон.  
Сенсан ики кавн аро паноҳим,  
Раҳм айлабон афв қил гуноҳим.  
Кўнглум уйин айлагин саросар,  
Тавҳид ҷароғидин мунаввар.  
Тоатда қадимни айлагил ҳам,  
Лутфунг манга ҳаргиз этмагил кам.

Ушбу маснавийда ифодаланган диний-маърифий мазмун шоҳ ва шоир Ферузнинг дунёқарашини чуқурроқ англаш имконини беиши жиҳатидан аҳамиятлидир. Табиийки, бу дунёқараш дин асослари билан, тавҳид илми билан боғлиқ. “Журму исён” ва “баҳри ғуфрон” бирикмалари ҳосил қилган тазод шоир бадиий ниятини ўзи ўйлаган даражада ифодалашда, айниқса, қўл келган. “Кўнглум уйи”, “тавҳид ҷароғи” истиоралари шоир фикрни ифодалашда муносиб бадиий шакл топганидан, муаллиф ижодий услубининг ўзига хослигидан дарак беради. Қуйидаги байтлар шоирнинг фикрни мисрадан мисрага кучайтириб борганини, самимий туйгулари ифодаси учун муносиб шакл топа билганини қўрсатади:

Ман зорға тавба ато қил,  
Файзингға замирим ошно қил.  
Даҳр элига гарчи подшоман,  
Эҳсонинга мустаҳиқ гадоман.

Адлим била фақр элини қил шод,

Эҳсоним ила жаҳонни обод.

...Дунёда мақомими рафиъ эт,

Уқбода расулинга шафиъ эт.

Кўбтур манга раҳматингдин умид,

Қилма мани нотавонни навмид.

Қил баҳт ила толеимни Феруз,

Ҳар бир қуним айла ийди Наврӯз.

Тавба – яралмишларни Яратганга яқинлаштиришга хизмат қилувчи даража. Лирик қаҳрамон ана шу тавбага эриша олган. Шунинг учун ҳам даҳр элига подшо бўлса-да, Ҳақ таолонинг эҳсонига мустаҳиқ гадо эканини иқорор этади. Унинг нияти пок: адолати билан фақр элини шод, эҳсони билан жаҳонни обод қилишга бел боғлаган.

Маснавийнинг сўнгги байтлари дуо тариқасида битилган. Лирик қаҳрамон Яратгандан дунёда баланд даража (рафиъ мақом), охиратда Расули акрам (с.а.в.) шафоатини тилайди. Умидвор эканини таъкидлайди. Зеро, аждодларимиз муборак ҳадислар мазмунига бanoан умид ва қўрқувни иймон күшининг икки қаноти, дея эътиқод қилганлар.

Феруз – сўнгги байтда бир вақтнинг ўзида шоир тахаллуси ҳамда луғавий маъносида тенг қўлланиб, ийҳом санъатини ҳосил қилган. Ҳар қунининг ийди Наврӯз бўлишини тилаш ҳазрат Навоийнинг “Ҳар тунунг қадр ўлубон, Ҳар қунунг ўлсун Наврӯз” байтига ҳар жиҳатдан уйғун.

Диний-маърифий мавзуда ёзар экан, шоир ҳамд баробарида наътга ҳам алоҳида эътибор қаратади. Наът, маълумки, шеърда, ва умуман бадиий асарда пайғамбар алайҳиссаломни васф этиш демакдир.

Худо ҳамидидин сўнгра тортиб қалам,

Паямбар дурудини айлай рақам.

Зихи суруриким, эрур коинот

Туфайли эрур гар жамоду набот.

Шафиъ ул-умам саййид ул-мурсалин,

Бўлуб пайк анга Жаброил амин.

“Дуруд” сўзига “Навоий асарлари луғати”да қўйидагича изоҳ берилади: мақтов; дуо, салом, яхшилик тилаш<sup>95</sup>. Бу жиҳатдан у “наът” сўзи билан маънодош: пайғамбар алайҳиссаломнинг мақтови. Шоир Худо ҳамдидан кейин мантиқий равишда пайғамбар дурудига ўтади. Шоирнинг ёзишича, жамод – жонсиз табиат, набот – ўсимликлар олами пағамбаримиз туфайлидан яратилган. У шафиль ул-умам, яъни охиратда умматларини шафоат қилувчи. Сайид ул-мурсалин, яъни Яратганинг наздида пайғамбарларнинг энг улуғи. Жаброил амин – унинг хабарчиси.

Кейинги сатрларда шоир пайғамбар алайҳиссаломнинг мўъжизаси бўлган машҳур меърож воқеасига ишора қиласи, расулуллоҳнинг ислом маърифатини оламга ёйишдаги хизматларини васф этади:

Гаҳи арши аълога айлаб уруж,  
Ғазо қилғали гоҳ айлаб хуруж.  
Жаҳон мулкини исломобод этиб,  
Басе, яхши ишларни бунёд этиб.  
Чекиб осий уммат учун кўб таъб,  
Ўтуб умри қайғу бирла рўзу шаб.

Шоир эътирофича, пайғамбар алайҳиссалом бутун ҳаётини ислом маърифати ривожига бағишлигар. Гуноҳкор умматлари учун кўп мاشаққат чеккан, умри туну кун қайғу-изтиробда кечган. Охир оқибатда шариат билан динга ривож беришга эришган.

Наътларнинг моҳиятини наът ғазаллар мисолида таҳлил қилган адабиётшунос Сайфиддин Сайфуллоҳ мана бундай ёзади: “Ғазалларда Расули акрамнинг энг буюк пайғамбар ва энг улуг хулқ соҳиби экани, хайру саховати, жасорат ва шиҷоати, етимларга шафқат қилгани, умматини севгани, меърож воқеалари ва ҳоказо мавзулар оят ва ҳадислар орқали мадҳ этилади”<sup>96</sup>. Бу

<sup>95</sup>Навоий асарлари луғати (Тузувчилар: П.Шамсиев, С. Иброҳимов). Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1973. –Б. 204.

<sup>96</sup>Сайфуллоҳ С. Наът ғазаллар моҳияти. “Ҳазойин ул-маоний”даги наът ғазаллар китобига сўзбоши. – Тошкент: Ноширлик ёғдуси, 2010. –Б. 3.

фикрни мумтоз шеъриятнинг бошқа жанрларига, шу жумладан маснавийларга ҳам тўла татбиқ қилиш мумкин.

Диний-маърифий ва тасаввуфий мавзуларни ёритар экан, Феруз бутун истеъдодини инсонни улуғлашга, унинг бой ички оламини – сийратини, хулку одобини васф этишга, Яратганни ва ўзлигини таниш, бу ёруғ оламга келишидан кўзланган асосий мақсад-муддаони англаш сингари муҳим масалаларни бадиий талқин қилишга интилди. Диний-маърифий мавзуларни бадиий талқин этиш, уларнинг инсон камолотидаги ўрнини кўрсатиб бериш, юксак ахлоқий фазилатларни улуғлаш – Ферузнинг ушбу мавзудаги лирик асарларида асосий мавзу бўлди, дейиш мумкин.

Шоир диний мавзуда қалам тебратар экан, бу соҳада ҳам чуқур билим эгаси эканлигини намоён эта билди. Бу мавзудаги асарлари билан ҳам миллий шеъриятимизнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсата олди. Неча замонлар ўтса ҳам аҳамиятини саклаб қола оладиган бой адабий-маърифий асарларни мероси қилиб қолдиришга муваффақ бўлди. Энг муҳими, шоирнинг ушбу мавзуда битилган асарлари унинг соф дунёқарашини, пок эътиқодини ўзида намоён этади. Уларнинг мутолааси бугунги ва келажак авлодларнинг маънавиятини бақувват, эътиқодини мустаҳкам қилишга, улар қалбида олижаноб туйгуларни тарбиялашга хизмат қилади.

*Диссертациянинг иккинчи бобидаги илмий кузатишларни қуийидагича умумлаштириши мумкин:*

Ишқ мавзуси Феруз шеърларида етакчи ўрин тутади. Шоир шеърларидаги ишқ мавзуси талқинини ўрганиш уларда мумтоз адабиётимиз анаъанаисига хос ошиқ, маъшуқа ва ағёр (ракиб) образлари ўзига хос бадиий талқин этилганини кўрсатади. Ижодкорнинг орзу-армонлари, руҳиятидаги ғалаёнлар, ички кечинмалари, қувончи, изтироби ана шу учлик орқали ифодаланади.

Шоир лирикасида тенгсиз гўзал сифатида талқин қилинган маъшуқа “ёр”, “маҳлиқ”, “маҳваш”, “ҳур”, “пари”, “париваш”, “нозанин”, “гул”, “жонон” каби кўплаб анъанавий сифатлар воситасида тасвирланади.

Ошиқнинг ночор ҳоли, доимо висолдан умидворлиги шоир қўллаган “парвона”, “гадо”, “девона”, “булбул” образлари воситасида акс этади. Ишқий лирикада ошиқ ва маъшуқа билан ёнма-ён юрувчи образ – рақиб эса “ағёр”, “ўзга раҳбон”, “бегона” қаби сифатлар билан талқин этилади.

Ишқ мавзуи талқинида шоир Алишер Навоий, Огаҳий, Мунис каби салафларининг поэтик образ яратиш борасидаги ижодий анъаналарини муносиб давом эттириши баробарида ўзининг индивидуал бадиий маҳоратини ҳам яққол намоён этади. Поэтик шакл ва поэтик мазмун уйғунлиги борасида ўзига хос ижодий тажрибалар қиласи. Оз сўзга қўп маъно юклаш, тасвирнинг бетакрор образлар орқали ифодаланиши борасида маҳорат касб этганини кўрсата олади.

Феруз шеъриятидаги ишқ талқини Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-кулуб” асаридағи “хослар ишқи”га мувофиқ келади. Шоир мазҳар – дунё гўзалини васф этар экан, ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда “пок кўзни пок назар била пок юзга солади ва пок кўнгул ул пок юз ошубидин қўзғалиб, бу пок мазҳар воситаси била ошиқи покбоз маҳбуби ҳақиқий жамолидин баҳра олади”. Бу жиҳатдан шоир мумтоз адабиётимиздаги анъаналарга содик қолди ва уларни ривожлантириди.

Диний-маърифий мавзу талқини Ферузнинг асосан ғазаллари ва маснавийларида ўзининг гўзал бадиий ифодасини топган. Шоирнинг ушбу мавзудаги ғазаллари уч турга бўлинади: ҳамд-ғазаллар, наът-ғазаллар, муножот-ғазаллар. Аллоҳга ҳамд, муножот ва пайғамбар алайҳиссаломга наът руҳидаги бу ғазаллар шоир дунёқарашини, эътиқодини намоён этгани билан қимматлидир.

Шоир маснавийларини ҳамд, наът ва муножот билан бошлайди. Уларда инсоннинг яратилишидан қўзланган олий мақсад ва одамзод хаётининг бу мақсадга нечоғлик мувофиқ келиши ҳақидаги фалсафий мушоҳадаларга кенг ўрин ажратилади. Ҳамдларда лирик талқин замирига Аллоҳ таолонинг исм ва сифатлари, яратувчилик қудрати тасвирида Қуръони карим оятлари ва муборак ҳадислар мазмуни юксак маҳорат билан сингдириб юборилади.

Муножот руҳидаги шеърларда оламларнинг буюк тарбиячиси ҳузуридаги тазарруъ мотиви етакчилик қиласи. Наът мазмунидаги шеърларда эса Пайғамбар алайхиссаломнинг комил сийрати, маънавий-ахлоқий фазилатлари, пайғамбарларнинг сўнггиси ва Одам фарзандларининг афзали экани, Расулуллоҳ (с.а.в.)га Аллоҳ таоло томонидан ато этилган мўъжиза – меъроҳ воқеасининг поэтик талқини берилади.

Шоир ўзининг пургуноҳлигини, гуноҳлар қўлида асири нотавонлиги хақидаги фикрларини шеърга солар экан, ҳар бир иймонли бандада каби маҳшар куни Яратган ҳидоят қилмаса, оғир аҳволда қолишидан қўркувига доир туйғуларини самимий ифодалайди. Оллоҳнинг раҳматидан умидвор эканини баён этади. Диний-маърифий мавзу талқинига доир кузатишлар шоҳ ва шоир Ферузнинг дунёқарашини чуқурроқ англаш имконини бериши жиҳатидан алоҳида аҳамиятга эга.

Лирик шеърларида диний-маърифий ва тасаввуфий мавзуларни ёритар экан, Феруз бутун истеъдодини инсонни улуғлашга, унинг бой ички оламини – сийратини, хулқу одобини васф этишга, Яратганни ва ўзлигини таниш, бу ёруғ оламга келишидан кўзланган асосий мақсад-муддаони англаш сингари муҳим масалаларни бадиий талқин қилишга интилди ва бунга тўла эриша олди.

### **III БОБ. ФЕРУЗ ЛИРИКАСИДА БАДИЙ САНЬАТЛАР, АРУЗ ВА ҚОФИЯ МАСАЛАЛАРИ**

#### **3.1. Шоирнинг бадиий санъатлардан фойдаланиш маҳорати**

Феруз – илми бадеъ сирларини чуқур эгаллаган, назмда маҳорат билан кўуллай олган салоҳиятли ижодкор. Шоир лириканинг қайси жанрида ёзмасин, хоҳ ғазал ё мухаммас, хоҳ маснавий ёки кичик шеърий жанрларда, теран фалсафий фикрни гўзал бадиий санъатлар билан зийнатлади. Бу орқали ўзининг поэтик маҳорати нечоғлиқ баланд эканини кўрсатди. Мумтоз шеърий анъаналарни муносиб давом эттириш баробарида унга янгича рух бағишилади. Ижодкор лирикасида бадиий тасвир воситаларидан маҳорат билан фойдаланилгани уларни ўзаро алоқадорликда муфассал ўрганишни тақозо этади. Чунки “...ғазалларда образ яратиш учун шоир фойдаланган бадиий тасвир воситаларининг барчасини эътиборга олмай туриб, уларнинг мураккаб тарзда бирикишидан ҳосил бўлган фактурасини (ўзига хос хусусиятларини) вужудга келтирган маънолар алоқадорлиги ва уларнинг товланиш ришталарининг барчасини ажратиб олиш мумкин эмас”<sup>97</sup>.

Шоир лирикасида бадиий санъатларнинг кўулланиш усулида икки хил ҳолат кузатилади: 1. Шеърни бошдан-охир бир санъат асосига қуриш. 2. Бир шеърда бир қанча бадиий санъатлардан маҳорат билан фойдаланиш. Табиийки, ушбу тасниф маълум даражада шартлидир. Чунки ижодкорнинг айрим лирик шеърлари асосан бир бадиий санъат асосида яратилгани улarda параллел равища бошқа кўплаб бадиий санъатлар кўулланишини истисно этмайди. Шоир лирикасида бадиий санъатлардан истифода этилиши масаласининг ушбу таснифга таяниб ўрганилиши, шу маънода, шартли эканини таъкидлаш керак. Тадқиқотда таҳлилий фикрларни маълум бир тизимга солиш учун ҳам шу асосда иш кўрилди.

**Шеърни бошдан-охир бир санъат асосига қуриш.** Феруз девонида бошдан-охир бир бадиий санъатга асосланган ғазаллар бир нечта экани

<sup>97</sup>Стеблева И. Семантика газелей Бабура. Москва: Наука, 1982. – С.4.

шоирнинг ушбу шеърий усулдан унумли ва маҳорат билан фойдаланганини кўрсатади. Жумладан, ижодкорнинг:

Офтобосо жамолинг кўргач ўлдум, эй, нигор,

Беқарору беқарору беқарору беқарор –

матлаъли ғазали бунинг ёрқин исботидир. Ушбу ғазал бошдан-охир такрир санъати асосига қурилган. Атоуллоҳ Ҳусайнин таъбирича, бу санъатнинг “...маънонинг такрири, яъни ани муқаррару муҳаққақ қилмоқ янглик нукта учун лафзни такрорламоқ”<sup>98</sup> экани эътиборга олинса, Феруз ҳам такрирдан айни мақсадда фойдалангани аён бўлади. Жумладан, мазкур ғазалнинг кейинги байтида шоир мана бундай ёzáди:

Тифи ишқи ханжари нозингдин ўлдум субҳу шом

Дилфиғору дилфиғору дилфиғору дилфиғор.

Ушбу байтда “дилфиғор” сўзининг тўрт марта такрорланиши лирик қаҳрамон руҳиятини, унинг изтиробли кечинмаларини таъсирчан ифодалашга хизмат қилган. Аслида, ушбу байтда бошқа бадиий санъатлар, масалан, истиора (тифи ишқ, ханжари ноз), тазод (субҳ -шом) каби санъатлар имкониятидан ҳам усталик билан фойдаланилган.

Такрирнинг мазмунни кучайтириш, таъкидлаш мақсадларига хизмат қилиши, бадиий сўзининг таъсир кучини ошириши эътиборга олинса, Ферузнинг ушбу санъатдан самарали истифода этгани сабаблари ойдинлашади. Мана бу байтда ошиқ руҳияти ва қисмати бутун мураккаблиги билан сувратланган:

Оҳу нолам айлади ишқингни охир даҳр аро

Ошкору ошкору ошкору ошкор.

Такрир санъати Хоразм адабиётида Оғаҳий, Комил Хоразмий, Аваз Ўтар ўғли ижодида ҳам кенг қўлланган. Бу санъат, биринчидан, шоир ургу бермоқчи бўлган фикрни таъкидлаб кўрсатишга хизмат қилса, иккинчидан,

---

<sup>98</sup>Ҳусайнин А. Бадойиъу-с-санойиъ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – Б. 172.

ўқувчининг дикқат-эътиборини муаллиф кўзда тутган асосий мазмунга қаратади. Учинчидан, ғазалда ўзига хос оҳангдорликни таъминлайди:

Ошиқнинг жавр чекиши, маъшуқанинг зулм қўрсатиши – мумтоз адабиётда анъанавий тарзда давом этиб келаётган тасвир. Лекин Феруз такрир санъати орқали ана шу анъанавий мазмунга янги рух бағишлайди. Кейинги байтда “бешумор” сўзининг тўрт марта такрорланиши ана шу мақсадга хизмат қилган:

Жавру зулминг бўлғондур ман ҳазинға дам-бадам,  
Бешумору бешумору бешумору бешумор.

“Кўзнинг йўлда бўлиши” – ошиқ ахволи руҳиятини содда ва таъсирчан ифодалайдиган ибора. “Интизор” сўзининг такорори орқали ушбу иборанинг таъсир кучи янада ошган:

Ой киби фаррух жамолинг қўргали йўлингда қўз  
Интизору интизору интизору интизор.

Ушбу байтда ташбих (ой киби), сифатлаш (фаррух жамол) сингари бадиий санъатларнинг ҳам қўллангани шоир ифодаламоқчи бўлган фикрни ўқувчи қалбига шундок жойлагани кузатилади. Кейинги байт аввалгисидаги мазмунни давом эттириши баробарида ўқувчи кўз ўнгига образли тасвирни жонлантириши жиҳатидан ҳам қимматлидир:

Ноз ила сўрсанг самандинг сакратиб йўқ сен киби,  
Шаҳсувору шаҳсувору шаҳсувору шаҳсувор.

Висол – ошиқнинг олий мақсади. Барча дарду изтироб, жабру зулмга сабр қилиш замирида ана шу мақсад ётади. Унга эришгандагина ошиқ ўзини бахтиёр ҳисоблайди. Газалнинг мақтаъида ана шу фикр санъаткорона ифодаланган:

Васлинга йўл топса ҳар ким бўлгай ул Феруздек  
Бахтиёру бахтиёру бахтиёру бахтиёр.

Таъкидлаш керакки, ушбу ғазалдаги такрор ўқувчига заррача малол келмайди. Аксинча, шеърнинг оҳангдорлигини, мусиқийлигини ошириб,

мисралар жозибасининг ўқувчи қалбига оқиб киришини таъминлайди. Бу ҳол, ўз навбатида, Ферузнинг нечоғлиқ маҳоратли шоир бўлганини кўрсатади.

Ишқий лирикада талмех санъатини қўллаш – буюк тарихий шахслар, машхур адабий-бадиий образлар исмларини келтириш мумтоз шеъриятда ўзига хос анъана тусини олгани маълум. Ферузнинг буюк салафлари бўлган шоирлар ижодида талмех санъати билан зийнатланган байтлар алоҳида таъсир кучига эга эканлиги билан ажралиб туради. Бироқ бутун бошли ғазалнинг талмех санъати асосига қурилиши мумтоз шеъриятда нисбатан кам кузатиладиган ноёб ҳодиса. Ферузнинг қуйидаги ғазали бошдан-охир талмех санъати билан зийнатлангани жиҳатидан шеърий анъаналарнинг янгиланишига мисол бўла олади:

Лаъли ширинингни таъриф айлаб ўлмиш шаҳдком,  
Анвариу Фазлию, Хоқонийу Маснад мудом.

Чашми фаттонингна нарғисни нечук ташбеҳ этар,  
Сойибу Бедил, Ҳилолий, Ҳофизи ширинкалом.

Ваҳ, не янглиғ шарҳ қилғай оразинг тавсифини,  
Унсурию Асжадиу Фарруху Саъдий, Ҳумом.

Кўрса ҳуснунг Лайлию Ширинни васф этмас эди  
Хусравиу ҳам Навоий, Жомию Шайх Низом.

Ўхшатиб бўлмас янги ойға муқаввас қошларинг,  
Сайидою Нозиму Лутфий, Киромийу Хисом.

Сарвосо қоматинг васфин қилурда лол ўлур,  
Андабилу Равнақу Зийрак масиҳий хуш калом.

Огаҳиу Комилу Феруз, Холис, Чокаринг,

Рожиу Мирзою Акмал, Мунису Хокий, Ғулом.

Ушбу ғазал Ферузнинг шеъриятдаги даражаси баланд эканига далил бўла олади. Негаки, ҳар бир мисра мазмуни номи келтирилган ҳар бир шоирнинг ижодда эришган юксак мартабасига мос ва мувофиқ. Жумладан, ёрнинг “чашми фаттонини наргисга ташбех этиш” ноўрин экани ҳақида сўзлар экан, Феруз шеъриятда юксак санъаткорлик мақомига кўтарилилган Сойиб, Бедил, Ҳилолий ва Ҳофиз номларини тилга олади. Ўз ёрининг ҳуснда тенгсиз эканини васф этар экан, агар бу ҳусну малоҳатни қўрса, буюк хамсанавислар – Ҳусрав, Навоий, Жомий ва Низомий Лайлию Ширинни васф этишдан тўхтар эди, деган бадиий умумлашмага келади. Ғазалнинг сўнгги байти – мақтаъда шоирлар Чокар ва Ғулом номлари ҳам тахаллус, ҳам луғавий (қул, хизматкор) маъносида қўлланиб, ийҳом санъатининг бетакор намунасини яратади.

Шеърни бошдан-охир бир санъат асосига қуриш фақатгина бу ғазалда эмас, бошқа лирик асарларида ҳам учрайди. Бунинг исботи учун такрир санъати заминида ижод қилинган мана бу ғазални мисол сифатида келтириш мумкин:

Қилурман ютуб шавқи лаълингда қон,  
Фигону фигону фигону фигон.

Юзунг то мани зордин айладинг  
Ниҳону ниҳону ниҳону ниҳон.

Кўзумга қоронғудир ондин бери  
Жаҳону жаҳону жаҳону жаҳон.

Тиларман кўзунг фитнасидин мудом,  
Омону омону омону омон.

Эрур қошларинг ишқ эли қатлиға,  
Камону камону камону камон.

Гули хуснугга етмасун дахрдин  
Хазону хазону хазон.

Кел, эй шўх, Феруз кўксини қил  
Макону макону макону макон.

Эътибор берилса, ҳар бир байтда такрорланиб келган сўзлар ифода этилаётган мазмунни қучайтиришга, фикрнинг таъсир кучини оширишга, оҳангдорликни таъминлашга хизмат қилган. Ушбу сўзлар такорори ўқувчига заррача малол келмайди, аксинча, сатрдан сатрга ўтган сари бадииятнинг юксалишига, мазмуннинг теранлашувига, мисралар замиридаги фикрнинг таъкидлаб кўрсатилишига олиб келади. Бутун ғазал бошдан-охир ана шундай таъсирchan такрорга асослангани Ферузнинг шоир сифатида катта маҳорат эгаси бўлганлигидан дарак беради.

Саволу жавоб санъати мумтоз адабиётда алоҳида ўрин тутади. Атоуллоҳ Ҳусайнин фикрича: “Бу икки навъдур. Биринчи навъи улдурким, саволу жавоб бир кишининг каломинда бўлур, масалан, бир шеърда бир мисра савол, иккинчиси жавоб бўлур ёки бир байт саволу иккинчиси жавоб бўлур. Бу биринчи навъ араб фусаҳосиу ажам шуароси қошинда мўътабардур... Иккинчи навъи улдурким, саволу жавоб икки кишининг каломинда воқиъ бўлур. Бу навъ ажам шуароси орасинда оздур ва ани санъатқа киритмаслар”<sup>99</sup>. Феруз ғазалларидан бири бошдан-охир саволу жавоб санъати асосига қурилгани билан алоҳида ажралиб туради. Бу ғазал Атоуллоҳ Ҳусайнин айтган турларнинг биринчисига киради. Мана, ўша ғазал матни:

Дедим: «Кўзумни равшан эт меҳри жамолинг кўрсатиб!»

Деди: «Узорим ўтига жонинг нетарсан ўртатиб?!»

Дедим: «Тараҳҳум айлабон ҳолимға қил наззора»,

Деди: «Кўзум жонинг фигор этгуси ноз ўқин отиб».

---

<sup>99</sup>Ҳусайнин А. Бадойиу-с-санойиъ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – Б.189-190.

Дедим: «Висол ичра лабинг шаҳди менинг комим эрур».

Деди: «Санга бергум ани заҳри фироқ ичра қотиб».

«Дедим: «Лабингнинг шарбати ширинму ё кавсар суйи?»

Деди: «Бўлурму ҳар суйи оби бақоға ўхшатиб?!»

Дедим: «Недин эркан бугун олам муаттар бўлмоғи?»

Деди: «Сочимни тонг ели юз узра солмиш бутратиб».

Дедим: «Кўзунг бедор қил ноз уйқусидин, эй пари».

Деди: «Бу лаҳза фитнайи нойимни неткунг уйғотиб?!»

Дедим: «Кўзунгдин ўргилай, бир бўса бер Ферузға».

Деди: «Юзумни оғритур ҳар ён хатинг ниши ботиб».

Газалнинг биринчи байтида “узорим ўти” истиораси очқич жумла вазифасини ўтаган. Ёр жамолини кўриб, кўзини равшан этмоқ истаган ошиққа маъшуқанинг жавоби шундай бўлган: «Узорим ўтиға жонинг нетарсан ўртатиб?!» Яъни маъшуқа юзини кўргач, ошиқ жонига ўт тушиши тайин. Маъшуқанинг бу жавоби ошиқни синаш мақсадини кўзда тутган ёки уни огоҳлантириш мазмунини ҳам ифодалаган бўлиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда оз сўзда кўп маъно жамланган.

Кейинги байтда ҳам айни услуб давом эттирилгани кузатилади. Ошиқ: «Тарахҳум айлабон ҳолимға қил наззора», деса, маъшуқа кўзининг ноз ўқини отиб, ошиқ жонини фигор этишидан огоҳлантиради. Бу байтда ҳам саволу жавобдан ташқари “ноз ўқи” истиораси байт бадииятини оширган.

Энди ошиқ коми – мақсади маъшуқа лабининг шаҳди эканини айтади. Раҳм-шафқатдан йироқ маъшуқанинг жавоби эса мана бундай: Деди: «Санга бергум ани заҳри фироқ ичра қотиб». Бу байтда шоир саволу жавоб ва истиора (захри фироқ) санъатлари билан кифояланмай, тазод (лабинг шаҳди – заҳри фироқ) санъатидан ҳам маҳорат билан фойдаланади. Натижада байтда теран мазмун ва мукаммал бадиият уйғунлиги юзага келади.

Навбатдаги байтда шоир муболаға, истиора (лабингнинг шарбати) ва ташбех санъатини ҳам қўллаб, поэтик талқинни янги босқичга кўтаради. «Лабингнинг шарбати ширинму ё кавсар суйи?» деган саволга маъшуқанинг

жавоби бунинг исботидир. Маъшуқа ўз лабини оби бақога қиёслаб, унинг кавсар сувидан ҳам тотлироқ, афзалроқ эканини таъкидлайди.

Феруз кейинги байтда саволу жавоб ёнига ҳусни таълил санъатини ҳам кўшиб, бадиий тасвири мукаммаллаштиради. Яъни олам муаттар бўлмоғи сабабини сўраган ошиққа жавобан маъшуқа «Сочимни тонг ели юз узра солмиш бутратиб», дея лутф қилади. Кўзини ноз уйқудан уйғотмоқни сўраб қилган илтижосига эса фитнаи нойни уйғотмаслик заруратини айтиб огоҳлантиради.

Ушбу ғазалда бошдан-охир қўлланган саволу жавоб санъатининг моҳиятини замондош олимларимиздан Анвар Ҳожиаҳмедов: “...шеър мисраларида икки шахс, қўпинча ошиқ билан маҳбуба ўртасидаги савол ва жавобни акс эттириш усули”<sup>100</sup>, дея изоҳлади. Таъкидлаш керакки, бу усул Феруз шеъриятида бадиий хусусият даражасига кўтарилган. Шоир бир қанча ғазалларида бу усул имкониятларидан маҳорат билан фойдалангани кузатилади. “Феруз ғазалиётининг ажойиб хусусиятларидан бири шуки, – деб ёзди профессор Нусратулло Жумахўжа. – “саволу жавоби ошиқ ва маъшук” услугидаги ғазаллар кўп. Бу услугидаги ғазаллар Хива адабий мухитида Муҳаммадизо Огаҳий девонида асосий ўрин тутар эди. Феруз ушбу услугни устози Огаҳийга мухаббатдан орттириди”<sup>101</sup>.

Шоирнинг қўйидаги воқеабанд ғазали ҳам бошдан-охир савол-жавоб усулида ижод этилган:

Кулуб деди манга бу кеча дилдор:  
«Бўлубмусан манга асру гирифтор?»

Дедимким, «Ошиқи зорингман, оре,  
Нетайким, васлинга йўл бермас ағёр.

<sup>100</sup>Ҳожиаҳмедов А. Шеър санъатларини биласизми? – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б.15.

<sup>101</sup>Жумахўжа Н. Миллий мустакиллик мафкураси ва адабий мерос (XVII-XIX асрлар ўзбек шеърияти асосида): Филол. фан. д-ри... дисс. - Тошкент, 1999. – Б. 56.

Санга ағёр ҳамдам бўлса бир дам,  
Менинг бағрим бўлур афгору афгор.

Бу ҳолимни қўруб, қилғил тараҳҳум  
Бўлубман дарди ишқингдин басе зор...»

Табассум бирла дур сочиб сўзидин,  
Дедиким: «Не ғараз бу сўздин, эй ёр?»

Дедим: «Лаълингдин этгил бўса эҳсон»,  
Деди: «Бу нукта бордур асру душвор».

Кўруб ул дамда беҳад изтиробим,  
Деди: «Феруз, бўлгум санга ғамхор».

Ушбу шеърнинг аввалги таҳлил этилган ғазалдан фарқи шундаки, Маъшуқанинг кулиб берган «Бўлубмусан манга асру гирифторми?», деган синовчан саволидан кейин ошиқнинг дил изҳори анча батафсил берилган. Ошиқ изҳорида ағёрнинг ёр васлига йўл бермаётганидан изтироб оҳангига яққол сезилади. Ошиқ – маъшуқа – ағёр образлари учлиги иштирок этгани, ифоданинг самимийлиги, бадиий тасвир воситаларидан маҳорат билан фойдаланилгани ғазалнинг поэтик мукаммаллигини таъминлаган.

Ферузнинг сўз қўллаш маҳорати бекиёс. Баъзан бирор сўзни ўринли такрорлаш орқали ҳам мазмуннинг таъсир кучини ошириб юборади. Жумладан, “Санга ағёр ҳамдам бўлса бир дам, Менинг бағрим бўлур афгору афгор” сатрларида “афгору афгор” такорори бунинг ёрқин мисолидир. “Бу ихчам рухбоб ҳикоят тарзидаги воқеабанд ғазалдир, - деб ёзади профессор Нусратулло Жумахўжа. – Унда ошиқ ва маъшуқ мулоқоти ҳамда ширин сұхбатининг изчил тасвири мужассамлаштирилган. Ғазал мундарижаси уч босқичдан иборат. Биринчи босқичда маъшуқа ошиқдан раҳм-шафқат

юзасидан ҳол-аҳвол сўрайди. Иккинчи босқичда ошиқ маъшуқа ҳажридаги ағёр рақобатидаги зору ночор аҳволини шарҳлайди. Ўзининг вафо-садоқатини изхору исбот этади. Учинчи босқичда маъшуқа ошиқнинг изтиробларини тушунади, унинг фидойилигига ишонади ва ғамхўрлик ваъда этади. Газалнинг гоявий мазмуни самимий муҳаббат соҳиби, музтариб ҳасби ҳолини ёрига тушунтириб, шарҳлаб бера оладиган, садоқатли ошиқ вафога мұяссар бўлади, деган мантиқий хулосани таъминлайди”<sup>102</sup>.

Мазкур ғазаллар таҳлили Феруз шеъриятида муайян ғазалнинг бошдан-охир бир бадиий санъат асосида яратилиши ижоди принцип даражасига кўтарилиганини кўрсатади. Шоирнинг юксак маҳорат соҳиби эканини тасдиқлайди.

Умуман, Феруз лирикасида бадиий санъатлар шунчаки зийнат вазифасини ўтамай, поэтик шакл ва мазмун уйғунлигини таъминлаган. Шоир ижодий ниятининг тўлақонли ифода этилишида мухим восита бўлган.

**Бир шеърда бир қанча бадиий санъатлардан маҳорат билан фойдаланиш.** Бу хусусият Феруз ижодида етакчи ўрин тутишини таъкидлаш керак. Бадиий санъатларни қўллаш борасида шоир ўзига хос йўлдан борди ва юксак ижодий натижаларга эришди. Ижодкор лирикаси ана шу муаммо кесимида таҳлил этилганда, бир байтда бир неча санъатни маҳорат билан қўллаш орқали шеърнинг бадиий жиҳатдан юқори бўлишини таъминлагани кузатилади.

“Чиройли далиллаш” маъносини англатувчи хусни таълил санъати Шарқ шеъриятида ҳар бир шоир ижодида ўзига хос тарзда қўлланади, чуқур маъноли фикрни гўзал бадиий шаклда ифодалашда мухим аҳамият касб этади. Ферузнинг лирикасида хусни таълил санъатидан кенг фойдаланилган. Жумладан, қуйидаги байт ана шу санъатнинг бетакрор намунаси эканлиги билан алоҳида ажралиб туради:

---

<sup>102</sup>Жумахўжа Н. Миллий мустакиллик мағкураси ва адабий мерос (XVII-XIX асрлар ўзбек шеърияти асосида): Филол. фан. д-ри... дисс. - Тошкент, 1999. – Б. 57.

Сайри бοғ этсанг агар, эй сарвқадду гулбадан,

Сарв аёкингфа қўяр бош, чок этар гул пироҳан.

Яъни сарвқад, гулбадан ёр бοғ сайрига чиқар бўлса, унинг гўзаллигига маҳлиё бўлган, тан берган сарв оёғига бош уради, гул эса, унинг ҳусну малоҳатига ҳасад қилганидан ёқасини йиртади. Биргина “Ёр гўзалликда тенгсиз” деган фикрни далиллаш учун шоир ҳусни таълил санъати баробарида ташхис (*сарвнинг ёр оёғига боши қўйиши, гулнинг ёқасини йиртиши*), таносуб (*бοғ, сарв гул*) санъатларидан ҳам маҳорат билан фойдаланади. Бадииятнинг мукаммал намунасини яратади. Фикрнинг санъаткорона ифодасига далил бўла олади.

Ёки мана бу байтда шоир ташбеҳ санъати воситасида ёрнинг гўзалликда тенгсиз экани тасвиранади. Ёрнинг орази – ҳусн осмонининг қуёши, дея васф этилади. Латофат ичра ундан ҳам аъло экани санъаткорона таърифланади:

Ҳусн авжининг хуршидидур, эй моҳсиймо, оразинг,

Билким, латофат ичрадур ондин ҳам аъло оразинг.

Кейинги байтда ташхис (жонлантириш), сифатлаш (мусаффо ораз) сингари бадиий санъатлардан маҳорат билан фойдаланган шоир фикрни янада гўзал шаклда ифодалашга эришади:

Кун зоҳир айлаб инфиол ўлди шафақ ичра ниҳон,

Субҳи саодатдин тулувъ этгач мусаффо оразинг.

Яъни саодат тонгига маъшуқанинг мусаффо орази намоён бўлгач, кун ўзининг бунчалик нурафшон эмаслигидан хижолат чекиб, шафақ ичига яширинади. Байт яхлит ҳолда ҳусни таълил – чиройли далиллаш санъатининг нодир намунасидир.

Феруз шеърияти фақат мазмун жиҳатидангина эмас, бадиий тасвири воситаларининг хилма-хиллиги ва қўлланиш маҳорати билан ҳам алоҳида ажralиб туради. Маълумки, мумтоз шеъриятда ижодкорлар 120 дан ортиқ бадиий санъат турларидан фойдаланган. Шу жумладан, Феруз ҳам лирик асарларида бадиий санъатлардан маҳорат билан истифода этган. Мақсад Шайхзода ҳазрат Алишер Навоий шеърларини таҳлил этар экан, “Бадиий

санъатларни билиш шеърда мавжуд бўлган мураккаб образларни англашга ёрдам беради”<sup>103</sup>, дея таъкидлаган эди.

Феруз ижодида тажоҳул ул-ориф санъати маҳорат билан қўлланган. Атоуллоҳ Ҳусайнининг: “Тажоҳул ул-ориф андин ибораттурким, сўзлагувчи бир нимани билур, аммо бир нуқта билан ўзни билмагандек кўрсатур”<sup>104</sup>, деган таърифи ушбу санъатнинг моҳиятини ифодалайди. Шоирнинг ушбу санъат маҳорат билан қўлланган қўйидаги байти ана шу таърифга ҳар жихатдан мувофиқдир:

Тишларинг дурму бўлур зоҳир табассум айлагач,  
Хуққайи ёқут аро бир неча ахтарму экан?!

Шоир, аслида, ёр табассум айлаганда унинг тишлари дурдек оқ экани зоҳир бўлишини билади. “Қимматбаҳо тошлар солинадиган қутича”<sup>105</sup> маъносини англатувчи “ҳуққа” сўзи “ҳуққай ёқут” бирикмасида мажозан ёрнинг қизил лабини билдириши эътиборга олинса, ижодкор ана шу лаб ичидаги тишларни ахтар – яъни юлдузга қиёслайди. Лекин буни била туриб, савол аломати орқали ўзини билмасликка солади. Ушбу санъатни қўллашдаги ана шу хусусиятни адабиётшунос Анвар Ҳожиаҳмедов қўйидагicha ифодалайди: “Тажоҳули орифона қўлланган байтларда кўпинча маҳбуба қиёфаси қиёсий ҳолда тасвирланади, бир ёки бир неча нарсага ўхшатилади, лекин узил-кесил фикр билдирилмайди. Шоирнинг билиб билмасликка солиши шартли бўлиб, асл мақсад таъриф ёки тавсифдан, ёр қиёфасини мубоғали тарзда гавдалантиришдан иборат бўлади”<sup>106</sup>.

Мазкур ғазалнинг кейинги байтларида ҳам шоир ифодалаётган фикр ушбу санъат воситасида бадиий зийнатланади:

Оразидин тийра қулбам равshan этган бу кеча  
Моҳи анварму ва ё ул ҳури пайкарму экан?!

---

<sup>103</sup>Шайхзода М. Устоднинг санъатхонасида. /Асарлар. VI томлик IV том. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. – Б.224.

<sup>104</sup>Ҳусайнин Атоуллоҳ. Бадойиъу-с-санойиъ. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. –Б.132.

<sup>105</sup>Навоий асарлари лугати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. – Б. 782.

<sup>106</sup>Ҳожиаҳмедов А. Шеър санъатларини биласизми. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б.8.

Адабиётшунос Иқболов Адизованинг фикрича: “Тажоҳули ориф санъати шеърда фақат ташқи зийнатлаш вазифасини бажарибгина қолмайди. Балки қисқа ҳажмда кенг, чуқур ва сирли маъноларни етказиш қўламига ҳам эга. У матн ортида яширин, кўпқатламли мазмунни сирлар сандиқчаси каби ўз қобигида сақлайди”<sup>107</sup>. Феруз ғазалидан олинган юқоридаги байтларда айни хусусият кузатилади. Жумладан, иқтибос сифатида келтирилган байтда, ташқаридан қараганда, ёр юзи ошиқнинг қоронғу кулбасини ёритгани айтилиб, унинг нур таратган ойми ёки хури пайкарми экани сўралаётгандек таассурот қолдиради. Аслида эса, тажоҳули ориф санъати замирида ошиқ ва маъшуқанинг дийдорлашгани мазмуни яширган.

Элни ҳайрон айлаган, Феруз, ҳусниға сенинг

Дилбарингму ё бизинг сарву суманбарму экан?!

Ғазалнинг мақтаъида шоир ҳусни билан элни ҳайрон айлаган гўзалнинг ўз ёри экани ҳақидаги фикрни очиқ ифодаламай, билиб билмасликка олиш орқали “Дилбарингму ё бизинг сарву суманбарму экан?!” – дея гўзал бадиий шаклда талқин этади. Ушбу байтда фикр шарқона назокат билан ифодалангани жиҳатидан ҳам қимматлидир.

Феруз шеъриятида “...қасида ва ғазал учун хос бўлган ва шеърнинг семантик-синтактик структураси билан алоқадор шеърий санъат”<sup>108</sup> саналган **радду-л-матла** санъати ҳам маҳорат билан қўлланган. Адабиётшунос Ёқубжон Исҳоқов Алишер Навоий ғазалиёти таҳлилидан келиб чиқиб, ушбу санъатга қуидагича таъриф берган: “Радду-л-матла – ғазал ёки қасида матлаидаги мисралардан бирини кейинги байтлардан бири таркибида ёки мақтада муайян мақсад билан янгича стилистик аспектда такрорлаш санъатидир”<sup>109</sup>. Олим ушбу бадиий санъатнинг номланиши нисбий эканини, бу санъатда матла тўлиқ ҳолда эмас, балки одатда биринчи мисраси такрорланишини таъкидлайди. Ферузнинг бир қанча ғазаллари ана шу санъат

<sup>107</sup> Адизова И. Увайсий шеъриятида поэтик тафаккурнинг янгиланиши. Монография. Тошкент: Muharrir, 2020. –Б. 230.

<sup>108</sup> Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983. –Б.133.

<sup>109</sup> Ўша асар. – Б.133.

асосида ижод этилган. Жумладан, шоирнинг қуидаги ғазали ушбу санъатнинг гўзал намунасиdir.

Эй сабо, бергил хабар, оромижоним қайдадур?

Сарвқаду гулпираҳан, ғунчадаҳоним қайдадур?...

Топмадим ул гул висолидин хабар Феруздек,

Эй сабо, бергил хабар, оромижоним қайдадур?

Бу ўринда такрор мазмун тақозоси билан амалга оширилган бўлиб, муаллиф ижодий ниятини мантиқан изчил ва таъсирли ифодалашга хизмат қилган. Шоир матлада тансиқу-с-сифат (сарвқад-гулпираҳан-ғунчадаҳон) санъатини қўллаш орқали ёр суратини латиф сифатлар воситасида тасвирлайди. Мақта-байтда ёр висолидан бенасиб ошиқ кечинмалари таъсирчан талқин этилган.

Мумтоз шеъриятимизда, хусусан, Алишер Навоий лирикасида раддул-матланинг икки тури қўлланилган. Булар: 1) такрор матла билан иккинчи байтда; 2) матла билан мақта байтда. Феруз ғазалиётида бу санъатнинг фақат иккинчи тури қўлланилгани кузатилади. Қуидаги ғазалда радду-л-матланинг биринчи ва сўнгги мисраларда ифодалангани ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди:

Эй фалак, нетдим сани, душманлиғ изҳор айладинг,

Нотавон кўнглум туганмас ғамға дучор айладинг...

Бир йўли айланмайин Ферузнинг коми била,

Эй фалақ, нетдим сани, душманлиғ изҳор айладинг.

Маълумки, ҳар бир ғазалда етакчи ғоя аксар ҳолларда шоҳбайтда, баъзан бир неча байтда, айрим ғазалларда ҳаттоқи бир мисрада ҳам ифодаланиши мумкин. Радду-л-матла қўпинча ғазалдаги етакчи фикрни таъкидлаб, ургу бериб кўрсатишга хизмат қиласи. Чунки “...бу санъатнинг матла ва мақтадаги типи бошқача характерга эга: унинг вазифаси ғазалдаги етакчи фикрни ёки

фикр, тасвир билан алоқадор бўлган асосий объектни ёки унинг муҳим бир киррасини алоҳида таъкидлаб, бўрттириб кўрсатишдан иборат”<sup>110</sup>.

Юқоридаги ғазалда етакчи ғоя – фалақдан шикоят. Ғазалда ошиқ-маъшуқа-ағёр образлар учлиги ўртасидаги зиддият бутун мураккаблиги билан сувратланади. Лирик қаҳрамон фалак уни малаксиймо ҳабибидан айри этиб, ғулсурат, девсийратлар билан ёр айлагани учун ғам чекади. Ношод хотирини бир дам ҳам васл ила васл билан қувонтиrmай, доимо дарду фироқ аро зор этганидан изтиробини билдиради. Ҳажр тифидан жисмини бошдан-оёқ яро қилиб, зор жонини мاشаққат билан афгор айлаганидан куйинади. Висол давлатини ағёрга мұяссар кўриб, кўнглини меҳнату ҳажрға сазовор этганидан озор чекади. Лаби майгун, кўзи хумор ёр ҳижрони аро кўзларида қон ёшини равон, жонини бемор айлаганидан ҳасратини баён этади. Маълум бўладики, шоир радду-л-матла ҳисобланган мисрада ғазалнинг етакчи фикрини ифодалаган. Лирик қаҳрамоннинг кейинги изҳорлари ана шу етакчи фикрни тасдиқлашга, чуқурлаштиришга, мантиқий ниҳоясига етказишга хизмат қилган.

Феруз ижодида кўпинча бир ғазалда муайян бадиий санъат етакчилик қилиши ҳолати кузатилади. Бу ҳол, биринчидан, шоир ғазалларидағи бадиий тасвирининг ўзига хослигини кўрсатса, иккинчидан, тажоҳули ориф санъати ижодкор шеърларида фаол қўлланганидан дарак беради. Куйидаги ғазал матни ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди:

Гулшан ичра сарв ёхуд ул қади мавзунмудур?

Наргис эрканму ва ё ул чашми пурасунмудур?

Ёрнинг қадди сарвга, кўзи наргисга қиёсланиши мумтоз шеъриятда анъана экани маълум. Лекин ана шу анъанавий ташбеҳни тажоҳули ориф санъати воситасида оҳорли ифодалай олгани шоирнинг маҳоратига далилдир. Ушбу байтда, ташбеҳ ва тажоҳули орифдан ташқари, *гулшан*, *сарв*, *наргис* сўзлари ҳосил қилган таносуб ҳам байтга бадиий зийнат бағишилаган.

<sup>110</sup>Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983. –Б.133.

Ул гул олмишму қизил гул илкига бу боғ аро,  
Ё шаҳиди ишқ қонидин қўли гулгунмудур?

Байт яхлит ҳолда ҳусни таълил санъатига мисол бўла олади. Атоуллоҳ Ҳусайнинь бу санъатнинг моҳиятини: “...бир ниманинг бир сифатин иқрор қилурлар ва ул сифатни исбот қилиш учун ул ниманинг ўзига муносиб бир иллату сабабини келтирурларким, ҳақиқатда ул сабаб бўлмағай, лекин лутф эътибори била ани сабаб қилған бўлурлар”<sup>111</sup>, дея очиқлагани эътиборга олинса, ушбу байтда айни шундай тасвир берилгани кузатилади. Шоир гул (ёр)нинг боғда қўлига қизил гул тутиб турган ҳолатини лутф этиб, ишқ шаҳиди (яъни ошиқ) қонидан қўли гулгун бўлгани (қизаргани) билан изоҳляяпти. Бундан ташқари, байтда “гул” сўзининг икки ўринда бошқа-бошқа маънода қўлланиши орқали тажниснинг гўзал намунаси яратилган. “Гул”, “боғ” сўzlари ҳосил қилган таносуб шоирнинг бир байтда бир вақтнинг ўзида бир неча санъатни маҳорат билан қўллай олишига далил бўла олади.

Гул нечук гулгун юзунга ўзни монанд айлагай –  
Ким, онинг ранги юзунгдин дам-бадам афзунмудур?

Бу байтда ҳам поэтик мазмун яхлит ҳолда ҳусни таълил санъати асосига қурилган. Гул ўзини ёрнинг гулгун юзига қиёслагани шоирнинг эътиrozига сабаб бўлади. Унинг фикрича, гулнинг гўзаллиги ёр юзидан ранг олгани сабаблидир. “Гул” ва “гулгун” сўzlари ҳосил қилган иштиқоқ, “гулгун” ва “юзунга” сўzlари ифодалаган сифатловчи-сифатланмиш муносабатлари байтнинг юксак бадииятини таъминлаган.

Гул уза шабнамму ёҳуд булбул ашки ҳажридин  
Гул боши узра нисор ўлғон дури макнуунмудур?

Бутун бошли ғазал матнини тўлиқ ёки аксар байтларини бир санъат асосига қуриш – Феруз шеъриятининг хос хусусиятларидан. Ушбу таҳлил этилаётган ғазал иккинчи турга мансуб. Яъни аксар байтлари, жумладан ушбу байт ҳам яхлит ҳолда ҳусни таълил санъатнинг бетакрор намунаси бўлиб

---

<sup>111</sup>Ҳусайнин Атоуллоҳ. Бадойиъ-с-санойиъ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – Б.138.

келган. Устига шабнам тушган гул – шоир буни хусни таълил асосида чиройли далиллайди: у бамисоли ҳажр азобида қийналган булбул кўзёшидан гул бошига сочқи бўлган сара дурлардир. Бундан ташқари, “гул” ва “булбул” сўzlари ҳосил қилган таносуб ҳам байтнинг бадиий мукаммалигини таъминлашга хизмат қилган.

Буки, тинмай гулшан ичра нола айлар андалиб,

Ул дағи бир гул ғамидин ман киби дилхунмудур?

Ғазалнинг ушбу байтида “гулшан”, “андалиб”, “гул” сўzlари асосига курилган таносуб санъати асосий ўринда туради. Шоирнинг маҳорати шундаки, байтда “гул” сўзини бир вақтнинг ўзида икки маънода қўллаб, ийҳом санъати воситасида ҳам фикрнинг бадииятини юксалтирган. Биринчи маъноси: у (андалиб – булбул) ҳам мен каби бир гул ғамидан бағри қонми? Иккинчи маъноси: у ҳам мен каби бир гул (гулюзли ёр) ғамидан бағри қонми?

Таъкидлаш керакки, гул тимсоли Ферузгача бўлган даврдаги адабиётимизда ҳам етакчи ўрин эгаллагани маълум. “Ўзбек мумтоз шеъриятида асарга лирик оҳанг ва нозик мазмун бағишлишада гул тимсоли, унинг рамзий маънолари фавқулодда катта роль ўйнаган. Айниқса, Алишер Навоий назмида бадиий тимсол хусусиятлари яққолроқ намоён бўлган. Бадиий тасвир усуллари ёрдами билан ошиқ қиёфаси, ички олами, қалбида мавж урган эҳтирослари таъсирчан, жозибали ифодаланган”<sup>112</sup>.

Дўстлар, Лайлини гулрўйимга ташbih айламанг –

Ким, онинг девонаси мен зордек Мажнунмудур?

Ушбу байтда талмех энг асосий бадиий санъат сифатида образли тасвир муваффақиятини таъминлаган. Лирик қаҳрамон гулрўйини Лайлига ташbih этмасликни сурайди. Ўзининг ёр кўйида девоналиги Мажнундан ҳам ўтганини таъкидлайди. “Дўстлар” ундалмаси ифодалаган нидо, “мен зордек Мажнунмудур” жумлаларидаги ташbih санъатлари мазмуннинг таъсирчан, байтнинг бадиий жиҳатдан юксак бўлишини таъминлаган. Поэтик мазмун ва

<sup>112</sup>Ўтанова С. Мумтоз шеъриятида гул ва ранг тасвири. /Мумтоз адабиёт масалалари. –Тошкент, 2006. –Б.92.  
98

шакл уйғунлигига эришишда бир вақтнинг ўзида бир неча бадиий санъатларни маҳорат билан қўллай олгани ижодкорлик салоҳиятининг асосий шартларидандир. Феруз ана шу даражага кўтарила олган шоир.

Ғазалнинг мақтаьсида матлаъда бошланиб, мантиқий изчиллиқда ривожланиб келган бадиий тасвир поэтик умумлаштирилади:

Эй кўнгул, ул гул висоли ичра шод эткан сани,  
Бахти Ферузингму ёхуд гардиши гардунмудур?

Яъни шоир ўз кўнглига мурожаат қиласи ва ул гул (ёр) висоли ила сени шод этган Ферузлик бахтими ёки айланиб турувчи фалакнинг ишими, дея хулоса қиласи. Эътибор берилса, бу хулоса савол аломати билан яқунланади. Аслида, ғазал бошдан-охир саволлар билан келади. Уларнинг айримлари риторик сўроқ экани, яъни саволнинг ўзидан жавоби англашилиши назарда тутилса, бундай ифода тарзи ижодкор услуги даражасига ўсиб чиққани аён бўлади.

Ушбу ғазал нафақат бадиий санъатлар қўлланиши борасида шоир маҳоратини кўрсатади, балки Ферузнинг ишқ борасидаги қарашлари моҳиятини ифодалагани билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

### **3.2. Ижодкор шеъриятида аruz ва қофия**

Шарқ мусулмон халқлари адабиётида бўлгани каби ўзбек мумтоз адабиётида ҳам аruz вазни ижодкор маҳоратини белгилайдиган муҳим адабий-эстетик омиллардан биридир. Чунки “...шеърий асарда танланган вазн ва шоирнинг ундан фойдаланишдаги маҳоратини кашф этиш ижодкорнинг бадиий салоҳияти даражасини белгилашга имкон бериши шубҳасиз. Зоро, ҳар қандай шеърий асарда вазн тасодифий танланмайди. Ижодкор ўз ғоявий-бадиий ниятидан келиб чиқсан ҳолда ўзи ифодаламоқчи бўлган ғоялар, тасвиirlамоқчи бўлган лирик ёки эпик тимсоллар, асарда акс эттириувчи воқеалар, ҳиссиётларни юксак бадиият билан жилолантиришга қўл келадиган

шеърий ўлчовларга мурожаат этади, уларнинг ритм-оҳанг имкониятлари заминида таъсирчан, мазмундор ва нафис мисралар, байтлар, бандлар яратади”<sup>113</sup>. Муҳаммад Раҳимхон Феруз ҳам шеърларида аruz вазни имкониятларидан самарали фойдаланди.

Ферузнинг “Элга шоҳу ишққа қул” тўпламидан ўрин олган шеърларида арузнинг рамал (47 ғазал, 3 мусаддас), ҳазаж (25 ғазал, 1 муҳаммас, 1 маснавий), ражаз (13 ғазал, 1 муҳаммас), мутакориб (3 ғазал, 1 маснавий), музориъ (3 ғазал), мунсарих (1 ғазал), мужтасс (1 ғазал), хафиф (1 маснавий) сингари саккиз баҳрига доир ижод намуналари учрайди. Шоир ўзбек мумтоз шеъриятида фаол қўлланган вазнлар қатори кам учрайдиган вазнларда ҳам шеърлар ёзган. Бу эса, шоирнинг, биринчидан, аruz илмини мукаммал эгаллаганидан далолат берса, иккинчидан, назарий билимларини ижода маҳорат билан қўллай олганини кўрсатади.

Юқоридаги статистик маълумотдан ҳам кўриниб турибдики, Феруз шеъриятида энг қўп қўлланган баҳр бу – рамал. Шоир ғазалларининг аксари – 34 таси *рамали мусаммани маҳзуф* вазнида битилган. Биргина мисол:

Ёр саркаш, чарх золим айлади бағримни хун,  
Бири бўлсун ром, ё Раб, бири бўлсун сарнигун.

Тақтиъси қуйидагича:

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
– V – – / – V – – / – V – – / – V –

Ҳазрат Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асарида ушбу вазннинг мусиқий ва адвор илмига бениҳоя мувофиқ экани айтилган<sup>114</sup>. Бобур “Мухтасар” асарида ушбу вазн ҳақида мана бундай ёзади: “Бу вазн форсийда ва туркийда кўп шойиъдур. Мавлоно Абдураҳмон Жомий бу вазнда бисёр айтибтур. Мир Алишер Навоийнинг худ жамиъ ўзга вазнда айтқон ашъори била бу вазнда айтқон ашъорининг лошаҳ борғай. Султон Ҳусайн Мирзонинг

<sup>113</sup>Хожиаҳмедов А. Аruz лугати. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б.4.

<sup>114</sup>Каранг: Алишер Навоий. Мезон ул-авzon. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги НМИУ, 2011. – Б.581.

девонида ушбу вазндан ўзга вазн йўқтур”<sup>115</sup>. Арузшунос Дилнавоз Юсупованинг аниқлашича: “Рамали мусаммани маҳзуф вазни туркий шеъриятда энг кўп қўлланилган бўлиб, “Хазойин ул-маоний”даги 2600 ғазалдан 1101 таси ушбу ўлчовда битилган”<sup>116</sup>. Феруз шеъриятида ушбу вазндан энг кўп ва самарали фойдаланилгани сабабини ҳам, бизнингча, шунинг билан изоҳлаш мумкин.

Шоир шеъриятида энг кўп қўлланган вазнлардан яна бири ҳазажи мусаммани солимдир. Ижодкорнинг “Элга шоҳу ишққа қул” тўпламидаги ғазалларидан 14 таси ва 1 та мухаммаси айни шу вазнда ёзилгани бунинг исботидир. Шоирнинг қуидаги матлаъли ғазали бунга мисол бўла олади:

Етар ҳар дам ситамлар жонима ул чархи гардондин,

Кўнгулни асрой олмасман туну кун оҳу афгондин.

Тақтиъси қуидагича:

Мафоийлун мафоийлун мафоийлун мафоийлун

V – – – / V – – – / V – – – / V – – –

Профессор Анвар Ҳожиаҳмедовнинг аниқлашича: “Ҳазажи мусаммани солим вазни Алишер Навоий “Хазойин ул-маоний”сида анча кенг қўлланиб, ушбу баҳр вазнлари ичида биринчи ўринни эгаллайди”<sup>117</sup>. Худди шу фикрни Феруз шеъриятига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Шоир ҳазажи мусаммани ахраб вазнида 1 та, ҳазажи мусаммани аштар вазнида 2 та, ҳазажи мусаддаси маҳзуфда 4 та, ҳазажи мусаддаси мақсурда 2 та ғазал битгани ҳолда ҳазажи мусаммани солим вазнида 14 та ғазал битган.

Феруз шеъриятида фаол қўлланган ва бу жиҳатдан баҳрлар ичида учинчи ўринда турувчиси ражаздир. Шоирнинг 13 ғазал, 1 мухаммаси ана шу баҳрда ижод қилинган бўлса, улардан 10 таси *ражази мусаммани солим* вазнида битилган. Мисол сифатида шоирнинг қуидаги матлаъли ғазалини келтириш мумкин:

---

<sup>115</sup>Бобур. Мухтасар (Нашрга тайёрловчи Сайдбек Ҳасан). – Тошкент: Фан, 1971. – Б.145-146.

<sup>116</sup>Юсупова Д. Аруз ва мумтоз поэтикага кириш. – Тошкент: Akademnashr, 2020. – Б.44.

<sup>117</sup>Ҳожиаҳмедов А. Аруз лугати. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б.202.

Рухсорин очиб бир пари келди бу тун базмим аро,  
Боштин оёқи бор экан меҳру вафо, нозу адо.

Тақтиъси қуйидагича:

Мустафъилун мустафъилун мустафъилун мустафъилун  
— — V — / — — V — / — — V — / — — V —

“Ушбу ўлчовнинг адабиётимизда қачондан бошлаб қўлланганини аниқ айтиш қийин, – деб ёзади Анвар Ҳожиаҳмедов. – Шуни таъкидлаш лозимки, XIV аср иккинчи ярми – XV аср бошида яшаб ижод этган Атоий, Саккокий, Гадоий, Лутфий каби шоирларнинг барчаси ўз асарларининг бир қисмини мана шу ўлчов асосида яратганлар. Алишер Навоий ўзининг 9 ғазалини ушбу ўлчов асосида битган эди”<sup>118</sup>. Ражази мусаммани солимда ёзилган ғазаллари Ферузнинг аruz вазни бўйича ҳам буюк салафлари ижодий анъаналарини муносиб давом эттирганидан далолат беради.

Феруз шеъриятимизда нисбатан кам қўлланилган вазнларда ҳам шеърлар ёзди. Алишер Навоийгача ўзбек мумтоз шеъриятида учрамайдиган мужтасси мусаммани маҳбуни мақтуъи мусаббағ вазнида ҳам ғазал битгани шоирнинг арузга алоҳида эътибор берганини кўрсатади. Ферузнинг “Элга шоҳу ишққа кул” тўпламидаги ғазалларидан факат 1 таси ана шу вазнда ижод этилган.

Мана, ўша ғазалнинг матлаъ байти:

Қачонки айласа ул Исойи замона ҳадис,  
Ўлук баданға берур умри жовидона ҳадис.

Тақтиъси қуйидагича:

Мафоилун фаилотун мафоилун фаълон  
V — V — / V V — — / V — V — / — ~

Анвар Ҳожиаҳмедов фикрича: “Мазкур вазн шеъриятимизга дастлаб Алишер Навоий томонидан киритилган, дейиш мумкин. Чунки унгача бўлган шеъриятда ушбу ўлчов учрамайди. Алишер Навоий “Хазойин ул-маоний”даги

<sup>118</sup>Ҳожиаҳмедов А. Аруз лугати. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б.107.

50 ғазали ва 6 қитъасини шу ўлчов асосида яратган эди. Кейинги асрларда ушбу ўлчов бошқа шоирлар томонидан ҳам қўлланди”<sup>119</sup>. Олим ушбу вазнга ҳазрат Алишер Навоийдан ташқари Мунис ва Фурқат ғазалларидан мисол келтиради.

Феруз мутақориб баҳрида жами 3 та ғазал ва 1 маснавий ёзган бўлиб, шоир ғазалларидан бири ўзбек мумтоз шеъриятида жуда кам қўлланган вазнлардан бўлган *16 руқни мутақориби асламда* битилгани диққатга сазовордир. Дилнавоз Юсупованинг ёзишича: “Мазкур вазнда ёзилган шеърнинг ҳар мисрасида саккизта руқн иштирок этиб, бир байт жами ўн олти руқндан иборат бўлади. Бундай шеърлар мутатаввал (арабча “узун”) руқни шеърлар деб аталади. Одатда, мумтоз шеъриятимизда бир байт кўпи билан саккиз (мусамман) руқни бўлади. Агар байт 8 руқндан ошса, у мутатаввал ҳисобланади”<sup>120</sup>.

Феруз ғазалининг матлаи қуйидагича:

Ўлмакка етдим ҳижрон ғамидин, ҳолимға эт раҳм, эй сарвиқомат,  
Қаддинг ниҳоли боди хазондин бўлсун, илоҳо, доим саломат.

Тақтиъси қуйидагича:

фаълун фаулун фаълун фаулун фаълун фаулун фаулун  
– – / V – – / – – / V – – / – – / V – – / – – / V – –

Шоирнинг “Элга шоху ишққа қул” тўпламидан ўзбек мумтоз шеъриятида кам қўлланган яна бир вазн – *мунсариҳи мусаммани матвийи мавқуфда* ёзилган бир ғазал ўрин олган. “Ушбу ўлчовга илк бор Алишер Навоий мурожаат қилган эди, – деб ёзади Анвар Ҳожиаҳмедов. – Ана шу ўлчовнинг халқ қўшиқлари вазнига ҳамоҳанглиги шоир эътиборини ўзига тортганди”<sup>121</sup>.

Ҳақиқатан, ҳазрат Алишер Навоий “Мезон ул-авзон” асарида ушбу вазн ҳақида мана бундай ёзгани маълум: “Яна «чинга»дурким, турк улуси зуфоғ ва

<sup>119</sup>Ҳожиаҳмедов А. Аруз лугати. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б.74.

<sup>120</sup>Юсупова Д. Аруз ва мумтоз поэтикага кириш. – Тошкент: Akademnashr, 2020. – Б.130.

<sup>121</sup>Ҳожиаҳмедов А. Аруз лугати. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б.84.

қиз кўчурур тўйларида ани айтурлар, ул сурудедур бағоят муассир ва икки навъдур. Бир навъи ҳеч вазн била рост келмас ва бир навъида бир байт айтилурким, мунсариҳи матвийи мавқуф баҳридур ва ёр-ёр лафзини радиф ўрнига мазкур қилурлар, андоқким,

б а й т:

Қайси чамандин эсиб келди сабо, ёр-ёр,  
Ким дамидин тушти ўт жоним аро, ёр-ёр?”<sup>122</sup>

Ферузнинг қуидаги матлаъли ғазали ана шу вазнда ёзилган:

Ҳар сўзида фош этар ул бути танноз ноз,  
Бўлмуш анга гўйиё ҳамдаму ҳамроз ноз.

Тақтиъси қуидагича:

Муфтаилун фоилун муфтаилун фоilon  
– V V – / – V – / – V V – / – V ~

Ўзбек мумтоз шеъриятида кам қўлланган бу каби вазнларда ғазаллар битгани Ферузнинг аruz қоидаларини нечоғлиқ мукаммал билишдан ташқари, шеърий ижодда санъаткорона қўллай олганини ҳам кўрсатади.

Мумтоз шеъриятда қофия асар бадииятини, ижодкор поэтик маҳоратини белгиловчи муҳим омиллардандир. Чунки қофия шеърнинг оҳангдорлигини таъминлабгина қолмай, лирик асарда ижодкор ифодалаган фалсафий мазмунни, образлар оламини ўқувчи қалбига таъсир этадиган, жозибали этиб етказиш воситаси ҳамдир. Шайх Аҳмад Тарозий фикрича: “Шеърнинг асли қофия. Ва қофиясиз шеър мумкин эрмас... Ва зурафо байтни хаймаға нисбат қилибурлар ва қофияни сутунга. Яъни сутун бирла барпойдур”<sup>123</sup>. Мумтоз шеърият назариётчисининг бу фикрлари мумтоз шеъриятда қофиянинг ўрни нечоғлиқ муҳим экани исботидир. Шунга кўра, шоирнинг бадиий маҳоратини белгилашда, қайси жанрда ёзилган бўлмасин, шеърларида қофиядан санъаткорона фойдалана билиши асосий омилларидан ҳисобланади.

<sup>122</sup>Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги НМИУ, 2011. – Б.582.

<sup>123</sup>Шайх Аҳмад ибн Худойод Тарозий. Фунуну-л-балога. –Тошкент: Хазина, 1996. – Б.43.

Замондош олимларимиздан профессор Анвар Ҳожиаҳмедов мумтоз бадииятнинг асосларидан бўлган қофиянинг аҳамиятини қўйидагича таърифлайди: “Ижодкорнинг салоҳияти шеърларда қўллаган қофияларнинг ғоялар моҳиятини, тимсоллар қиёфасини очишдаги аҳамияти, қофия учун танланган сўзларнинг маънавий теранлиги, оҳангдорлиги, жило ва жозибаси билан ҳам белгиланган. Қофиянинг хилма-хил турлари ва санъатларидан, вазн ва қофия муносабатларидан ўринли фойдаланиш шоир маҳоратининг мухим жиҳатларидан бири ҳисобланган”<sup>124</sup>. Феруз лирик мероси қофия қўллаш нуқтаи назаридан ҳам тадқиқотлар учун бой материал беради.

Қофиянинг асоси равий ва у барча қофияланувчи сўзлар таркибида айнан такрорланиб келиши зарурлиги эътиборга олинса, Феруз шеъриятида ана шу назарий қоидага тўлиқ амал қилингани кузатилади. Масалан, қўйидаги ғазалда “н” ундоши равий бўлиб келган:

Ул ой васфини вирд этсам забонда,  
Неча йиллар адo бўлмас баёнда.  
Дебон маъшуқинг асру бевафодур,  
Манга кўп таъналар айлар жаҳонда.

Ғазалнинг кейинги байтларида қофиядош бўлиб келган “жонда”, “фиғонда”, “қаёнда”, “маконда”, “замонда” сўзларининг барчасида равий “н” ундошидир.

Маълумки, ўзак таркибига кўра қофияларнинг тўрт тури фарқланади:

1. Мужаррад қофия.
2. Мурдаф қофия.
3. Муқайяд қофия.
4. Муассас қофия.

Қайси тури қўлланишидан қатъи назар, мумтоз адабиётда қофия шеърнинг асосларидан бири сифатида аҳамиятлидир. Филология фанлари доктори Дилнавоз Юсупова фикрича: “Қофия мумтоз шеършуносликда вазн

---

<sup>124</sup>Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б.195.

каби шеърий рукнни вужудга келтирувчи асосий унсур саналиб, унинг байт сўнгига қўлланилиши зарурий талаблардан бири бўлган”<sup>125</sup>.

**Мужаррад қофия.** Феруз шеъриятида қофиянинг бу туридан кенг фойдаланилган. Маълумки, “якка”, “ёлғиз” маъноларини ифодаловчи мужаррад қофиянинг ҳам икки тури ажратилади. Биринчиси, “...равий чўзиқ унлидан иборат бўлиб, ана шу чўзиқ унлидан бошқа бирор ҳарф иштирок этмайди”<sup>126</sup>. Жумладан, қуйидаги ғазал бунга мисол бўла олади:

Рухсорин очиб бир пари келди бу тун базмим аро.

Бошдин оёқи бор экан меҳру вафо, нозу адо.

Ғазалдаги “аро”, “адо”, “жафо”, “жудо”, “субҳу масо”, “дилкушо”, “муддао” сўзлари сўнгига келган “о” равийси чўзиқ унли ҳисобланиб, қофиядош сўзлар шу ҳарф билан тугаган. Қофия ушбу ғазалда лирик қаҳрамон кечинмалари ифодасининг оҳангдорлигини, таъсир кучини оширган. Муаллиф ижодий ниятининг ўқувчи онги ва қалбига етиб боришини таъминлашга хизмат қилган.

Чиқса фалакка ҳар сахар оҳу фифоним, не ажаб,

Айлар фузуроқ ҳар кеча ул ой менга жавру жафо.

Билмон, не офат эрди ул бўлгоч назарга жилвагар,

Ақлу хирад, ислому дин ўлди бори мендин жудо.

Ушбу байтларда “жафо”, “жудо” қофиядош сўзлари айрилиқ ва унинг ошиқ руҳиятига таъсирини теран ифодалаган. Кўчирма қилинган дастлабки байтда ул ой – маъшуқанинг жавру жафоси ҳар кеча орта боргани боис ошиқнинг оҳу фифони ҳар сахар фалакка етса ажабланмаслик кераклигини ифодалашда қофиядош сўзнинг ўрни алоҳида. Кейинги байтда қофиядош “жудо” сўзи замиридаги маъно янада фожеий ва таъсирчанроқдир. Негаки, ёр назари жилва қилганда, ошиқ нафақат ақлу хираддан, ҳатто ислому диндан ҳам жудо бўлган. Шунинг ўзиёқ қофиянинг ғазалнинг асосий унсурларидан эканига далил бўла олади.

<sup>125</sup>Юсупова Д. Аруз ва мумтоз поэтилага кириш. – Тошкент: Akademnashr, 2020. – Б.289.

<sup>126</sup>Хожиахмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 197.

Қофиянинг кучи шундаки, “субху масо”, “дилкушо” қофиядош сўзлари таъсирида ғазалнинг аввалги байтларидаги фожеий тасвир умидбахш ифода билан алмашина боради. Кейинги байтлар мазмуни ушбу фикрни тасдиқлади:

Жонинг учун ҳар дам манга кўргуз тараҳҳум, эй пари –  
Ким, сабру тоқат қолмади жавринг чекиб субху масо.  
Ойдек юзунгнинг партави тушсун каро кулбамга ҳам,  
Кўйғил қадам, эй маҳлиқо, очиб узори дилкушо.

Газалнинг лирик қаҳрамон кўнглидаги некбин ният билан якунланишида ҳам қофия асосий ўрин тутади. Мақтаъ-байтдаги қофияни ташкил этган “муддао” сўзи ана шу мақсадга хизмат қилганини таъкидлаш керак:

Не суд, толеъ бўлса гар юз ою кун, ҳар субху шом,  
Невчунки бор Ферузга меҳру жамолинг муддао.

Мужаррад қофиянинг иккинчи турида “...равий ундош билан якунланиб, ундан олдин қисқа унли келади. Бунда қисқа унли “тавжих” деб юритилади”<sup>127</sup>. Феруз лирикасида бу турдаги қофиялар кенг қўллангани кузатилади. Жумладан, “Ё Раб” радифли ғазалнинг қофияланиш тартиби бунга мисол бўла олади:

Етушти ҳажридин жонимға юз ранжу алам, ё Раб,  
Кўруб ҳолимни, кам қилмас манга бир дам ситам, ё Раб.

Ушбу байтда “алам”, “ситам” сўзлари ўзаро қофиядош бўлиб, “м” ундоши равий, “а” қисқа унлиси эса “тавжих” саналади. Мужаррад қофиянинг асосий шарти қофиянинг равий ҳарфи билан тугалланишидир. Шунга кўра, ушбу ғазал ана шу турдаги қофияга мисол бўла олади.

Газалнинг кейинги байтларида “ғам”, “карам”, “субҳидам”, “санам”, “Жам”, “кам” сўзлари қофиядош бўлиб келган. Қофия байтдан байтга ўтган сари лирик қаҳрамон аҳволи руҳиясини мантикий изчилликда, таъсирчан

---

<sup>127</sup>Юсупова Д. Аруз ва мумтоз поэтикага кириш. – Тошкент: Akademnashr, 2020. – Б.290.

ифодалашга хизмат қилган. Теран мазмун ва шакл уйғунлиги ғазал бадиияти юксак бўлишини таъминлаган.

Дастлабки байларда қофия бошқа бадиий унсурлар билан биргаликда ёр ҳажрида дард чеккан ошиқ ҳолатини ўқувчи кўз ўнгида яққол сувратлантиради:

Висоли орзусида ўтурдим субҳ ила шомим,  
Муяссар бўлмади ҳижронида жуз дарду ғам, ё Раб.  
На қолди тоб жисмимда, на тоқат зор кўнглумда.  
Етур эмди висолиға ўзунг айлаб карам, ё Раб.

Аввалги байтда “ғам” сўзи воситасида ҳижрон изтироби тасвири етакчилик қилган бўлса, кейинги байтдаги унга қофиядош “карам” сўзи орқали ғазал мазмuni умид сари йўналтирилади. Бу эса, ўз навбатида, қофиянинг маънога таъсирини таъминлашда Ферузнинг нечоғлиқ маҳоратли эканини кўрсатади.

Кейинги байтларда қофия воситасида умид мазмuni муножот рухи билан алмашинади. Чунки ошиқ орзуси фақат Раб – оламлар тарбиячисининг ёрдамидагина ушалмоғи мумкин. “Субҳидам”, “санам” қофиядош сўzlари ана шу мақсадга хизмат қилган:

Сочи савдосида доим қоронғудур манга олам,  
Менинг бу шоми ҳижронимга еткур субҳидам, ё Раб.  
Жаҳоноро жамолидин менинг базмимға ҳам бир тун  
Етургайму экан равшанлиғ ул маҳваш санам, ё Раб.

Ошиқнинг “Жам” қофиядош сўзи орқали ифодаланган мана бу орзуси, унинг кўнглидаги ишқнинг даражаси нечоғлиқ баланд эканини кўрсатиши жиҳатидан аҳамиятлидир:

Агар лутф айлабон ўз илки бирла берса бир соғар.  
Кўнгулда қолмас эрди орзуйи жоми Жам, ё Раб.

Ғазалнинг мақтаъ байтидаги “кам” қофиядош сўзи ошиқ рухиятига ҳар жиҳатдан мувоғиқ экани билан қимматлидир. Натижа умид ва чорасизлик ўртасида қолган лирик қаҳрамон кечинмаси таъсирчан ифодаланган:

Не янглиғ сабр қилсун ул қуёш хижронида Феруз,  
Зиёд айлар жафосин, айламас бир зарра кам, ё Раб.

**Мурдаф қофия.** “Равий ҳарфидан олдин чўзиқ унлилардан бири келган қофия **мурдаф (ридфли) қофия** деб номланади. Чўзиқ унлиниңг ўзи эса **ридф** деб аталади”<sup>128</sup>. Равийдан олдин келган чўзиқ унли *ридфи аслий*, равий билан ридфи аслийниңг ўртасида келган ундош *ридфи зойид* деб юритилади<sup>129</sup>. Феруз ғазалиётидаги қофияниңг бу тури кенг қўлланган. Жумладан, қуйидаги матлаъ билан бошланган ғазал қофияниңг ана шу турига мисол бўла олади:

Зулфи мушкинини ул ой айлади юзга ниқоб,  
Ошиқи бечораларниңг кўзини қилди пуроб.

Шоирниңг “Элга шоҳу ишққа қул” номли тўпламида “ошиқи бечоралар” изофаси “ошиқи бечоралар” тарзида хато табдил этилган. Ҳолбуки, “Ошиқи бечоралар” дейилса, ошиқлар ва бечоралар деган икки тоифа ҳақида фикр юритилаётган бўлиб қолади, образ хиралашади. “Ошиқи бечора” дейилганда эса ўқувчи кўз ўнгига таъсирли образ – чорасиз ошиқ образи келади.

Ушбу байтда “ниқоб”, “пуроб” қофиядош сўзлари сўнгидаги “б” ундоши равий, ундан аввалги “о” чўзиқ унлиси эса ридфи аслий ҳисобланади. Натижада оҳангдорлик кучайиши баробарида ўқувчи кўз ўнгига яққол намоён бўладиган бадиий тасвир яратилган. Юзини мушкин зулфи билан тўсган ёр ва шу боис маъшуқа дийдорини кўришдан маҳрум қолган бечора ошиқларниңг кўзлари ёшга тўлиши – чинакам таъсирчан бадиий лавҳа.

Оташин рухсори устида муанбар кокили,  
Ўтға тушган қил масаллик қилғусидур печу тоб.

Ушбу байт Ферузниңг бадиий тасвир яратиш борасида юксак санъаткор даражасига қўтарилиганидан далолат беради. Байтдаги “печу тоб” сўзи қофиядош сўзлар билан боғлиқликда поэтик тасвир мукаммаллигини ҳосил қилган.

<sup>128</sup>Хожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 197.

<sup>129</sup>Юсупова Д. Аруз ва мумтоз поэтикага кириш. – Тошкент: Akademnashr, 2020. – Б.290–291.

Ғазалнинг кейинги байтларидаги “хоб”, “ҳисоб”, “кабоб”, “дурри ноб”, “шароб” сўзлари ҳосил қилган мураддаф қофия ифодаланаётган фикрнинг мантиқий изчиллигини, ифодага мос оҳангни, бадиий сўзнинг таъсир кучини таъминлашга хизмат қилган.

Мақтаъ-байт орқали ғазалга аввалги сатрлар тагматнида бўлса-да, очик-ойдин ифодаланмаган рақиб образи кириб келади:

Солибон Ферузни кўздин йироқ, эй нозанин,

Ғайр ила суҳбат тузуб ичкунгдуур гулгун шароб.

Газалдаги мурдаф қофия ошиқ-маъшуқа-рақиб учлиги билан боғлик ишқий кечинмаларни бор мураккаблиги даражасида мукаммал тасвирлашда муҳим бадиий восита вазифасини бажарган.

Шоир лирик меросида энг кўп ғазаллар мурдаф қофияга асосланганини таъкидлаш керак. “Кулуб деди манга бу кеча дилдор”, “Лутф ила айлаб табассум, келди чун базм ичра ёр”, “Офтобосо жамолинг кўргач ўлдум, эй нигор”, “Айлади ҳайрон мани бир шўх чашми холдор”, “Ики маҳваш бу кеча базмим аро тутди мақом”, “Лаъли ширинингки таъриф айлаб ўлмиш шаҳдком”, “Қилурман ютуб шавқи лаълингда қон”, “Эрур жавринг менинг дардимга дармон” сатрлари билан бошланувчи ҳамда “Ўлтуур”, “Бандадур”, “Қилур”, “Ноз”, “Эй рафиқ”, “Айладинг”, “Лабинг”, “Базм”, “Эй гулбадан”, “Этмак недур, билмон”, “Айлади” радифли ғазаллари шулар жумласидандир. Бу ҳол шоирнинг қофия илмини мукаммал эгаллаш баробарида ўз шеърларида маҳорат билан қўллай олганидан далолат беради.

Шоир шеъриятида, хусусан, маснавийлари ва мухаммасларида ридфи зойидли мурдаф қофия ҳам фаол қўллангани кузатилади. Жумладан, мана бу байтда мурдаф қофиянинг ана шу тури қўлланган:

Салом, эй сабоҳат баҳрида меҳр,

Салом, эй фалакқадру хуршид чехр!

“Меҳр - чехр” қофияларидаги “р” – равий, “е” – ридфи аслий, “х” – ридфи зойиддир. Шоирнинг “Элга шоҳу ишққа қул” тўпламида “фалакқадр” сўзи “фалак қадар” тарзида табдил этилган. Натижада “қадри фалак каби

баланд” маъносини ифодаловчи бу сўзнинг мазмуни тушунарсиз бўлиб қолган. Бу ўринда бошқа бадиий тасвир воситалари билан бирга қофия байтда ифодаланаётган фикрнинг оҳангдорлигини ва мазмуннинг таъсир кучини оширган.

Салом, эй ҳаё бўстонида вард,

Бари хўблар ичра яктою фард.

“Навоий асарлари лугати”да “вард” сўзи “атиргул” маъносини бериши кўрсатилган<sup>130</sup>. “Фард” сўзи эса “якка, ёлғиз; ажралган” мазмунини англатиши айтилган. Биринчидан, қофия танланишида ҳам юксак бадиий дид намоён бўлган, иккинчидан, “вард – фард” сўзларидаги “д” – равий, “а” қисқа унлиси – ридфи аслий, “р” – ридфи зойид сифатида ридфи зойидли мурдаф қофияни ташкил этган.

**Муқайяд қофия.** Бу турдаги қофияларда қисқа унлидан кейин қўш ундош келиши ҳолати кузатилади. “Бунда қисқа унли ҳазв, равийдан олдин турган ундош қайд деб аталади”<sup>131</sup>. Қофиянинг бу тури шоир мухаммасларида ҳам маҳорат билан қўллангани кузатилади. Шоирнинг “Оҳиста-оҳиста” радифли мухаммасининг қўйидаги банди, жумладан, бунга мисол бўла олади:

Манга иқбол янглиғ бўлди чун ул ҳамдаму ҳамдаст,

Оёқинг ўпкали ман оллида туфроқға бўлдум паст,

Талаттуф бирла ул лаълин лабимга айлади пайваст,

Ман ўлдум ёр лаъли бодаси бирла бўлуб сармаст,

Фироқи ранжидин топтим омон оҳиста-оҳиста.

Мухаммаснинг ушбу бандида “ҳамдаст – паст – пайваст – сармаст” сўzlари – қофия, “т” ҳарфи – равий, “с” – қайд, “а” қисқа унлиси – ҳазв бўлиб келган. Натижада мухаммас сатрларининг маъно ва оҳанг жиҳатдан ўзаро уйғунлиги таъминланиб, фикрнинг таъсирчанлик даражаси ошган.

---

<sup>130</sup>Каранг: Навоий асарлари лугати (Тузувчилар: П.Шамсиев, С.Иброҳимов). Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. - Б.145.

<sup>131</sup>Юсупова Д. Аруз ва мумтоз поэтиказа кириш. – Тошкент: Akademnashr, 2020. – Б.291.

**Муассас қофия.** Арузшунос Анвар Ҳожиаҳмедовнинг ёзишича: “Чўзиқ “о” унлиси (фақат сўзиқ “о” унлиси) билан равий ўртасида бир ундош ва ундан кейин бир унли келадиган қофия **муассас (таъсисли) қофия** дейилади. Чўзиқ “о” унлиси **таъсис** деб, ундан кейинги ундош **дахил** деб, равий олдидаги қисқа унли **ишбоъ** деб аталади”<sup>132</sup>. Қофиянинг бу тури ҳам Феруз ижодида кенг кўлланган. Жумладан, шоирнинг “Фидо” радифли ғазали муассас қофия асосида ёзилган:

Гул юзунгга булбулосо ўтлуг афғоним фидо,  
Сарви озодингға қумридек хуш алҳоним фидо.

Ушбу байтдаги “афғоним” ва “алҳоним” сўzlари – қофия, “м” ҳарфи – равий, “о” – таъсис, “н” ундоши – дахил, “и” қисқа унлиси – ишбоъ бўлиб келган. Бу эса, ўз навбатида, муаллиф кўзлаган маънони ўқувчи онги ва руҳига тез етиб борадиган, кучли таъсир этадиган тарзда бадиий ифодалашга хизмат қилган. Кейинги байтлардаги “жоним”, “иймоним”, “олғоним”, “пинҳоним”, “дурафшоним”, “сухандоним” қофиядош сўzlарида муассас қофиялар ҳам шоир кўллаган бошқа бадиий тасвир воситалари билан биргаликда ғазалнинг поэтик мукаммаллигини таъминлаган.

Шоирнинг қуйидаги матлаъ билан бошланувчи ғазалида ҳам асосан муассас қофия қўлланган:

Ўлмакка етдим ҳижрон ғамидин, ҳолимға эт раҳм, эй сарвиқомат,  
Қаддинг ниҳоли боди ҳазондин бўлсун, Илоҳо, доим саломат.

Ушбу байтда “сарвиқомат” ва “саломат” сўzlари – қофия, “т” ҳарфи – равий, “о” – таъсис, “м” ундоши – дахил, “а” қисқа унлиси – ишбоъ бўлиб келган. Натижада оҳанг ва мазмун уйғунлигига эришилган. Ғазалнинг кейинги байтларида қофиядош бўлиб келган “қийомат”, “фароғат”, “аломат”, “қаноат”, “маломат”, “саломат” сўzlари ҳосил қилган муассас қофия фикрнинг таъсирчан, бадииятнинг юқори бўлишини таъминлаган.

---

<sup>132</sup>Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 203.

Ферузнинг, бундан ташқари, “Нечук офат эдинг, эй сарвиқомат” сатри билан бошланувчи ва “Билмиш” радифли ғазалларида ҳам муассас қофия маҳорат билан қўлланган. Ушбу мисоллар шоирнинг қофия қўллаш борасидаги салоҳияти баланд ва тажрибаси катта бўлганини кўрсатиши жиҳатидан аҳамиятлидир.

Маълумки, мумтоз қофия тузилишига кўра ҳам икки турга бўлинади:

1. Муқайяд қофия.
2. Мутлақ қофия.

Феруз шеъриятида қофиянинг ушбу икки туридан ҳам санъаткорона фойдаланилгани кузатилади. Қофия шоир учун фақат бадиий шаклни юзага келтирувчи омилгина эмас, балки бадиий шакл ва мазмун уйғунлигини, бу орқали шеърнинг поэтик мукаммалигини таъминловчи восита ҳисобланади. Шоир лирикасида қофиянинг ушбу икки тури қўлланиши даражасини ҳам таҳлил этишга ҳаракат қиласиз.

**Муқайяд қофия.** Бу турдаги қофиянинг асосий хусусияти равий ҳарфи билан тугалланганида кўринади. Феруз лирикасида муқайяд қофия кенг ва самарали қўлланган. Жумладан, шоирнинг:

Эй, юзунгдур ҳусн авжида мунаvvар офтоб,  
Кўргач они заррадек этсам тонг эрмас изтироб –  
матлаъли ғазали бунга мисол бўла олади. Ушбу байтдаги “офтоб” ва “изтироб” қофиядош сўзларида “б” ундоши равий бўлиб келган. Кейинги байтлардаги “хароб”, “комёб”, “азоб”, “итоб” қофиялари ҳам байт мазмунининг таъсирли бўлишини ҳамда ғазалнинг оҳангдорлигини таъминлагани жиҳатидан қимматлидир. Агар “...бадиий асарнинг мазмуни ҳамда шакли бадиийликнинг икки қаноти”<sup>133</sup> экани эътиборга олинса, бадииятнинг бошқа унсурлари каби қофиянинг ҳам шеъриятда муносиб ўрни борлиги аён бўлади.

Ферузнинг аксар шеърлари муқайяд қофияга асосланган. Шоирнинг “Олса жоним қошу кўзунг, икки лаб”, “Зулфи мушкинини ул ой айлади юзга

---

<sup>133</sup>Саримсоков Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент: 2004. – Б. 6.

ниқоб”, “Ёримнинг рухсори олдида ҳижилдур офтоб”, “Ўлмакка етдпм ҳижрон ғамидин, ҳолимға эт раҳм, эй сарвиқомат”, “Нечук офат эдинг, эй сарвиқомат”, “Қадинг ҳажрида, эй хури паризод”, “Кулуб деди манга бу кеча дилдор”, “Лутф ила айлаб табассум, келди чун базм ичра ёр”, “Офтобосо жамолинг кўргач ўлдум, эй нигор” сатрлари билан бошланувчи, шунингдек, “Пайдо”, “Ё Раб”, “Айлаб”, “Шарбат”, “Ичра ўт”, “Ўлтуур” радифли газаллари шулар жумласидандир.

**Мутлақ қофия.** Қофиянинг бу турида “...равий ҳарфидан кейин қофиянинг бошқа ҳарфлари (васл, хурож, мазид, ноира) ҳам иштирок этади”<sup>134</sup>. Анвар Ҳожиахмедов равийдан кейин келувчи ҳарфларнинг ҳар бирига қуидагича изоҳ беради: “...равийдан кейин турувчи ундош ёки чўзиқ унли **васл** деб, иккинчи, яъни васлдан кейин турувчи ундош ёки чўзиқ унли **хурож** деб, учинчи, яъни хуруждан кейинги ундош ёки чўзиқ унли **мазид** деб, тўртинчи, яъни мазиддан кейинги ундош ёки чўзиқ унли **ноириа** деб юритилади. Ҳарфлар нойирадан кейин давом этса, ҳар қайси ундош ёки чўзиқ унли шу ном билан, яъни нойира деб нойира деб аталаверади”<sup>135</sup>.

Таъкидлаш керакки, Феруз шеъриятида қофиянинг бу турида ёзилган шеърлар ҳам кўп. Биргина мисол:

Гулшан ичра сарв ёхуд ул қади мавзунмудур?

Наргис эрканму ва ё ул чашми пурафсунмудур?

Ушбу байтдаги “мавзунмудур” ва “пурафсунмудур” сўzlари мутлақ қофия бўлиб, улардаги “н” ундоши – равий ҳисобланади. Равийдан кейинги “м” ундоши – васл, “у” унлиси – хурож, “д” ундоши – мазид, “у” унлиси ва кейинги барча ҳарфлар нойира саналади.

Дилнавоз Юсупованинг ёзишича: “Мутлақ қофия ҳисобланиши учун равийдан сўнг биргина васл ҳарфининг қўлланилиши ҳам кифоя қиласади”<sup>136</sup>.

<sup>134</sup>Юсупова Д. Аруз ва мумтоз поэтикага кириш. – Тошкент: Akademnashr, 2020. – Б.293.

<sup>135</sup>Ҳожиахмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 205.

<sup>136</sup>Юсупова Д. Аруз ва мумтоз поэтикага кириш. – Тошкент: Akademnashr, 2020. – Б.294.

Феруз ғазаллари ичида қофия айни шу шаклда қўлланган ғазаллар ҳам бор. Жумладан, шоирнинг қўйидаги матлаъли ғазали ушбу фикрни тасдиқлайди:

Қачонким айласа ул Исойи замона ҳадис,  
Ўлук баданга берур умри жовидона ҳадис.

Бу ўринда “замона” ва “жовидона” қофиядош сўзларидаги “н” ундош ҳарфи – равий, ундан кейинги “а” унлиси – васл ҳарфи ҳисобланади. Равийдин кейин биргина васл ҳарфи қўлланганинг ўзи ушбу ғазалнинг мутлақ қофия асосида ёзилганини кўрсатади.

“Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти” дарслиги муаллифлари фикрича: “Феруз шеъриятда қофияга алоҳида эътибор беради. Маълумки, қофия – шеър бадииятини, мусиқийлигини таъминловчи асосий унсурлардан бири. Шу билан бирга, қофия фикр ва ғояни бўрттириб кўрсатишга хизмат қиласи. Феруз шеърларида қофиянинг деярли барча турларини кузатиш мумкин. Шулардан бири мусажжаб – сажли қофиядир. Газали мусажжабда ҳар байт (матлаъдан ташқари) мисралари тўрт бўлакка бўлинниб, уч бўлак ўзаро қофияланади. Тўртинчи бўлак эса матлаъ билан қофиядош бўлади. Сажли қофия шеърнинг оҳангдорлигини орттиради. Табиийки, бу шоирдан анчагина маҳорат талаб қиласи”<sup>137</sup>.

Маълум, Феруз мусажжаъ ғазаллар ёзишда ҳам катта маҳорат эгаси бўлган. Бу борада у мумтоз шеърий анъаналарни муносиб давом эттирган, такомиллаштирган. Шоирнинг “Ўлмакка етдим ҳижрон ғамидин, ҳолимға эт раҳм, эй сарвиқомат” мисраси билан бошланувчи ғазали масажжаъ ғазал экани билан алоҳида ажралиб туради. Мисол учун қўйидаги икки байтни келтириш мумкин:

Ишқингға тушдум, қолдим балоға, келмасму раҳминг  
бу мубталоға,  
Зўр айлаб ишқинг мен бенавоға, солди бошимға шўри қиёмат.

<sup>137</sup> Косимов Б., Юсупов Ш., Долимов У. ва б. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Университетлар ва педагогика олий ўқув юртларининг филология факультетлари учун дарслик. Тошкент: Маънавият, 2004. – Б.81.

Кофур кўзунгга жону жаҳоним бўлсун тасаддуқ, эй меҳрибоним,  
Лаълинг майидин маст айла жоним, ғамдин топай то  
бирадам фарогат.

Мусажжаъ ғазаллар ички қофия воситасида оҳанг-ритм орқали сўзнинг таъсир қучини оширади. Шоир ижодий нияти ёрқин ифодаланишини таъминлайди.

Феруз лирик асарларида **радиф**дан кенг кўламда ва маҳорат билан фойдаланилган. Шоирнинг “Пайдо”, “Манга”, “Салламно”, “Фидо”, “Ё Раб”, “Айлаб”, “Хадис”, “Келур”, “Ўлтуур”, “Қайдадур”, “Бандадур”, “Билмиш”, “Эй рафиқ” радифли ғазаллари, шунингдек, “Оҳиста-оҳиста”, “Лабинг”, “Қошу кўзунг”, “Оразинг” радифли мухаммаслари ушбу фикрни тасдиқлади. Ижодкор шеърларида радиф оҳангдорликни, бадииятнинг юқори бўлишини таъминлаган. Шеърда ифодаланган мазмуннинг таъсир қучини оширган. Байтлар ва бандлараро боғланишни кучайтирган. Чунки, “Радиф шеърда ифодаланаётган етакчи фикрни тақрорлаш, китобхон эътиборини асосий ғояга жалб этиб, муаллиф ғоявий ниятини чуқурроқ етказиб беришга хизмат қиласди”<sup>138</sup>.

Шоир ғазаллари радифнинг санъаткорона қўллангани билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Жумладан, қуйидаги ғазал бунга ёрқин мисол бўла олади:

Оҳким, жонимга жавр айлаб мани ёр ўлтуур,  
Ҳажр тигидин қилиб кўксимни афгор ўлтуур.  
Берса жон ширин лабидин гар ўлук жиссиминг, лек  
Қатлима айлаб ишорат, чашми хунхор ўлтуур.

Ушбу байтларда “Ўлтуур” радифи, биринчидан, ошиқнинг руҳий ҳолатини чуқур ва таъсирли ифода этган бўлса, иккинчидан, маъшуқа жабру жафосининг даражаси нечоғлиқ эканини яққол ҳис этиш имконини беради. Зоро, ғазалдаги бош ғоя ҳам айнан маъшуқанинг дилозорлиги, ошиқ ҳолига

---

<sup>138</sup> Осупова Д. Аруз ва мумтоз поэтикага кириш. – Тошкент: Akademnashr, 2020. – Б.294.

раҳм этмаслиги ва бунинг орқасидан лирик қаҳрамон чекаётган изтироб туйғусининг бадиий талқинидир.

Кейинги байтлардан ғазалга ағёр образи ҳам кириб келади. “Ағёр” образи ва “Үлтуур” радифи биргаликда шеърда ифода этилган драматизмни кучайтириб юборганини таъкидлаш керак:

Васли бирла шод этиб ағёрни, хижрон аро  
Айлабон маҳзун мани, чархи ситамкор үлтуур.

Навбатдаги байтдан ғазалга ишқ ва ақл ўртасидаги мунозара олиб кириладики, ушбу баҳс радиф билан моҳиятан уйғунлашиб кетгани кузатилади. Натижада ғазалда ифодаланаётган фикрнинг таъсир кучи ошади. Шоир ижодий нияти янада аниқроқ талқин этилади:

Ишқ айтур: «Масти хоб үлғонда ўпгил лаълидин»,  
Ақл дер: «Қўй бу ишиңг, гар бўлса бедор, үлтуур».

Жон фидо қилаётган ошикни манзур айламай, бир дамда юз бор ўлтириш – жафокор маъшуқанинг ҳаётий аъмоли. Зоро, бусиз висол неъмати қадрли бўлмайди. Шунинг учун ғазалдаги мана бу поэтик хулоса теран ҳаёт фалсафасини ифода этгани билан қимматлидир:

Ҳар неча йўлида жон қилсан фидо Феруздек,  
Айламай манзур они, ҳар дамда юз бор үлтуур.

Феруз шеъриятида қўлланган такрор сўзлардан танланган радифлар, айниқса, асаддаги асосий ғояни ҳадди аълосида таъсирчан ифодалаш имконини берган. Жумладан, шоирнинг

Манга раҳм айлаб ул ширинзабон оҳиста-оҳиста,  
Етушти бошим узра ногаҳон оҳиста-оҳиста –  
матлаъли ғазалида такрор сўзлардан танланган радиф ана шу мақсадга хизмат қилгани билан алоҳида аҳамиятга эга.

Ушбу ғазалда радиф маъшуқа фироқида қарорғон кўзлари ёрнинг қуёш янглиғ рухсорини кўрганда равшан бўлгани, ёр Масих мўъжизаси каби жонбахш лаби билан лирик қаҳрамон жисмига тоза жон бағишлагани, дилдорлик расми билан аҳвол сўраб, дилбарлик ойинига риоя этгани “оҳиста-

оҳиста” радифи орқали тиник ифода, таъсирчан бадиий тасвир орқали талқин этилган. Мана бу сатрларда, айниқса, радифнинг нечоғлиқ ўринли танлангани тасдигини топган:

Деди: “Эй, ошиқи зорим, малоли дарди ҳижрондин  
Бўлубсан асрү зору нотавон оҳиста-оҳиста.

Бу дам васлинг била коминг раво айларга келмишман,  
Мақомингға бори элдин ниҳон оҳиста-оҳиста...

Неча қун дарди ҳижроним аро сабр айладинг пеша,  
Бўл эмди васлим ичра шодмон оҳиста-оҳиста”.

Ушбу сатрларда мумтоз ғазалиётда камдан-кам кузатиладиган ёрнинг ошиққа муруват қўрсатиши, висол хушхабари, меҳру муҳаббати изҳори ифода этилган. Энг муҳими, ғазал мазмуни ва танланган радиф мантиқан чамбарчас боғланиб кетган. Натижада фироқ машаққатидан омонлик топган ошиқ кечинмалари мана бу тарзда таъсирчан талқин этилган:

Ман ул дам ёр лаъли бодаси бирла бўлуб сармаст,  
Фироқи ранжидин топтим омон оҳиста-оҳиста.

Ғазал мақтаъидаги поэтик хулоса, биринчидан, аввалги байтлардаги талқинларни мантиқий якунлагани билан, иккинчидан, висолга эришувнинг муҳим шарти ишқ аро содиқлик, деган ҳикматни ифодалагани жиҳатидан катта аҳамиятга эга:

Киши гар содиқ эрса ишқ аро васл ичра бу янглиф,  
Бўлур Ферузбахту комрон оҳиста-оҳиста.

Ферузнинг устози Огаҳий қаламига мансуб радиф учун жуфт сўз танланган “Қошу қўзинг” ғазалига боғлаган мухаммасида ҳам радиф муҳим поэтик вазифани бажарган. Икки шоирнинг чуқур бадиий мантиқ асосида уйғунлашиб кетган сатрларидаги асосий ғояни бўттириб тасвирлашга хизмат қилгани мумтоз шеъриятда радифнинг тутган ўрни нечоғлиқ баланд экани исботидир:

Бир жилвагар бўлғоч кўзум оллида то қошу кўзунг,  
Фаҳми хираддин айлади мандин жудо қошу кўзунг,  
Жонимни олди айлабон нозу адо қошу кўзунг,  
Ваҳ не балодур билмадим, эй дилрабо, қошу кўзунг –  
Ким, бир назарда солди ўт жоним аро қошу кўзунг.

Мухаммасда “Қошу кўзинг” жуфт сўзи ошиқ кечинмаларини, ишқ оташида куяётган лирик қаҳрамон рухиятини ёрқин ва таъсирчан сувратлантиришга хизмат қилган.

Боқғоч кўз или қошинга, бўлдум асир, эй нўшлаб,  
Жоним ёқар ошиқ ўти, қошу кўзунг бўлди сабаб,  
Эмди фифонлар айлабон ҳижронинг ичра рўзу шаб,  
Қошу кўзунг бедодидин дод айласам эрмас ажаб –  
Ким, не жафолар қилмади охир манго қошу кўзунг.

Радиф муаллиф ижодий ниятини ва асаддаги асосий ғояни қабариқ тасвиrlашга хизмат қилибгина қолмай, муҳим поэтик вазифани – мухаммаснинг аввалги сатрларида илгари сурилган фикрнинг стардан сатрга, банддан бандга ўсишини ҳам таъминлаган. Табиийки, бу – муаллиф маҳоратининг маҳсули.

*Ушбу бобдаги илмий таҳлиллар натижасида қўйидаги илмий-назарий хуолосаларга келиши мумкин:*

Феруз шеъриятида бадиий санъатлар икки хил усулда қўлланган: Биринчиси, ғазал матлаъидан мақтаъсигача бир санъат асос сифатида олиниши. Иккинчиси, ғазалда бир вақтнинг ўзида бир қанча бадиий санъатларни қўллаш. Лекин ушбу бўлинеш шартли бўлиб, бир бадиий санъат асосида яратилган ғазалларда параллел суратда бошқа бадиий санъатлардан ҳам фойдаланилиши эътиборга олиниши керак.

Шоирнинг “Офтобосо жамолинг кўргач ўлдум, эй, нигор”, “Қилурман ютуб шавқи лаълингда қон” сатрлари билан бошланувчи ғазаллари – такрир, “Лаъли ширинингни таъриф айлаб ўлмиш шаҳдком” мисраси билан бошланган ғазали – талмех, “Дедим: “Кўзумни равшан эт меҳри жамолинг

кўрсатиб!”, “Кулуб деди манга бу кеча дилдор” сатрлари билан бошланган ғазаллари – бошдан-охир саволу жавоб санъатлари асосида яратилган.

Ижодкор ғазалиётида ҳусни таълил, ташхис, таносуб, ташбих, тажоху-л-ориф, радду-л-матлаъ, тажнис, истиора, нидо қаби бадий санъатлардан ҳам маҳорат билан фойдаланилган. Ушбу бадий санъатлар поэтик мазмун ифодасининг жозибали ва таъсирчан ифодаланишини таъминлаган. Шоир ғазаллари бадиияти юксак бўлишига хизмат қилган.

Феруз лирик асарларида арузнинг рамал, ҳазаж, ражаз, мутақориб, музориъ, мунсарих, мужтасс, хафиф сингари саккиз баҳрига доир ижод намуналари учрайди. Шоирнинг аксар шеърлари рамал ва ҳазаж баҳрларида ёзилган. Ўзбек мумтоз шеъриятида фаол қўлланган вазнлар қаторида кам учрайдиган вазнларда ҳам шеърлар битгани шоирнинг юксак маҳоратига далил бўла олади.

Шоир мумтоз қофиянинг ўзак таркибига кўра тўрт тури: мужаррад, мурдаф, муқайяд ва муассас қофияларнинг барчасидан санъаткорона фойдаланган. Қофиянинг бу турлари ижодкор лирик асарларида фикрнинг мантиқий изчиллигини, ифодага мос оҳангни, бадий сўзнинг таъсир кучини таъминлашга хизмат қилган. Бундан ташқари, шоир қофиянинг тузилиши кўра икки тури: муқайяд қофия ва мутлақ қофияни ҳам маҳорат билан қўллаган. Шоир радиф қўллаш орқали ғазал ёки мусамматларида очқич сўз мазмунини қабарик ифодалашга, шеърларида оҳанг ва ритмни кучайтиришга эришган.

## ХУЛОСА

Ферузнинг бадиий маҳоратига бағишиланган ушбу тадқиқот натижаларидан қуйидаги илмий-назарий хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Феруз мумтоз шеъриятнинг ғазал, мухаммас, мусаддас, маснавий ва рубоий сингари жанрларида ижод қилган. Шоир назмий меросининг умумий ҳажми 98 ғазал, 7 мухаммас, 2 мусаддас, 4 маснавий, 7 рубоийдан иборат бўлиб, жами 2534 мисрани ташкил этади. Лекин бу маълумот шартли эканини таъкидлаш керак. Ижодкор асарларининг қўллёзма манбалари шу пайтга қадар тўлиқ ўрганилмагани, Огаҳийнинг Феруз даври тарихига бағишиланган “Шоҳиду-л-икబол” асарида шоир ижодига мансуб унинг мавжуд тўпламларига кирмаган ғазалининг матни келтирилгани шоир адабий мероси ҳажми тўғрисида аниқ тўхтамга келиш ҳозирча имконсиз эканини кўрсатади.

2. Феруз мумтоз шеъриятнинг беш жанрида ижод қилган бўлса, улар ичида ғазаллар етакчи ўринда туради. Шоир ижодий меросидан ўрин олган ғазалларни қуйидагича тасниф этиш мумкин: 1. Ҳусни матлаъ. 2. Оддий ғазал. 3. Мувашшаҳ ғазал. 4. Мусажжаъ ғазал.

Шоирнинг “Экан” радифли ғазали нафакат қофияланиш тартибига, балки бадиий санъат талабига кўра ҳам ҳусни матлаънинг бетакрор намунасиdir. Зеро, ғазал матлаъи поэтик мазмун услубига кўра мукаммал уйғунлик асосида яратилган. Латиф сўзлар танлангани теран мазмуннинг гўзал бадиий шаклда талқин этилишини таъминлаган. Бунинг натижасида матлаъ ўқувчи диққатини ўзига бирданига жалб этишига, ғазалнинг таъсир кучи баланд бўлишига эришилган.

Шоир ижодидаги оддий ғазаллар бу турдаги ғазалларга қўйиладиган назарий талабларга тўлиқ жавоб беради. Матлаъ мисралари ўзаро қофияланиши баробарида жуфт мисралар унга тўлиқ қофиядош бўлиб келган. Мақтаъда ҳар доим шоир тахаллуси қўлланилган. Шоир ғазалларидан энг кичик ҳажмдагиси 5 байтдан иборат бўлса, энг каттаси 11 байтдан таркиб топган.

Мувашшаҳ-ғазал битиш – Феруз ижод қилган давр шеърияти учун хос ва умумий хусусият. Маълумки, мувашшаҳ ғазалларда киши исми икки хил: 1) ғазал байтларидағи тоқ мисраларнинг биринчи ҳарфлари асосида; 2) ғазалдаги қофиядош мисраларнинг дастлабки ҳарфлари орқали. Мувашшаҳчиликда асосан, биринчи турдаги шакл кенг тарқалган бўлиб, Феруз ижодидаги мувашшаҳлар ҳам айни шу шакл асосида яратилган. Шоир мувашшаҳларида номлари келтирилган кишилар унинг биографиясига оид маълумотларни тўлдиришда, у мансуб адабий давра вакиллари ҳақидаги маълумотларни аниқлашда алоҳида аҳамиятга эга.

Ғазали мусажжаъ байтлари ички қофияли ғазал бўлиб, унда байтлардаги мисралар тўрт бўлакка тенг бўлинади. Олдинги уч бўлак мустақил ҳолда қофияланиб, тўртинчи бўлак эса шеърдаги асосий қофияга оҳангдош сўз билан тугалланади. Феруз ғазалиётида бу шаклда ёзилган икки ғазал мавжуд бўлиб, уларнинг матлаълари мусажжаъ эмас, оддий усуlda битилган.

3. Феруз маснавий жанрида ҳам юксак маҳорат соҳиби эканини исбот қилди. Шоир девони нашридан бу жанрга оид тўрт шеър ўрин олган бўлиб, уларнинг умумий ҳажми 706 мисрани ташкил этади. Шоир маснавийларининг ҳар тўрталаси ҳам диний-тасаввифий мазмунда битилган. Шунга кўра, улар шоирнинг дунёқарашини, эътиқодини аниқлашда яқиндан ёрдам беришини таъкидлаш керак.

4. Феруз мусамматлари ҳам ушбу шеърий жанрга қўйиладиган назарий талабларга ҳар жиҳатдан мувофиқ келади. Шоир мусаммат жанрининг мухаммас ва мусаддас шаклларида ижод қилган бўлиб, улардан б таси мухаммаслардир. Шундан 4 таси Ферузнинг ўз ижодига мансуб бўлиб, қолган 2 таси Огаҳий ғазалларига боғланган тахмислардир. Шоир мухаммасларининг барчаси ишқий мавзуда. Шоирнинг “Охиста-оҳиста” радифли ўз ғазалига боғлаган мухаммаси ушбу жанрининг мукаммал намунасиdir. Ушбу ғазалга шоирнинг устози Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий ҳам мухаммас боғлаган. Мумтоз шеъриятимизда устознинг шогирд ғазалига тахмис боғлаши

камдан-кам кузатилгани ҳам Ферузнинг юксак бадиий маҳорат соҳиби бўлганидан далолат беради.

5. Феруз мусамматнинг мусаддас шаклида ҳам юксак санъаткорлик намунасини кўрсатган. Шоир лирик меросида ушбу жанрга мансуб 2 шеър учрайди. Мумтоз поэтик анъанага кўра мусаддасларнинг мустақил ёки ғазал асосида ижод қилингани эътиборга олинса, Феруз мусаддаслари мустақил яратилгани билан характерланади. Шоир мусаддасларидан бирида таржеъ мисра, иккинчисида таржеъ байт қўлланилган. “*Субҳум, ул сарви гулрух сайри гулзор айлади*” мисраси билан бошланувчи мусаддасда “Дўстлар, ул дилрабо ишқи мани зор айлади” мисраси ҳар банд охирида такрорланиб келган. Шоирнинг иккинчи мусаддасида “*Ваҳки, ул меҳрлиқо нозу адосини кўрунг, Жонима ҳар нафас озору жафосини кўрунг*” сатрлари такрорланиб келиб, таржеъ байтни ташкил этган. Таржеъ мисра ва байтнинг санъаткорона қўллангани, ўз навбатида, шоирнинг муттасил ижодий изланишда бўлганини, анъаналар доирасида қолиб кетмай, янгича шеърий усуллардан фойдаланишга ҳаракат қилганини кўрсатади.

6. Феруз лирикасида кичик шеърий жанрлардан фақат рубоий мавжуд бўлиб, шоирнинг ҳозирча бу жанрдаги 7 та шеъри маълум. Уларнинг 2 таси таронаи рубоийдир. Ушбу жанр намуналарининг барчаси ишқий мавзуда битилган. Шоир шахс камолотининг асоси бўлган ишқ-муҳаббатни теран поэтик мазмун ва шакл уйғунлигига бадиий талқин этди. Шоир рубоийнависликда буюк салафлари анъанасини юксак даражада давом эттириди, поэтик такомилга етказди.

7. Шоир лирик шеърлари асосан ишқи мавзуда ёзилган. Бу мавзудаги шеърларида ошиқ-маъшуқа-рақиб учлик образлари шоир ижодий ниятини мукаммал поэтик ифодалашга хизмат қилган. Ижоқдор висол орзуси, хижрон изтироблари, жон ва жонон можаросини қаламга олади. Туркий мумтоз шеъриятининг дарғалари Навоий, Лутфий, Фузулий, буюк замондоши Огахий, сафдошлари Комил, Баёний каби шоирлар ижодини мукаммал ўрганиш баробарида, улар анъаналарини ривожлантириди, янгилади. Ижодкорнинг

Алишер Навоийга татаббуъ сифатида битилган ишқий ғазаллари поэтик тафаккурни такомилга етказишга эришилгани билан характерланади. Шунинг баробарида, Ферузнинг ишқ концепцияси, Алишер Навоийда бўлгани каби, мажоз воситасида ҳақиқатни қўйлаш тамойилига асослангани қузатилади.

8. Феруз шеъриятида ижтимоий мавзуни ҳам теран фалсафий тафаккур уйғуналигида бадиий талқин этди. Ижодкор ўзи бошқараётган Хива хонлиги Чор Россияси вассалига айланган мураккаб ва зиддиятли бир даврда яшиб ижод қилди. У ҳукмдор сифатида ҳам, шахс ва шоир сифатида ҳам юртда кечаетган ижтимоий-сиёсий воқеаларга бефарқ қарashi мумкин эмас эди. Лекин шоир шеъриятида она Ватанида ҳукм сураётган истибодод сиёсатига очиқдан-очиқ қарши ёзилган шеърлар учрамайди. Шоир ижодий нияти мисралар тагматнида, “золим ёр”, “золим фалак”, “чархи гардон”, “чашиб гирён” сингари сифатловчи-сифатланмиш муносабатларини ифодалаган образлар, “жавру жафо тоши”, “кўхи андух” каби истиоралар орқали ифодаланган.

9. Ферузнинг “Элга шоҳу ишққа қул” тўпламидан ўрин олган шеърларида арузнинг рамал, ҳазаж, ражаз, мутақориб, музориъ, мунсарих, мужтасс, хафиф сингари саккиз баҳрига доир ижод намуналари учрайди. Улардан энг кўп қўлланганни рамал баҳри бўлиб, шоирнинг 47 ғазал ва 3 мусаддаси ана шу баҳрда ижод этилган. Кейинги ўринларни ҳазаж (25 ғазал, 1 мухаммас ва 1 маснавийси ушбу баҳрда ёзилган) ва ражаз (13 ғазал, 1 мухаммаси битилган) баҳрлари эгаллайди.

10. Шоир мумтоз адабиётда Алишер Навоийгача бирорта ҳам шоир ижодида учрамайдиган *мужтасси мусаммани мақтуъи мусаббағ*, мунсарихи *мусаммани матвийи мавқуф* вазнларида, ўзбек мумтоз шеъриятида жуда кам қўлланган *16 руқни мутақориби аслам* вазнида ҳам ғазаллар битди. Ўзбек мумтоз шеъриятида кам қўлланган бу каби вазнларда ғазаллар битгани Ферузнинг аruz қоидаларини нечоғлик мукаммал билгани ҳамда ижод жараёнида маҳорат билан қўллай олгани исботидир.

11. Мумтоз шеър бадииятини, ижодкор поэтик маҳоратини белгиловчи асосий омиллардан саналган қофияни санъаткорона қўллагани шоирнинг юксак салоҳиятидан далолат беради. Шоир мумтоз қофиянинг барча – мужаррад, мурдаф, муқайяд ва муассас сингари ўзак таркибига кўра ҳамда муқайяд ва мутлақ каби тузилишига кўра турларидан маҳорат билан фойдаланган. Шоир лирик меросида энг кўп ғазаллар мурдаф қофияга асосланган. “Кулуб деди манга бу кеча дилдор”, “Лутф ила айлаб табассум, келди чун базм ичра ёр”, “Офтобосо жамолинг кўргач ўлдум, эй нигор”, “Айлади ҳайрон мани бир шўх чашми холдор”, сатрлари билан бошланувчи ҳамда “Ўлтуур”, “Бандадур”, “Қилур”, “Ноз”, “Эй рафиқ”, “Айладинг”, “Лабинг”, “Базм”, “Эй гулбадан”, “Этмак недур, билмон”, “Айлади” радифли ғазаллари шулар жумласидандир. Бу ҳол шоирнинг қофия илмини мукаммал эгаллаш баробарида ўз шеърларида маҳорат билан қўллай олганини кўрсатади.

Шоир шеърларида қофия оҳангдорлигини таъминлаш баробарида, ижодкор ифодалаган фалсафий мазмунни ҳамда бадиий образларни мукаммал поэтик ифодалашга хизмат қилган.

12. Феруз бадииятнинг муҳим унсури саналган радифдан ҳам санъаткорона фойдаланган. Шоирнинг “Пайдо”, “Манга”, “Салламно”, “Фидо”, “Ё Раб”, “Айлаб”, “Ҳадис”, “Келур”, “Ўлтуур”, “Қайдадур”, “Бандадур”, “Билмиш”, “Эй рафиқ” радифли ғазаллари, шунингдек, “Оҳиста-оҳиста”, “Лабинг”, “Қошу кўзунг”, “Оразинг” радифли мухаммаслари таҳлили унинг радиф қўллаш маҳоратига далил бўла олади. Радиф, шеърда ифодаланаётган мазмунга очқич вазифасини ўтовчи фикрни такрорлаш орқали шоир ижодий ниятининг юзага чиқувини таъминлаган. Шоир асарларида оҳангдорлик ва ритмнинг, бадииятнинг юқори бўлишига хизмат қилган.

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **II. Раҳбарий адабиётлар**

1. Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va oljanob xalqimiz bilan birga quramiz. – Toshkent: O’zbekiston, 2017. – 485 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Одамлар яхши яшashi учун зарур шароитлар яратиш – барча раҳбарларнинг асосий вазифасидир. //Халқ сўзи, 2017 йил 28 февраль.
3. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир //Халқ сўзи, 2017 йил 4 август.
4. Мирзиёев Ш.М. “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига табрик. 2018 йил 7 август.

### **II. Манбалар**

5. Алишер Навоий. Маҳбубу-л-қулуб. – Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Тўққизинчи жилд. –Т.: Faфур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. – 547 б.
6. Алишер Навоий. Мезон ул-авzon. – Т.: Faфур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. – 579 б.
7. Алишер Навоий. Сабъаи сайёр. / Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Еттинчи жилд. –Т.: Faфур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. – 639 б.
8. Баёний, Муҳаммад Юсуф. Шажараи хоразмшоҳий. ЎзР ФА ШИ кўлёзмалар фонди, инв. № 9596.
9. Табибий Аҳмаджон. Мажмуаи си шуарои пайрави Ферузшоҳий. ЎзР ФА ШИ, кўлёзма, инв. № 1152. – Б. 95<sup>a</sup>
10. Огаҳий, Асарлар. VI жилдлик. II ж. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1972. – 361 б.
11. Огаҳий, Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли. Шоҳиду-л-иқбол (Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Н.Шодмонов). –Т.: Мухаррир, 2009. – 336 б.
12. Феруз, Муҳаммад Раҳимхон. Не бўлди, ёrim келмади. –Т.: Faфур Ғулом номидаги НМИУ, 1991. – 62 б.

13. Феруз, Муҳаммад Раҳимхон. Элга шоҳу ишққа қул. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 1994. – 141 б.
14. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 1152
15. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 12561.
16. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 5018.
17. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 1134.
18. ЎзР ФАШИ тошбосма манбалар фонди, инв. № 8734
19. ЎзР ФАШИ тошбосма манбалар фонди, инв. № 11238.

### **III. Илмий адабиётлар**

20. Адизова И. Увайсий шеъриятида поэтик тафаккурнинг янгилиниши. Монография. Т.: Muharrir, 2020. – 268 б.
21. Ал-Қомус. Арабча-ўзбекча қомусий лугат. II жилд. – Т.. Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2017. – 735 б.
22. Баёний. Шажараи Хоразмшоҳий. Мерос. – Т.: Камалак, 1991. –265 б.
23. Бахтин М. Вопросы литературы и эстетики. – М.: Художественная литература, 1975. – 502 с.
24. Бобур. Мухтасар (Нашрга тайёрловчи Сайдбек Ҳасан). – Т.: Фан, 1971. – 413 б.
25. Болтабоев Ҳ. Шарқ мумтоз поэтикаси манбалари. Биринчи китоб. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 426 б.
26. Борев Ю. Эстетика. Теория литературы. Т.4. Литературный процесс. – М.: Наследие, 2002. – 624 с.
27. Воҳидов Р. Алишер Навоий ва илоҳиёт. – Бухоро, 1996. – 133 б.
28. Давлатёр Раҳим, Шихназар Матрасул. Феруз: шоҳ ва шоир қисмати. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 1993. – 67 б.
29. Давлатёр Раҳим, Шихназар Матрасул. Феруз. – Тошкент: EXPREMUM PRESS, 2011. – 237 б.
30. Жумахўжа Н. Феруз – маданият ва санъат ҳомийси. Тошкент: Фан, 1995. – 92 б.

31. Жумахўжа Н., Адизова И. Сўздин бақолироқ ёдгор йўқдур. – Т.: Ўзбекистон, 1995. -165 б.
32. Жумахўжа Н., Адизова И. Ўзбек адабиёти тарихи (16-19- аср 1-ярми). – Т.: Ношир, 2019. – 430 б
33. Жўрақулов У. Ҳудудсиз жилва. – Т.: Фан, 2006. – 203 б.
34. Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015. – 356 б.
35. Жўрақулов У. Алишер Навоий “Хамса”сида хронотоп поэтикаси. – Т.: Турон-Иқбол, 2017. – 262 б.
36. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. –Т.: Фан, 1983. –167 б.
37. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: O‘zbekiston, 2014. –297 б.
38. Йўлдош Қ., Йўлдош М. Бадиий таҳлил асослари. –Т.: Камалак, 2016. – 462 б.
39. Кайковус. Қобуснома (Форсчадан Муҳаммад Ризо Огаҳий таржимаси). – Т.: Истиқлол, 1994. –175 б.
40. Куделин А.Б. Средневековая арабская поэтика (вторая половина VIII-XI вв.) – М.: Наука, 1983. – 260 с.
41. Лаффасий, Ҳасанмурод. Тазкираи шуаро. – Урганч: Хоразм, 1992. –120 б.
42. Миллий уйғониш ўзбек адабиётидан дастур (Тузувчилар Б.Қосимов ва б.). – Т.: Университет, 1996. – 37 б.
43. Муллахўжаева К. Алишер Навоий ғазалиётида тасаввуфий тимсол ва бадиий санъатлар уйғунлиги. – Т.: Академнашр, 2019. – 204 б.
44. Мусульманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика (X-XV вв.). – М.: Наука, 1989. – 239 с.
45. Навоий асарлари луғати (Тузувчилар: П.Шамсиев, С.Иброҳимов).Т.: Адабиёт ва санъат, 1972. – 782 б.
46. Носиров О., Жамолов С., Зиёвуддинов М. Ўзбек классик шеърияти жанрлари. –Т.: Ўқитувчи, 1979. – 184 б.
47. Олтинбек О. Каримбек Камий – миллий уйғониш шоири. – Т.: Muharrir, 2018. – 147 б.

48. Орзибеков Р. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. –Т.: Фан, 1976.  
– 120 б.
49. Пирназаров М. Поэтик жанрлар типологияси (XIX ва XX аср бошлари туркий халқлар поэзиясида ғазал). – Т.: Фан, 1989. – 125 б.
50. Раҳмонов В. Шеър санъатлари. – Т.: Ёзувчи, 2001. -
51. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1979.  
– 216 б.
52. Рустамов А. Қоғия нима? – Т.: Фан, 1976. – 124 б.
53. Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Т., 2004. – 126 б.
54. Серикова Л.Н. Малые формы лирики Алишера Навои (қытъа, рубаи, фард).  
– Т.: Фан, 1981. – 95 с.
55. Сирожиддинов Ш.С. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари. – Т.: Янги аср авлоди, 2011. – 203 б.
56. Стеблева И. Семантика газелей Бабура. М.: Наука, 1982. – 327 с.
57. Стеблева И.В. Тюркская поэтика: этапы развития: VIII-XX вв. – М.: Восточная литература, 2012. – 288 с.
58. Уоррен О, Уэллек Р. Теория литературы, – М.: Прогресс, 1987. – 325 с.
59. Фитрат А. Адабиёт қоидалари. – Танланган асарлар. Тўртинчи жилд. – Т.: Маънавият, 2006. – 78 б.
60. Халлиева Г. Оғаҳий мусамматлари. – Т.: Mumtoz so‘z, 2019. - 158 б.
61. Ходим, Бобоҷон Тароҳ. Ҳоразм шоир ва навозандалари (Табдил қилиб, нашрга тайёрловчилар А.Отамуродова, О.Абдураҳимов). –Т.: Tafakkur qanoti, 2011. – 224 б.
62. Ҳоразм давлатчилиги тарихи. – Урганч, 2009. – 321 б.
63. Ҳоразм мусиқаси тарихчаси. – Т.: Mumtoz so‘z, 2014. -117 б.
64. Шайх Аҳмад ибн Ҳудойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. – Т.: Ҳазина, 1996.  
–210 б.
65. Шайхзода М. Асарлар. Олти томлик. Бешинчи том. –Т.: Адабиёт ва санъат,  
1972. – 328 б.

66. Шайхзода М. Устоднинг санъатхонасида. /Асарлар. VI томлик IV том. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1972. – 221 б.
67. Шайхзода М. Ғазал мулкининг султони. /Асарлар. Олти томлик. Тўртинчи том. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1972. – 197 б.
68. Шидфар Б.Я. Образная система арабской классической литературы (VI-VIII вв.) – М.: Наука, 1974. – 162 б.
69. Шодмонов Н. “Шоҳиду-л-иқбол” – адабий манба. Т.: Фан, 2009. – 232 б.
70. Шукуров Н. Услублар ва жанрлар. Т.: Адабиёт ва санъат, 1973. – 241 б.
71. Эркинов А., Полвонов Н., Аминов Ҳ. Муҳаммад Раҳимхон II – Феруз кутубхонаси феҳристи. – Т.: Янги аср авлоди, 2010. – 324 б.
72. Юсупова Д. Алишер Навоий “Хамса”сида мазмун ва ритмнинг бадиий уйғунлиги. – Т.: Мумтоз сўз, 2011. – 144 б.
73. Юсупова Д. Темурийлар давридаги арузга доир рисолаларнинг қиёсий таҳлили. – Т.: Таълим-Медиа, 2019. – 262 б.
74. Yusupova D. Aruz va mumtoz poetikaga kirish. – Т.: Akademnashr, 2020. – 304 б.
75. Қайюмов, Пўлотжон Домулло. Тазкираи Қайюмий. III жилдлик. III жилд. –Т.: ЎзР ФА Қўллўзмалар институти нашриёти, 1998. – 224 б.
76. Қосимов Б., Юсупов Ш., Долимов У. ва б. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Университетлар ва педагогика олий ўқув юртларининг филология факультетлари учун дарслик. –Т.: Маънавият, 2004. – 461 б.
77. Қуронов Д. ва б. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Akademnashr, 2013. – 392 б.
78. Қуронов Д. Мутолаа ва идрок машқлари. – Т.: Akademnashr, 2013. – 336 б.
79. Қуронов Д. Назарий қайдлар. – Т.: Akademnashr, 2018. – 231 б.
80. Quronov D. Adabiyot nazariyasi asoslari. – Т.: Akademnashr, 2018. – 480 б.
81. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси (Тўлдирилган ва тузатилган иккинчи нашр). – Т.: O‘zbekiston, 2015. – 326 б.
82. Ҳожиаҳмедов А. Аруз луғати. – Т.: Шарқ, 1998. – 235 б.
83. Ҳожиаҳмедов А. Шеър санъатларини биласизми? – Т.: Шарқ, 2001. – 74 б.

84. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Тошкент: Шарқ, 1999. –203 б.
85. Ҳожиаҳмедов А. Ҳусни таълил санъати. – Т.: Фан, 2006. – 288 б.
86. Хотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Т.: Фан, 1983. – 325 б.
87. Ҳусайнин А. Бадойиъу-с-санойиъ (Форсчадан А.Рустамов таржимаси). – Т.: Адабиёт ва санъат, 1981. – 398 б.

### **III. Диссертация ва авторефератлар**

88. Жабборов Н. Фурқатнинг хориждаги ҳаёти ва ижодий мероси: манбалари, матний тадқиқи, поэтикаси. Филол. фан. д-ри... дисс. – Т., 2004. – 280 б.
89. Жумахўжа Н. Миллий мустакиллик мафкураси ва адабий мерос (XVII-XIX асрлар ўзбек шеърияти асосида). Филол. фан. д-ри... дисс. – Т., 1999.
90. Жўраев Ж. Комёб ҳаёти ва ижодий мероси манбалари тадқиқи. Фил. фан. номз... дис. –Т., 2011. - 201 б.
91. Жўраева Н. Ўзбек мумтоз адабиётида байт ва унинг поэтикаси. Фил. фан. номз..... дисс. Т., 2004. – 151 б.
92. Исмоилова Г. Феруз даври Хоразм адабий муҳити. Фил. фан. номз. дисс. – Т., 1995.
93. Маткаримова С. Табибий – тазкиранавис (“Мажмуаи си шуаройи пайрави Ферузшохий” асосида). Фил. фан. номз... дис. –Т., 2007. – 136 б.
94. Пардаев Кулдош Узақович. Муқимий шеъриятининг матн тарихи, таҳрири ва талқини: Филол. фан. докт. дисс. ... – Т., 2020. – 223 б.
95. Файзуллаева Р. Муҳаммад Расул Мирзо ва унинг адабий мероси. Фил. фан. номз... дис. –Қарши, 2020. – 139 б.
96. Шодмонов Н. “Шоҳиду-л-иқбол”нинг ўзбек бадиий-тарихий насли тараққиётидаги ўрни, манбалари ва матний тадқиқи. Филол. фан. док-ри... дисс. – Т., 2009. – 287 б.
97. Қобилова З.Б. Амирий ва унинг адабий фаолияти: Филол. фан. номз... дисс. – Т., 2007. – 134 б.

#### **IV. Илмий мақолалар**

98. Жабборов Н. Огаҳийнинг адабий-эстетик ва маънавий-ахлоқий мезони. / Огаҳий шоир, муаррих, таржимон. – Урганч, 2019.
99. Жабборов Н. Огаҳийнинг огоҳлик сири. // Tafakkur, 2009, 2-сон
- 100.Исмоилова Г. Сўнгсўз ўрнида. / Муҳаммад Раҳимхон Феруз. Не бўлди, ёrim келмади. –Т.: Faфур Fулом номидаги НМИУ, 1991.
- 101.Исмоилова Г. Хоразмнинг фозил фарзанди. Муҳаммад Раҳимхон Феруз. Элга шоҳу ишққа қул. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1994
- 102.Саримсоқов Б. Алишер Навоий ғазалиётида тахаллус санъати. /Навоийга армуғон. 2-китоб. – Т., 2000.
- 103.Сайфуллоҳ С. Наът ғазаллар моҳияти. “Хазойин ул-маоний”даги наът ғазаллар китобига сўзбоши. –Т.: Ноширлик ёғдуси, 2010.
- 104.Ўтанова С. Мумтоз шеъриятда гул ва ранг тасвири. /Мумтоз адабиёт масалалари. –Т., 2006.

#### **V. Интернет сайtlари:**

- 105.<http://www.philology.ru>.
- 106.<http://www.Ziyonet.uz>
- 107.<http://www.Literarytheory.narod.ru>
108. <http://WWW.reader.boom.ru>
109. <http://WWW.uza.uz>